

ISSN 2181-8231



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

№ 1 (14) 2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ

ЎЗБЕКИСТОН ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ФАНЛАРАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖУРНАЛ

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЙ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

UZBEKISTAN CONTEMPORARY HISTORY ISSUES

INTERDISCIPLINARY ACADEMIC JOURNAL

№ 1 (14) 2024

ТОШКЕНТ
2024

“Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари” Фанлараро илмий-назарий журнал.
№ 1 (14) 2024. – 67 б.

Муассислар:

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги,
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги.*

Бош муҳаррир:

Феруза Усарова, сиёсий фанлар номзоди, катта илмий ходим

Бош муҳаррир ўринбосарлари:

Мирзохид Рахимов, тарих фанлари доктори, профессор
Азамат Амиров, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим (котиб)

Таҳрир хайъати:

Акбар Хакимов, академик, санъантшунослик фанлари доктори, профессор
Анатолий Сагдуллаев, академик, тарих фанлари доктори, профессор
Акмал Саидов, академик, юридик фанлар доктори, профессор
Дилором Алимова, тарих фанлари доктори, профессор
Нодира Мустафаева, тарих фанлари доктори, профессор
Абдулазиз Расулев, юридик фанлари доктори, профессор
Григорий Глизин (Gregory Gleason), фан доктори
Валентина Комлева, социология фанлар доктори, профессор
Изабель Охайон (Isabelle Ohayon), фан доктори
Санжай Пандей (Sanjay Pandey), фан доктори
Севара Пулатова, тарих фанлари номзоди, профессор
Владимир Парамонов, сиёсий фанлар доктори
Гули Юлдашева, сиёсий фанлар доктори
Рано Турсунова, тарих фанлари доктори
Аскар Джумашев, тарих фанлар доктори
Хайрия Буриева, тарих фанлари доктори
Нодирбек Расулов, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Нигора Сайдалиева, тарих фанлари номзоди, доцент
Нилуфар Маннанова, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Дилшод Аберкулов, тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим
Санобар Толибова, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим
Дилором Чориева, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Саҳифаловчи:

Мухтор Сагаатов

Таҳририят манзили: 100047, акад. Яхё Ғуломов кўчаси, 70.

Телефонлар: 233-37-01; 233-37-11. E-mail: uzconhistory@academy.uz

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўёхатга олинган.
Гувоҳнома № 0848.

ISSN 2181-8231

© Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ, 2024 й.

МУНДАРИЖА – СОДЕРЖАНИЕ – CONTENT

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИ

С. Жўраев. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг янги стратегияси	4
Л. Югай. Укрепление защиты прав женщин в условиях нового Узбекистана.....	10
Р.Турсунова. Идеи и деятельность джадидов в построении нового Узбекистана.....	17
И. Шамсиева. Тарихни ўрганишда сунъий интеллект имкониятлари: Туркия тажрибаси.....	23
С. Махмудов, Ж. Мирзаахмедов. Амир Темур салтанати сунъий интеллект нигоҳида.....	28
С. Улжабаева, Ш. Миралиева. Темурийлар тарихи давлат музейида экспозицияларни илмий лойиҳалаш ва янги технологияларни жорий этиш масалалари	31
Д. Чориева. Ўзбекистон республикаси маданият вазирлиги фаолиятининг такомиллашувида маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни (1991-2016 йиллар)	39
Р. Толибов, М. Асадов. Ўзбекистонда ногиронлар жамиятларининг шаклланиш тарихи.....	51
А. Кенжаев. Перспективы водной дипломатии Узбекистана в сохранении региональной безопасности	57

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН

Н. Мустафаева. Фронтларда олинган сабоқлар воситасида илм чўққисига эришганлар	63
С. Пулатова. Иккинчи Жаҳон Уруши йилларида Ўзбекистон театр санъатида ҳарбий сафарбарлик жараёнлари	71
F. Usarova. The courage of women from Uzbekistan during the Second World War.....	79

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

М. Эргашева. Ўзбекистон Республикаси - Саудия Арабистони Қироллиги: иқтисодий ҳамкорлик.....	83
М. Nurmetova. International multiparty mediation in the context of the Tajik peace negotiations	88
С. Гладких. Историческая роль международных организаций в развитии культурно-гуманитарного сотрудничества Республики Узбекистан на примере ОТГ	94
О. Юлдашев. Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим тизимида рақамлаштиришнинг илмий-назарий асослари	100
А. Очилова. История и развитие логистики в Центральной Азии	105
Ш. Ньматов. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими тарихшунослиги	110
А. Умаркулова. Понятие культурной дипломатии в современном международном дискурсе ...	115
К. Тагаев. Ижтимоий лойиҳалар тизимида раҳбар кадрларни тайёрлаш структураси	120
Н. Улуғов. Спичрайтинг ва унинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги аҳамияти.....	125

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИ

Сайфиддин Жўраев

с.ф.д., профессор
Тошкент давлат шарқшунослик университети

Аннотация. Данная статья представляет собой обзор и анализ новейшей стратегии внешней политики Республики Узбекистан. Отдельно рассматривается вопрос стратегического обеспечения государственных интересов на региональной и международной арене. В заключении автор предоставляет необходимые рекомендации для дальнейшего развития внешнеполитической деятельности государства. Результаты исследования могут быть полезны для углубленного изучения политического регионоведения.

В исследовании внешней политики и международных отношений автором был использован системный подход.

Ключевые слова: внешняя политика, стратегия, конструктивный диалог, организация, экономическая дипломатия.

Abstract. This article is an overview and analysis of the latest foreign policy strategy of the Republic of Uzbekistan. The issue of strategic coverage of ensuring state interests in the regional and international arenas is considered separately. In conclusion the author gives the necessary recommendations for the trends in the development of the foreign policy of the state. The results of the research can be useful for in-depth study of political regional studies.

In the study of foreign policy and international relations, the author used a systematic approach.

Key words: foreign policy, strategy, constructive dialogue, organization, economic diplomacy.

КИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва тарих илми ва амалиётида янги даврга хос миллатни аниқ йўлларга бошловчи «стратегия» тушунчаси тамойил сифатида кириб келди. Гап шундаки, бундай ўта шиддатли ривожланаётган зиддиятли даврнинг одамларни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган ва сафарбар қиладиган ўз ғояси, тараққиёт тамойиллари борлиги ҳам айни ҳақиқат. Ўз вақтида Алишер Навоий «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ...» деб таъкидлаган эди. Бугун ҳам худди шундай: дунё майдони ва ўз азмида қойим турмоқ, мақсадга эришмоқ учун муттасил олдинга интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, янгиланиш томон собитқадамлик билан бориш лозим [1]. У жараёнда тарих ва янги даврни уйғунлаштираётган энг янги Ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш халқаро миқёсда давлат ва халқ манфаатларини илгари суриш ва химоя қилишда қуйидаги стратегик мақсадлар муҳим амалий ва назарий аҳамият касб этмоқда. Булар қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, бугун Ўзбекистон дунёга очилганлиги, обрў-эътиборининг ўсиши, халқаро майдонда бир қатор ташаббусларининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги фаолиятини янада кенг ва жадал олиб бориши учун янги имконият туғдирмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан амалий мулоқотни ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга бундан буён ҳам катта аҳамият қаратиб келмоқда.

Учинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари ва жаҳоннинг етакчи давлатлари билан стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини изчил мустаҳкамлаб бормоқда [1].

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида хавфсиз ва тинчликсевар давлат тамойилига асосланган очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсатни изчил давом эттириш «Ўзбекистон-

2030» стратегиясининг 5-йўналиши асосини ташкил этади. Стратегияда бу борада мамлакатимиз 2030-йилга қадар катта йирик мақсадларни қўйган, бундан кўплаб чоратadbирлар ўрин олган. Хусусан, унда дейилмоқдаки, янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини халқ манфаатларидан келиб чиқиб, изчил амалга ошириш мақсади қўйилган.

Дарҳақиқат, халқнинг манфаатларидан келиб чиқиш ташқи сиёсатни муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган қoидаси ҳисобланади. Яъни, ташқи сиёсатда намоён бўлаётган кўп қиррали ва кўп жиҳатли фаолият, жумладан, хорижий давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўрнатилаётган дипломатик алоқалар, муносабатлар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги долзарб масалалар бўйича илгари сурилаётган ташаббуслар ва олиб борилаётган мулоқотларнинг ҳаммаси, биринчи навбатда, халқимизнинг тинч, хавфсиз яшаши, мамлакатимизда ва хорижий юртларда эркин фаолият юритиши, замонавий билимлар олиши, ва янги касбларни эгаллаши, минтақа ва халқаро миқёсда тadbиркорлик билан шуғулланиши, бизнес юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиш ва муҳофазасини давлат томонидан таъминланишига қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Жараённинг иккинчи томони шундаки, кейинги йилларда жаҳонда янгитдан шаклланаётган халқаро тартиботларнинг зиддиятли хусусиятлари вужудга келишига давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг инқирозга учраганлиги сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида, бир тарихий давр тугаб, башорат қилиш мушкул бўлган янги даврнинг бошланаётганлиги сир эмас ҳамда бундай мураккаб шароитда ҳеч бир мамлакат ўз қoбиғига ўралиб қолиб, ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмас. Ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яққою ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама самарали халқаро ҳамкорликдир [1].

Тўртинчидан, бундай замонавий ва ўта зарур мулоқотни амалга оширишда афсонавий ва замонавий Самарқанд, унинг шонли тарихий меъроси ташкилот тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очади. Бугунги кунда бу шаҳар минтақавий ва глобал хатарларни биргаликда муҳокама қилиш, бу борада зарур ечимларни излаб топиш учун энг қулай ва мақбул майдонга айланмоқда. Инсониятнинг бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги шу даражада юқорики, мавжуд хатарларнинг аксарияти нафақат минтақалар, балки умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилишни тақозо этмоқда. Тарихдан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. «Самарқанд руҳи» деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у замонавий халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, халқаро сиёсат доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин [2].

ТАШҚИ СИЁСАТДА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ СТРАТЕГИК ҚАМРОВИ

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги маанфатларини таъминлаш жараёнлари сўнгги йилларда мамлакатда юз бераётган янги ўзгаришлар, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни самарасини таъминлашда амалий, стратегик аҳамият касб этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда халқаро муносабатлар жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги мураккаб жараёнлар ва ҳодисаларнинг кучайиши билан бирга чуқур таҳлилавий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Кўпчилик учун оқибатлари ҳалигача ноаниқ бўлиб қолаётган йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятли ривожланишлар сўнгги йилларда дунёда шиддатли кечаётган геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришларни янада жадаллашувига олиб келди. Бу жараёнлар барча давлатлар, жумладан, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ривожланишига, минтақа давлатларининг халқаро ҳамкорлари билан муносабатларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда ўзининг ташқи сиёсий манфаатларини аниқлаб олган, ҳимоя қилишни замонавий механизм ва инструментларига эга бўлган давлатларгина мақсадларига эришади. Ўзбекистон давлат манфаатларидан келиб чиқиб, бу вазиятни таҳлил қилиб бормоқда ва тегишли хулосалар чиқариб, ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширишда стратегик қарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишни таъминлаб келмоқда.

Мана шундай шароитда Ўзбекистон ўзини ҳудудий яхлитлиги, суверенитетини сақлаш учун, ташқи дунёдан ишончли шериклар ва ҳамкорларни топишга ҳаракат қилибди ва бунга эришябди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида белгиланган «Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади» нормаси белгиланган. Бундан асосий мақсад хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатларда ташқи сиёсатнинг умумэтироф этилган принципларини ҳамда икки ва кўп томонлама муносабатларни конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, ташқи сиёсат бўйича эришилган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, олдиндан бошланган ташқи сиёсий курсимизни давом эттириш ва бунда учинчи томонга нисбатан қарши бормаслик асосий қоида сифатида таъминланишига эътибор қаратилган. Бу эса биринчидан, аҳолининг фаровонлигини оширишга ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, айниқса савдо, инвестиция, транспорт-коммуникация алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш имкониятларини яратади. Иккинчидан, жамият ва давлат миқёсидаги кенг кўламли ислохотларни самарали амалга ошириш учун қулай ташқи сиёсий-дипломатик шарт-шароитларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ва минтақа давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик қилишнинг кўп қиррали тизимини ривожлантиришга янги шарт-шароитлар яратади. Учунчидан, Марказий Осиё ва жаҳон сиёсатидаги муҳим йўналишлар бўйича умумжаҳон ташаббусларини илгари суришга ҳамда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдида ишончли шерик сифатида мақомини кучайтириш ва обрў эътиборини мустаҳкамлашга конституциявий-ҳуқуқий асос бўлади. Тўртинчидан, хорижий давлатлар билан кенг қамровли ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, шу жумладан, парламент, иқтисодий, халқ, маданий гуманитар ҳамда туризм дипломатиясини кенгайтириш, транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда халқаро транспорт коммуникациялари ва логистик инфратузилмаларни ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб, конституциявий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу борада халқ ва давлат манфаатларининг уйғунлашуви натижасида 2030-йилгача мўлжалланган ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар белгиланган ва буни ҳозир амалга оширишга киришилди. Мана шу даврда давлат манфаатлари таъминланишининг қоида ва меъёрлари, мақсадлари, йўналишлари, вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсатни амалга ошираётган барча хатти-ҳаракатлар мазкур мантиқ асосида олиб борилмоқда. Бу жараёнларда истиқболли тенденциялар шаклланиб, ривожланиб келмоқда.

Биринчидан, ташқи сиёсатни амалга оширишда Ўзбекистон манфаатларининг асосий йўналишлари, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоялаш, давлат мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини мунтазам таъминлаш ва мустаҳкамлаш, хавфсиз ва барқарор ривожланиши учун қулай ташқи шарт-шароит яратиш, республика атрофида дўстона, яхши кўшничлик муҳитини шакллантириш, қолаверса, ватанимизни халқаро нуфузини яхшилаш давлат манфаатларини асосий йўналишлари бўлиб қолмоқда. Шунингдек, бу ҳаракатлар жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ҳамма фуқароларни, мулк шаклдан қатъий назар барча ишлаб чиқариш субъектларни хорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқалари ҳамда халқаро миқёсдаги манфатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича фаолият юритаётган давлат ҳокимияти органлари билан кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан мувофиқлаштирилиб амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон бошқа давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади, унинг суверенитети, миллий бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини қисман ёки тўлиқ бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тияди. Бундан ташқари, давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларига бирор-бир давлат ҳудудига, унинг бир қисми ёки ресурсларига куч билан ёки куч ишлатиш таҳдиди билан бевосита ёхуд билвосита тажовуз қилмайди. Бунда мамлакатлар алоҳида давлат ҳудуди ёки унинг бир қисмига зиён етказувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишлик ҳамда бузғунчи давлатлар ва уларнинг шерикларини қўллаб-қувватламасликка содиқ бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, ташқи сиёсатда давлат манфаатларини таъминлашнинг фундаментал ва методологик асосини конституциявий-ҳуқуқий қонунлар ташкил этмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги принципига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг

умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади. Конституциянинг 152-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонунига (2001 йил 11 май, 211-II-сон) мувофиқ, давлат мудофаасини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган*) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланиб, халқаро ҳуқуқнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави принцип ва нормаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга таяниб амалга оширилмоқда. Жумладан, Доктринанинг 5-бандига мувофиқ, мамлакат мудофааси Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминловчи сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборотга оид, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириб келмоқда. Доктринага мувофиқ, ҳарбий таъжовуз деганда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва давлат мустақиллигига қарши ҳарбий кучни қўллаш тушунилади. Давлат суверенитети принципи Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро шартномалар ҳамда янги тузилаётган икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларда ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Биринчи навбатда, шуни таъкидлаш лозимки, халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун Республиканинг халқаро шартнома мажбуриятларига розилиги билдирилганидан кейин кучга қиради [3].

Тўртинчидан, юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг марказий нуқтасини ташкил этади. Амалга оширилган конституцион-ҳуқуқий асослар, авваламбор, ташқи сиёсат бўйича эришилган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, олдиндан бошланган ташқи сиёсий курсимизни давом эттиришни, бунда учинчи томонга нисбатан қарши бормасликни асосий қоида сифатида таъминламоқда. Шунингдек, халқаро миқёсда тобора чуқурлашиб бораётган глобал ўзгаришларга муносабат билдириш ҳамда ўзининг фаол позициясини амалга ошириш имконини бермоқда. Ўз навбатида, халқаро сиёсатда шериклар учун ташқи сиёсий ҳаракатларни тушунарли бўлиб қолиши ҳамда ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муносабатлар олиб боришни мустаҳкамланишига шарт-шароитлар яратмоқда.

Бешинчидан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 147 та давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тошкентда 46та чет эл элчихоналари, 3та бош консуллик, 13 нафар фахрий консуллар, 24та халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, 26та хорижий ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, 1та савдо ваколатхонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг 59та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари мавжуд. Ўзбекистон 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, кўп томонлама ҳамкорлик тузилмалари билан ўзаро шерикчилик алоқаларини ривожлантиради. Ўзбекистон Республикасига фуқаролари визасиз кириши мумкин бўлган хорижий мамлакатлар сони 90 нафарга етди.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг стратегик манфаатлари таъминланишида ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий вазибаларидан бири – ўз худуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин кўшничлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши сифатида амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқишга доир муҳим мақсадлар белгиланган. Мисол учун, қардош Қирғизистон билан 30 йиллик чегара муаммоси ечилгани ҳисобига, 2 миллиондан зиёд водий аҳолиси ўз яқинлари, қариндош-уруғлари билан эркин борди-келди қиладиган бўлди. Ушбу жараёнлар сиёсий фанлар олдига янги стратегик вазибаларни қўймоқда.

ХУЛОСА

Демак, «Ўзбекистон-2030» стратегиясининг ташқи сиёсат соҳасида давлат манфаатларининг мақсад ва йўналишлари белгиланиши ва амалга оширилиш жараёнлари мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини халқаро ҳуқуққа мувофиқ белгиланган чегаралар доирасида сақлаш ҳамда давлат ҳудудини ўзгартиришга қаратилган ташқи ва ички таҳдидларга қарши тура олиш имкониятини кенгайтиради, янги даврнинг янги механизмлари, шарт-шароитлари ва инструментларини такомиллаштиради. Давлатимизнинг халқаро ҳамжамият олдида ишончли шерик сифатида мақомини кучайтириш ҳамда минтақа ва халқаро миқёсда тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Давлатлар билан ҳамкорлик – тараққиёт ва хавфсизлик, ривожланиш кафолати бўлишини таъминлайди. Ташқи сиёсатдаги изчиллик, прагматизм ва конструизм, ҳар қандай шароитда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш стратегиясини мустаҳкамлаш ва янги босқичга олиб чиқишга имкониятлар яратади. Ўз навбатида, сиёсий-дипломатик соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш билан бир қаторда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва маданий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда қулайликлар ва шарт-шароитлар яратади.

Ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий базалар ва объектларни жойлаштирмаслик, турли можароларда иштирок этмасликнинг ҳамда ҳозирда мавжуд ва келажақда пайдо бўлиши мумкин бўлган барча қарама-қаршиликлар ва низоларни фақат тинч сиёсий йўллар билан ҳал қилишнинг, бир-бирига нисбатан куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмасликнинг замонавий амалиётини таъминлайди. Мамлакатимиз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги, ўз зиммасига олган барча халқаро мажбуриятларни ўз вақтида ва самарали ижро этиши, халқаро миқёсда ва Ўзбекистон томонидан этироф этилган инсон ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиши ҳамда халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари ва нормаларига риоя этишни амалга оширишнинг янги шарт-шароитларини яратади.

Қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик, дўстона ташқи сиёсатга асосланган ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган барча шериклар билан ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги стратегик жиҳатларини таъминлайди. Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигини халқаро ҳуқуққа мувофиқ белгиланган чегаралар доирасида ҳимоялаш, хавфсизликни бўлинмаслиги, чегараларнинг дахлсизлиги, шунингдек, давлат ҳудудини ўзгартиришга қаратилган ташқи таҳдидларга қарши тура олишга доир тизимли фаолиятни олиб боришга янги имкониятлар яратади. Хориждаги ватандошларимиз, тадбиркорларимиз, хорижий мамлакатларда таълим олаётган, фаолият юритаётган фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг механизми ва инструментларини яратади. Жаҳон ҳамжамияти эътиборига ташқи сиёсатимизнинг асосий стратегик мақсад-муддаосини ҳам етказиш вазифасини бажаради. Давлат манфаатлари асосида ташқи сиёсатни амалга оширилиши минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини кенгайтиришга ва хорижий давлатлар билан кенг қамровли ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришнинг стратегик қамровини кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг дўстона, тинчликпарвар, яхши қўшничилик ташқи сиёсати янги босқичларга чиқди, бу жараён яъни ташқи сиёсатда давлат ва халқ манфаатларини амалга ошириш ўзига хос жиддий муаммоли халқаро муҳитда кечмоқда. Халқаро муносабатлар, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги инқирозли ҳодисаларнинг кучайиши билан бирга чуқур таҳликавий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Кўпчилик учун оқибатлари ҳалигача ноаниқ бўлиб қолаётган йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятли ривожланишлар сўнгги йилларда дунёда шиддатли кечаётган геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришларни янада жадаллашувига олиб келди. Бу жараёнлар барча давлатлар, жумладан, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ривожланиши ҳамда минтақа давлатларининг халқаро ҳамкорлари билан муносабатларига ҳам бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Бу стратегик ҳолат Ўзбекистонда мазкур вазиятни илмий тадқиқ ва таҳлил қилиб бориш, ички ва ташқи сиёсатда стратегик қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишни таъминлайдиган илмий-таҳлилий фаолиятни такомиллаштиришни ва рақобатбардошликни таъминлашнинг замонавий механизми ва амалиётини кун тартибига қўйди.

1. Ўзбекистоннинг хавфсиз ва тинчликпарвар давлатга айлантириш жараёнларининг ички ва ташқи омиллари ва шарт-шароитларини сиёсий-ҳуқуқий, тарихий, ижтимоий, тизимли

фундаментал тадқиқ ва амалий таҳлил этиб боришнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усулларининг технологиясини яратиш. Бунда асосий эътиборни халқаро тизимларда кечаётган мураккаб геосиёсий ва геоиқтисодий вазиятда очик, прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб боришни изчил давом эттиришга янги имкониятлар яратадиган жихатларни методология ва назариясини шакллантиришга ҳамда стратегик ёндашувларни илмий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратиш. Аънавий, шунингдек, янги ҳамкор давлатлар билан нуфузли ташкилотлар доирасида минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли ва доимий мулоқотлар олиб боришнинг рақобатбардош технологиясини илмий-амалий жиҳатдан асослаш.

2. Қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал чуқурлаштириш, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, тарихий, маданий ва гуманитар йўналишлардаги икки ва кўп томонлама алоқаларни мунтазам ва самарали олиб боришнинг янги шаклланаётган механизм ва технологияларини илмий-таҳлилий асослаш, янги йўналишларни аниқлашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон ва халқаро муносабатлардаги янги давр ташқи сиёсатда эришилаётган натижалар ташқи меҳнат миграцияси, ватандошлар билан ишлаш, халқаро миқёсдаги обрў эътиборни мустаҳкамлаш жараёнларини такомиллаштиришнинг стратегик вазифалари ҳамда мазкур йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга оширишни кун тартибига қўйди. Бунда асосий эътибор куйидаги жиҳатларга қаратилиш керак деб ўйлаймиз. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот тизимини амалга ошириш жараёнлари, ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш, хорижда меҳнат фаолиятини юритаётган фуқароларга ҳуқуқий, ижтимоий, маданий ёрдам беришнинг рақобатбардош илмий-таҳлилий асосланган технологияларини шакллантириш. Бу борада мамлакатимизда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў эътиборини кучайтиришни таъминлайдиган илмий-таҳлилий механизм, концепция, платформаларни яратиш муҳим стратегик ёндашувни ташкил этиши керак.

4. Дунёни қайтадан тақсимлаш, янги куч марказларини яратиш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг мутлақо янги технологияларини татбиқ этишга олиб келмоқда. Бу борада замонавий халқаро ахборот маконини кенгайтириш, аҳолининг барча қатламлари ахборотни эркин излаш, олиш ва тарқатишга доир ташқи шарт-шароитларни таъминлашнинг имкониятларини кенгайтириш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг янги механизмларини такомиллаштиришнинг илмий, сиёсий, ҳуқуқий технологияларини кун тартибига қўймоқда.

5. Ташқи сиёсатда янги стратегия ва амалиёт сифатида кун сайин тараққий этиб бораётган Иқтисодий дипломатияни ривожлантиришнинг амалий-стратегик вазифаларини аниқлаш ва амалга ошириш тизимли ёндашувни талаб қилмоқда. Миллий манфаатларни илгари суриш ва ҳимоя қилишда иқтисодий дипломатия самарадорлигини ошириш ва фаоллаштиришни илмий-таҳлилий асослаш, унинг методологиясини шакллантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча, бунда куйидаги жиҳатлар тадқиқот йўналиши бўлиши лозим. Мамлакатимизни глобал ва минтақавий транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш; Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш; ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш; иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини олдини олиш механизмларини такомиллаштириш. Халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотларга, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан бозорларга кириш бўйича музокараларни тизимли олиб бориш ва аъзо бўлиш жараёнини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этиб боришнинг амалий технологиясини яратиш муҳим стратегик вазифалар сифатида кун тартибига чиқиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Янги ўзбекистон стратегияси. – Т. «O'zbekiston» нашриёти, 2021. 464-бет.
2. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/5495> (мурожаат санаси: 12.09.2022).
3. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуннинг 06.02.2019 йилдаги ЎРҚ-518-сон, 17-моддаси.

УКРЕПЛЕНИЕ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЖЕНЩИН В УСЛОВИЯХ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Людмила Югай

доктор юридических наук, и.о. профессора
Академия МВД Республики Узбекистан

Аннотация. Мазкур мақолада аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва миллий ҳуқуқий асослар таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси жамиятининг турли соҳаларида гендер тенгликни таъминлашда эришган ютуқлари кўриб чиқилди. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчиликдаги янгиликлар ўрганилди. Олимларнинг фикрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида ушбу соҳани такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилди.

Калим сўзлар: гендер тенглик, аёлларни қўллаб-қувватлаш, оиладаги зўравонлик, виртуал макон, «Аёллар дафтари».

Abstract. The paper analyses the international and national legal framework in the sphere of ensuring and protecting women's rights. The achievements of the Republic of Uzbekistan in ensuring gender equality in various spheres of public life are considered. Novelty in the national legislation on the protection of women's rights are being studied. On the basis of studying the opinion of scientists and law enforcement practice, proposals and recommendations for improving this sphere are being formed.

Key words: gender equality, support for women, family violence, virtual space, «Women's notebook».

ВВЕДЕНИЕ

Статья 58. Женщины и мужчины имеют равные права. Государство обеспечивает равенство прав и возможностей женщин и мужчин в управлении делами общества и государства, а также в других сферах общественной и государственной жизни.

Конституция Республики Узбекистан

Вопросы, связанные с укреплением прав женщин, борьбой с любыми формами насилия в отношении женщин стоят на повестке дня большинства стран в мире. В ежегодном докладе Всемирного банка «Женщины, бизнес и закон 2024» Узбекистан вошел в топ пяти стран, в которых были проведены существенные реформы по улучшению гендерного равенства.

При этом гарантии обеспечения прав женщин отражены в таких общепризнанных международных документах, как Устав ООН, Всеобщая декларация прав человека (1948 г.), Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах (1966 г.).

Кроме того, приняты отдельные международные документы, которые непосредственно посвящены вопросам защиты прав женщин. Среди них такие, как Конвенция относительно равного вознаграждения мужчин и женщин за труд равной ценности (1951 г.), Конвенция о политических правах женщин (1952 г.), Конвенция о согласии на вступление в брак, минимальном брачном возрасте и регистрации брака (1962 г.), Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (1879 г.).

Узбекистан присоединился к таким базовым международным документам, как Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, Конвенция о политических правах женщин, Конвенция об охране материнства и другим международным документам по правам женщин.

Вопросам гендерного равенства посвятили свои научные работы такие ученые, как Michelle K. Ryan [1, 1-11], Thekla Morgenroth [2, 555-572], Самаке Авы [3], Е.В. Заколдаева [4, 156-163], Р.А. Торосян [5, 347-352], И.Н. Тартаковская [6, 50-68], С.А. Москаленко [7], А.А. Максимов [8] и другие.

В работе использовались общенаучные методы исследования, в том числе формально-логические (анализ, синтез, обобщение, дедукция и индукция, абстрагирование, выдвижение гипотез) и частнонаучные (наблюдение, анализ содержания документов).

При этом совершенствование сферы обеспечения защиты прав женщин, формирования условий их достойного труда и жизни, реализация способностей и потенциала выступают в качестве приоритетных направлений государственной политики. В частности, Цель 25 Стратегии «Узбекистан-2030» определяет важность усиления системы поддержки женщин, обеспечения их прав и законных интересов, повышения социальной, экономической, политической активности женщин и обеспечения гендерного равенства. Вместе с тем, в рамках реализации указанной цели поставлены такие задачи, как увеличение доли женщин на руководящих должностях до 30 процентов путем продолжения политики обеспечения гендерного равенства, повышения социально-политической активности женщин, формирование в обществе культуры неприятия притеснения и насилия в отношении женщин, обеспечение прав и законных интересов женщин, а также выработка прозрачного механизма адресной работы с «Женской тетрадь», установление общественного контроля в данном направлении.

ПРАВОВАЯ БАЗА ЗАЩИТЫ ЖЕНЩИН

В сфере обеспечения защиты прав женщин создана соответствующая нормативно-правовая база, среди которых Законы Республики Узбекистан № ЗРУ-562 «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» от 2 сентября 2019 г. [9], № ЗРУ-561 «О защите женщин от притеснения и насилия» от 2 сентября 2019 г. [10], Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-5116 «О дополнительных мерах по реабилитации женщин, пострадавших от насилия» от 19 мая 2021 г. [11], № ПП-3827 «О мерах по совершенствованию системы социальной реабилитации и адаптации, а также профилактики семейно-бытового насилия» от 2 июля 2018 г. [12], Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 3 «О мерах по совершенствованию системы защиты женщин от притеснения и насилия» от 4 января 2020 г. [13], № 625 «О дополнительных мерах по совершенствованию дел по предотвращению самоубийств, а также реабилитации и адаптации женщин, пострадавших от насилия» от 6 октября 2021 г. [14].

Кроме того, принята Стратегия достижения гендерного равенства в Республике Узбекистан до 2030 г. [15].

Данная Стратегия достижения гендерного равенства предусматривает следующие приоритетные направления:

- обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин при осуществлении избирательного права;
- обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин в сфере государственной службы;
- обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин в сфере образования, науки, спорта и здравоохранения;
- обеспечение равных прав и возможностей женщин и мужчин в социально-экономической сфере;
- обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин в предотвращении притеснений и насилия;
- обеспечение равных прав и возможностей женщин и мужчин в сфере семейных отношений и образования детей;
- совершенствование ведения гендерной статистики.

В статье 70 Избирательного кодекса закреплено положение о том, что из всех кандидатов в депутаты 40 процентов должны составлять женщины, т.е. не менее двух из пяти. Вышеуказанное направлено на повышение роли и участия женщин в политической жизни страны.

При этом, если в 2017 г. в Республике Узбекистан количество женщин в органах государственного управления составляло 27 процентов, то на сегодняшний день – уже 35 процентов.

Государство оказывает комплекс экономических мер поддержки женщин. Только в 2023 г. 57 тысячам женщин были предоставлены субсидии порядка 300 млрд сум. Прошли обучение профессиям и предпринимательству порядка 200 тысяч женщин, предоставили рабочие места свыше 400 тысячам женщин.

Государством оказывается системная социальная помощь женщинам. В рамках системы «Женской тетради» выделено 1 трлн 234 млрд сум.

Важное значение приобретает поддержка в получении образования девушками. В частности, 2023-2025 учебном году из малообеспеченных семей на учебу в вузы по дополнительным государственным грантам были приняты 1914 девушек. При этом, льготные образовательные кредиты получили более 181 500 девушек. За счет местных бюджетов была покрыта сумма контракта более 2 тысяч студентов из числа членов семей, нуждающихся в социальной защите, студентов-сирот или лишенных родительской опеки на 14 миллиардов 500 миллионов сумов. В последние годы контракты девушек, обучающихся в магистратуре государственных высших образовательных учреждений, оплачиваются из бюджета [16].

Парламентская комиссия по соблюдению международных обязательств в области прав человека при Олий Мажлисе Республики Узбекистан рассматривает выполнение Национального плана действий, мониторинг реализации которого ведется Национальным центром по правам человека.

Республиканская комиссия по вопросам повышения роли женщин в обществе, гендерного равенства и семьи в 2022 году утвердила Дорожную карту по имплементации положений резолюции №1325 «Женщины, мир и безопасность» на 2022-2025 гг. по выполнению резолюции Совета безопасности ООН, где также во 2- и 3- целях определены задачи по предотвращению и борьбе с дискриминацией, притеснением и гендерным насилием [17].

Вышеуказанное свидетельствует о комплексной, системной и всесторонней работе государства по защите прав женщин. При этом, острой проблемой современности во всем мире является защита женщин от насилия и притеснения. На сегодняшний день 162 страны приняли законы о домашнем насилии, а в 147 странах действуют законы о сексуальных домогательствах на рабочем месте. В некоторых случаях данные акты не в полном объеме соответствуют международным документам, регулирующим данную сферу общественных отношений, а также не всегда соблюдаются [18].

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ СЕМЕЙНО-БЫТОВОГО НАСИЛИЯ

Включение в национальное законодательство ответственности за семейно-бытовое насилие направлено на защиту женщин в семейно-брачных отношениях. Семейно-бытовая сфера представляет собой ту сферу общественных отношений, в которую вовлечены большая часть населения страны. В связи с чем только нормальная обстановка в этой сфере может обеспечить соответствующий уровень жизни человека. Любое правонарушение, особенно преступление, совершаемое в семейно-бытовой сфере, приводит к серьезным травмам: физическим, духовным. Иногда наступают такие необратимые последствия, как смерть, причинение увечий, приводящих к инвалидности [19, 127-134].

Должны отметить, что традиционные представления о социальных ролях мужчин и женщин являются существенным препятствием, ограничивающим возможности женщин пользоваться всеми правами и свободами, несмотря на то, что такие представления, прежде всего, характерны для бытового уровня жизни общества.

П.Аббаси выделяет следующие особенности семейно-бытового насилия [21, 188-197]:

- имеет место в сфере семейно-бытовых отношений между супругами, лицами, состоявшими в незарегистрированных брачных отношениях, другими родственниками;
- осуществляется в форме физического, психологического, экономического и другого насилия;
- сопряжено с угрозой причинения или фактическим причинением физического, психологического или морального вреда их чести, достоинству, свободе, здоровью или жизни;
- влечет негативные последствия, связанные с причинением вреда чести, достоинству, свободе, здоровью и жизни, разрушением семьи и созданием неблагоприятных условий для социального благополучия женщин, семьи и воспитания подрастающего поколения.

Этимология термина «насилие» в словаре В.Даля имеет два аспекта: 1) «действие стеснительное, обидное, незаконное и своевольное»; 2) «принуждение, неволя, нужда, силованье» [22, 468].

По мнению Ю.М. Антоняна, насилие является разрушением чего-либо, кого-либо, нанесение ущерба кому-то ради кого-то или чего-то [23, 17].

Л.В. Сердюк определяет насилие как «внешнее со стороны других лиц умышленное и противозаконное воздействие на человека (или группу лиц), осуществляемое помимо или против его воли и способное причинить ему органическую, физиологическую или психологическую травму, и ограничить свободу его волеизъявления или действий» [24, 16].

В соответствии с Законом Республики № ЗРУ-561 «О защите женщин от притеснения и насилия» от 2 сентября 2019 г. под насилием понимается противоправное действие (бездействие) в отношении женщин, посягающее на их жизнь, здоровье, половую неприкосновенность, честь, достоинство и иные охраняемые законом права и свободы путем применения или угрозы применения мер физического, психологического, полового или экономического воздействия. Кроме того, предусмотрены следующие виды насилия: физическое, психологическое, экономическое и половое насилие.

Важное значение имеет принятие Закона Республики Узбекистан № ЗРУ-829 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим совершенствованием системы надежной защиты прав, свобод и законных интересов женщин и детей» от 11.04.2023 г. [25].

Данный закон предусматривает внесение административной и уголовной ответственности за семейное (бытовое) насилие.

При этом часть первая статьи 59² КоАО РУз раскрывает понятие семейного (бытового) насилия, которое охватывает совершение различных действий в отношении супруги (супруга), бывшей супруги (бывшего супруга), совместно проживающего на основе единого хозяйства лица либо лица, имеющего общего ребенка, повлекшее расстройство здоровья, среди которых:

- воспрепятствование в осуществлении права на собственность, образование, здравоохранение и (или) труд;
- умышленное повреждение имущества и личных вещей;
- унижение чести и достоинства;
- запугивание;
- изоляция от близких родственников.

Часть вторая данной статьи предусматривает административную ответственность за следующие действия в отношении супруги (супруга), бывшей супруги (бывшего супруга), совместно проживающего на основе единого хозяйства либо лица, имеющему общего ребенка, среди которых:

- нанесение побоев;
- умышленное легкое телесное повреждение, не повлекшее кратковременное расстройство здоровья или незначительную стойкую утрату трудоспособности.

Кроме того, за совершение подобных действий после применения административного взыскания была введена уголовная ответственность по статье 126¹ УК РУз.

На основании внесенных изменений в Закон Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия» предусмотрено продление срока действия охранный ордера судом по уголовным делам на срок до 1 года.

Кроме того, предусмотрена административная ответственность по статье 206¹ за невыполнение требований охранный ордера лицом, совершившим притеснение и(или) насилие либо склонным к их совершению. Вышеуказанное направлено на формирование ответственного поведения лица, совершившего насилие или склонного к его совершению, к выполнению ограничений предусмотренных охранным ордерам.

Вместе с тем в стране осуществляют свою деятельность Республиканский центр реабилитации и адаптации женщин и 28 региональных и районных центров. В задачи данных центров входит оказание экстренной медицинской, психологической, социальной, педагогической, правовой и иной помощи женщинам, а также женщинам покушавшимся на свою жизнь или склонным к совершению суицида. Вышеуказанные меры направлены на оказание поддержки женщинам, попавшим в сложную жизненную ситуацию и пострадавшим от насилия.

По официальным данным Верховного суда в 2023 г. в Республике Узбекистан за совершение семейного (бытового) насилия было привлечено к юридической ответственности в общей сложности 9131 человека. В частности, к административной ответственности по статье 59² КоАО РУз были привлечены **8928 лиц**, из которых 5229 получили штраф, 3699 - административный арест. За совершение уголовного семейного (бытового) насилия по статье 126¹ УК РУз были осуждены 203 человека, из которых 59 было назначено наказание в виде лишения свободы, 144 – наказания, не связанные с лишением свободы [26].

Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-829 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим совершенствованием системы надежной защиты прав, свобод и законных интересов женщин и детей» от 11 апреля 2023 г. [25] предусмотрел административную ответственность по статье 41¹ Кодекса об административной ответственности за половое домогательство. По итогам 2023 г. по данной статье было привлечено к ответственности 666 человек, из которых 433 было назначено наказание в виде административного ареста, 233 человек – в виде штрафа.

В соответствии с диспозицией данной статьи половое домогательство представляет собой совершение в отношении лица однократного грубого или неоднократных, нежелательных для него и унижающих его честь и достоинство. Данная статья направлена на защиту женщин от непристойных, унижающих их честь и достоинство высказываний, жестов, действий.

Необходимо отметить, что в большей части случаи домогательства остаются латентными по причине отказа потерпевшей обращаться в соответствующие органы за защитой своих прав. К сожалению, в большинстве случаев общество, семья, окружение подвергает осуждению именно женщин. По этой причине, многие потерпевшие отказываются от юридического преследования их обидчиков.

Материалы Комитета министров Совета Европы показывают, что «согласно примерным подсчетам, исходящим из шести европейских исследований, от 45 до 85 процентов женщин подвергаются половому домогательству на рабочих местах и от 5 до 22 процентов - подают жалобу. Проблема домогательства, которому женщины подвергаются в общественных местах, изучается достаточно редко» [27]. Выделяются следующие формы домогательства: нападение, принуждение, обсуждение, демонстрация.

Кроме того, данным законом была введена ответственность по статье 141³ Уголовного кодекса Республики Узбекистан **за разглашение сведений, ущемляющих честь и достоинство личности и отражающих интимные стороны жизни человека**. Под разглашением данных сведений понимается распространение информации, содержащей фото и (или) видеоизображения обнаженного тела и (или) половых органов лица без его согласия, в том числе распространение в средствах массовой информации, сетях телекоммуникаций или всемирной информационной сети Интернет, либо угроза распространения такой информации. Таким образом, лицо может быть привлечено к уголовной ответственности даже за угрозу распространения. За 2023 г. за совершение данных деяний было осуждено 48 человек. При этом, 7 из них были приговорены к лишению свободы и 41 - к наказаниям, не связанным с лишением свободы.

Вызвала огромный общественный резонанс преступная деятельность группы лиц, которые распространяли фотографии и видеоматериалы личного характера в платных каналах Telegram. Потерпевшими по данному делу были признаны 62 человека, из которых 55 составляли женщины. При этом, за удаление данных материалов преступники требовали от 100 до 500 тысяч сум.

В условиях цифровой трансформации общества и государства важно обеспечить соответствующую защиту прав и интересов женщин в виртуальном пространстве. В рамках обеспечения прав женщин в условиях Нового Узбекистана проводится комплексная работа, которая требует постоянного совершенствования.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В Республике Узбекистан осуществляется комплекс правовых, организационных, методических и иных мер по обеспечению защиты прав женщин. Наблюдается существенный прогресс в правовом регулировании защиты прав женщин, в частности защиты от семейного насилия, защиты их чести и достоинства. Несмотря на проводимую комплексную работу в данной сфере, вопро-

сы обеспечения прав женщин в отдельных сферах, вопросы семейного насилия и другие аспекты остаются открытыми.

Исходя из вышеуказанного, считаем необходимым:

- дальнейшее формирование в обществе непримиримого отношения к насилию в отношении женщин и девочек;
- проведение правового просвещения по противодействию семейно-бытового насилия;
- применение наказания за насилие в отношении женщин, унижение чести и достоинства женщин;
- разработка и реализация государственных программ по профилактике семейного насилия и поддержке женщин;
- улучшение духовно-нравственной атмосферы в семьях;
- создание эффективной системы оказания действенной методической, консультативной и практической помощи женщинам;
- профилактика виктимного поведения женщин;
Key words: artificial intelligence, Amir Temur, Samarkand, centralized state, culture.

КИРИШ




Янги Ўзбекистонда илм-фаннинг истиқболли ва янги йўналишларида (шу жумладан, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, робототехника, фармацевтика, биотехнология, нанотехнологиялар, энергетика, муҳандислик, электроника, механика, машинасозлик, геномика, астрономия, дастурлаш, саноат дизайни, криминалистикада) илмий-тадқиқот ишларига кенг имкониятлар яратилмоқда [1].

Дарҳақиқат, 2021 йилнинг 17 февраль куни «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинган эди. Унда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имконияти ва юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Қарорга мувофиқ сунъий интеллект технологиялари асосидаги инновацион бизнес-моделлар, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш усуллари ривожланиши учун қулай ва мақбул экотизим яратиш, уларни белгилаб берилган устувор тармоқлар ва соҳаларда тезкорлик билан жорий этиш ва амалиётга татбиқ қилиш мақсадида, 2021 йил 26 август «Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5234-сонли қарори қабул қилинди.

Ёш тадқиқотчиларнинг «Амир Темур салтанати сунъий интеллект нигоҳида» деб номланган тадқиқот ишланмалари нафақат иқтисодиёт ва ижтимоий йўналишлар, балки илф-фан соҳасига ҳам сунъий интеллект нигоҳи билан янгича қарашни тавсия этади. Бу эса, ўз навбатида, Қарорда белгиланган сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибadorлигини шакллантириш, фойдали технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратишга хизмат қилади.

Қуйида эътиборингизга сунъий интеллект томонидан яратилган Амир Темур салтанатининг илмий, маданий, иқтисодий, ҳарбий ҳаётига оид тарихий кўринишларни такдим этамиз.



ХУЛОСА

Хулоса қилар эканмиз, сўнги 20 йилликда жаҳон мамлакатлари ўртасида илм-фан ва инновациялар сунъий интеллект асосида юкори технологик даражада ортиб бормоқда. Олимларнинг тадқиқот ва таҳлиллари ахборот технологиялари ва сунъий интеллект келгуси йилларда глобал иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлишини кўрсатмоқда.

Демак, инсоният сунъий интеллект орқали XXI аср глобал муаммоларига илм-фанда янги имкониятларни кашф этиши орқали ижобий ва мукамал ечимлар топиши билан бир қаторда, кунлик турмушимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозлик ва бошқа барча соҳаларида сифатли хизмат кўрсатиш имкониятларига эришади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.02.2021 йилдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сонли Қарори. URL:<https://lex.uz/ru/docs/5297046>.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ЭКСПОЗИЦИЯЛАРНИ ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Сурайё Улжабаева

ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Шахноза Миралиева

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири

Аннотация. В статье рассматриваются научные основы и опыт организации выставок, предоставляемых Государственным музеем истории Темуридов, который является научным центром по изучению и предоставлению публике историю эпохи Амира Темура и Темуридов, материальные и духовные памятники того периода, имеющие важное значение в истории государственности узбекского народа на научно-практической основе посредством выставок и экспозиций, а также широко освещаются организация инфраструктуры музеев Узбекистана в соответствии с международными стандартами и успешное внедрение в экспозицию музея инновационных технологий.

Ключевые слова: Амир Темура, экспозиция, международная выставка, музейная инфраструктура, инновационные технологии.

Abstract. The article considers the scientific foundations and experience of organizing exhibitions provided by the State Museum of the Temurid History, which is a scientific center for the study and on a scientific and practical basis, through exhibitions and expositions provides to the general public, the history of Amir Temur and the Temurids period, material and spiritual memorials of that time which have a great importance in the history of Uzbek statehood, as well as the organization of the infrastructure of museums in Uzbekistan in accordance with international standards and the successful introduction of innovative technologies into the exposition of the museum are elucidated.

Key words: Amir Temur, exposition, international exhibition, museum infrastructure, innovative technologies.

КИРИШ

Ўзбекистон музейлари юрт мустақиллигига эришганидан сўнг ўзининг хақиқий фаолиятини бошлади. Ўзбек халқи тарихи, маданияти ва кадриятларига эътибор мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истиқлол шарофати билан ўзбек халқининг асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси музейларнинг экспозицияларида ўз аксини топди [1, 4].

Ана шундай музейлардан бири 1996 йили Соҳибқирон Амир Темура таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Фанлар академияси қошида ташкил этилган Темурийлар тарихи давлат музейидир [2].

Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқ ўз ўтмишини ва тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Зеро, буюк аждодларнинг шонли тарихи, шу жумладан, Амир Темура номи тарих саҳифаларидан ўчирилиб, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка бўйсундириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодлари хотирасини қалб тўрида сақлади.

Кўхна тарих саҳифалари Соҳибкирон Амир Темурнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради. Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига хукмронлик қилган жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат-зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади. Темурийлар тарихи давлат музейи эса ана шундай буюк шахсга нисбатан тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботи бўлди [3, 6].

Музей ўзбек халқининг давлатчилик тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини, моддий ва маънавий ёдгорликларини илмий-амалий асосда ўрганиб, экспозицияда кенг жамоатчиликка намойиш этувчи, баркамол ва етук инсонни тарбияловчи илмий маскандир. Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқлар ва анъаналар асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий истиқлол ғоясини сингдиришда Темурийлар тарихи давлат музейи муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Шу билан бирга темурийлар даври тарихини, ундаги бунёдкорлик асосларини кенг оммага етказиш масаласи ҳам борки, бу ўз навбатида бевосита музейлар фаолиятининг тарғибот қисмини ташкил қилади ва мазкур йўналиш Темурийлар тарихи давлат музейи кўргазмаларида тўла акс этган.

Музейда ўзбек халқи давлатчилик тарихи, Темурийлар даври тарихи, анъана ва кадриятларни акс эттирувчи 100 га яқин кўргазмалар ташкил этилган. «Моварауннахр хукмдорлари», «Ўзбекистон. Мозий дурдоналари», «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Меросимиз давомчилари», «Амир Темур ҳаётидан лавҳалар», «Шохруҳия – қалъа шаҳри Темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги», «Хориждаги меросимиз», «Амир Темур – Клавиҳо – Самарқанд», «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Тошкент – Шарқ дурдонаси», «Ноёб кўлёмалар хазинасидан», «Самарқанд – 2750 ёшда», «Совғалар», «Тошкент – ислом маданияти пойтахти», «Темурийлар даври ренессанси», «Темурийлар давлатининг дипломатик муносабатлари», «Жаҳон хазиналаридаги Темурийларга оид жавоҳирлар», «Шохруҳия – Темурийлар бунёдкорлиги ёдгорлиги», «Тарихий обидаларимиз: кеча ва бугун», «Темурийлар образи – ўзбек сахнасида», «Музей хазинасидаги нодир кўлёмалар», «Амир Темур даврида боғ яратиш санъати», «Тарихий соزلарнинг сеҳрли садоси», «Дунё бўйлаб тарқалган темурийларга оид дурдоналар», «Тангаларда акс этган тарих», «Бобурийлар даври меъморчилиги ва миниатюраларида Темурийлар даври анъаналарининг давомийлиги», «Истиқлол йилларида Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид нашр этилган китоблар», «Миниатюраларда ҳаёт акси», «Қамолитдин Бехзод – темурийлар даврининг буюк мусаввири», «Узукнинг ёқут кўзи», «Темурийлар даври архитектураси фотоларда», «Темурийлар даври рассомлар нигоҳида», «Темурийлар тарихи давлат музейи нумизматика коллекцияси», «Амир Темур дунё олимлари ва адиблари нигоҳида», «Темурийлар даври маданияти рассомлар ижодида», «Янги Санганак хазинаси» каби кўргазмалар шулар жумласидандир. Музейда ташкил этилган кўргазмаларда Амир Темурнинг тарихдаги ўрни, унинг нафақат буюк ҳарбий саркарда, йирик давлат арбоби, балки теран бунёдкор шахс бўлганлиги ва унинг бунёдкорлик фаолияти авлодлари томонидан давом эттирилгани ўз аксини топган.

Маълумки, илмий тадқиқот иши ҳар қандай музейнинг етакчи фаолият йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган кўргазмаларнинг асосини музейда бажарилган илмий лойиҳалар доирасида жамланган материаллар ташкил этади. Масалан, музейда бажарилган «Темурийлар даври ренессанси» фундаментал лойиҳа натижалари асосида «Темурийлар даври ренессанси» кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма ўша давр Марказий Осиё фани, меъморчилиги ва санъатининг хилма-хил турлари ривожини, маънавий маданиятнинг кўлам жиҳатидан беқиёс юксалишида Амир Темур ва ворисларининг тарихий мавқеини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилди.

Ҳозирда кўргазма ва экспозицияларнинг виртуал кўринишларини яратиш орқали моддий ва маданий бойликларни кенг тарғиб қилиш имконияти пайдо бўлмоқда. Виртуал кўргазмалар ва уларнинг илмий-амалий асосларини яратиш натижасида экспозиция, кўргазмалар ва экскурсияларнинг томошабинларга таъсир кучи ортиб боради. Шу сабабли ҳам музейда яратилган «Темурийлар даври ренессанси» кўргазмасининг «Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилиги» ва «Амир Темур ва темурийлар даври тангалари» бўлимларининг мультимедиаси яратилди [4].

«Тошкент – ислом маданияти пойтахти» инновацион лойиҳаси асосида «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» мавзусида кўргазма ташкил этилди. Кўргазма каталоги «Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти. Тошкент коллекцияларида ислом қўлёзмалари» номи билан уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) чоп этилди [5, 91].

Кўргазмада Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти сифатидаги моҳияти, ислом маданиятининг тарихий, маданий, маърифий йўналишлари ва диний ҳамжиҳатлик, бирдамлик, инсонпарварлик каби исломий кадриятлар ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида очиб берилди.

«Чет элларда сақланаётган темурийлар даври ашёлари каталоги» лойиҳаси доирасида дунё музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид 200 дан ортиқ ашёлар аниқлаиб, тўпланган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига «Жаҳон хазиначилигидаги темурийларга оид жавоҳирлар» номи кўргазма ташкил этилди. АҚШ, Россия, Германия, Туркия, Озарбайжон ва бошқа давлатлардаги йирик музейларда сақланаётган темурийлар даврига оид 21 та бадий хунармандчилик буюмларининг эгизак нусхалари ушбу кўргазмадан жой олди [6].

«Шохрухия қалъа шаҳри – Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги» мавзусидаги амалий тадқиқот доирасида Тошкент вилояти Окқўрғон тумани ҳудудида жойлашган XIV аср ёдгорлиги – Шохрухия шаҳрида археологик қазилма ишлари ўтказилди, унинг натижасида кўплаб қурилиш материаллари, қулоччилик, шишачилик, темирчиликка оид материаллар йиғилди. Жами 400 га яқин ашёлар музей фондига топширилди. Топилмалар асосида «Шохрухия – қалъа шаҳри – Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги» мавзусидаги кўргазма томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Музейда ташкил этилган ҳар бир кўргазма Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг маълум бир қирраларини очиб беришга йўналтирилгандир. «Темурийлар давлатининг дипломатик муносабатлари» кўргазмасида Амир Темур асос солган кучли салтанат фақатгина ҳарбий куч-қудратга эга бўлибгина қолмай, ўша давр халқаро майдонида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганлиги кўрсатиб берилган [7].

Музейларнинг халқаро майдонга чиқиши билан уларнинг таъсир доираси кенгайиб, халқаро маданий алоқаларни ўрнатишда, миллий маданиятларнинг ўзаро бойишида ва халқлар ўртасида ҳамфикрлиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Шу сабабли дастлабки йиллардан оқ Темурийлар тарихи давлат музейи жамоаси жаҳон музейлари қаторидан жой эгаллаш учун ҳаракатларни амалга оширмоқда. Халқаро алоқалар ўрнатишдаги муҳим омиллардан бири бу кўргазмалар ташкил этишдир. Музей экспонатлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Францияда ўтказилган «Темурийлар ренессанси», Германияда ўтказилган «Экспо-2000», Австралияда ўтказилган «Ёрин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси» каби халқаро кўргазмаларда ҳам намойиш этилиб, ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиб келмоқда. Шунингдек, музей залларида ҳамкорликда кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Ҳиндистон, Эрон, Бельгия, Ўмон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмалар шулар жумласидан.

Хусусан, 1997 йилда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ноёб қўлёзмалар» кўргазмаси бунга яққол мисол бўла олади. Ноёб қўлёзмаларни намойиш этувчи мазкур кўргазма Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги ва Ҳиндистон мустақиллигининг 50 йиллик тўйига бағишланган бўлиб, унда Ҳиндистондаги машҳур Рампур Раза кутубхонасида сақланаётган қадимги қўлёзмалар тўплами намойиш этилган. Шунингдек, мазкур кўргазмада Амир Темурнинг туғилишидан то вафотига қадар маълумот берувчи ҳижрий 1047 йили битилган Тузуки Темурий (кўпроқ Малфузат-и Соҳибқирон Муҳаммад Афзал Бухори номи билан машҳур) қўлёзмаси ҳам кўргазмадан жой олган.

2014 йилда яна бир ҳамкорликдаги кўргазма Ўмон султонлиги билан ўтказилди. Ўмон Султонлиги Ҳужжат ва архивлар Миллий бошқармаси, ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи ва Халқаро Амир Темур ҳайрия фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазма «Узоқ ва яқин Ўмон» деб номланган. Ушбу кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг (2009 й.) Ўмон Султонлигига бўлган давлат ташрифи фотоматериаллари, Ўмон ва Занжибар ҳақида дунё ОАВларида эълон қилинган нашр ишлари жой олган.

Турли мамлакатлар билан ҳамкорликда кўргазмалар ташкил этиб келиш анъанаси 2016 йилда Нидерландиянинг Лейден шаҳрида давом эттирилди. Лейден шаҳрида ЎзР ФА Темурийлар

тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ҳамда Лейден университети билан ҳамкорликда ўтказилган конференция доирасида «Темурийларга оид дунё музейларидаги дурдоналар» номли фотоқўргазма ташкил этилди. Қўргазмада Темурийлар тарихи давлат музейида олиб борилган тадқиқот натижасида тўпланган дунёнинг энг йирик музейлари Санкт-Петербург Давлат Эрмитажи, Франциядаги Лувр, Британия, АҚШдаги Метрополитен санъат музейи каби музейларда сақланаётган темурийлар даврига оид ноёб ашёларнинг суратлари намойиш этилди [8].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда музейлар нуфузини ошириш, уларни замонавий талаблар доирасида жиҳозлаш, томошабинларни жалб қилишни янги усуллар билан ташкил этиш, илгари намойиш этиш имкони бўлмаган музей фондларидаги буюмларни ҳам томошабин эътиборига ҳавола қилиш, музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4068-сон, 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3920-сон, 2020 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4730-сон қарори, 2022 йил 27 майдаги «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-261-сонли қарорлар ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида Темурийлар тарихи давлат музейида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш борасидаги ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишнинг ёрқин намунаси ҳисобланган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси бўйича амалга оширилган ишлар натижаси музей кўргазмасидан жой олди. 2018 йилда ташкил этилган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» номли кўргазмада 13 жилддан иборат «Ўзбекистоннинг меъморий эпиграфикаси» ҳамда «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» номли 10 томлик китоб-альбомлари, Катта Лангар Қуръони, «Темур тузуклари», Султон Ҳусайн Бойқаронинг «Девони Ҳусайний» қўлёзмаси ҳамда Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган 31 та миниатюра факсимилеси намойишга қўйилди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади чет эллик олимлар, музей ходимлари ва мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача сақланиб қолган артефактлар ва қадимги қўлёзмалардан тадқиқотчилар ва кенг жамоатчиликни баҳраманд қилишдир [9].

Халқаро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ҳам сўнгги йилларда турли давлат музейлари билан шартномалар, англашув меморандумлари имзоланди. Унда музейлар фаолиятини ўрганиш, инклюзив, маркетинг, менежмент тизимларида тажриба алмашиш, илмий ходимларнинг малакасини ошириш, музей архивида мавжуд бўлган Амир Темур ва темурийлар даврига оид ҳужжат ҳамда манба ва ашёларни ўрганиш, реставрация ва консервация ишларини йўлга қўйиш, икки томонлама халқаро кўргазмалар ташкил этиш назарда тутилган.

2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Туркистон шаҳридаги «Азрет Султан» давлат тарихий-маданий қўриқхона-музейининг таклифига биноан «Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари» фотоқўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада Темурийлар тарихи давлат музейининг ноёб экспонатларининг суратлари ва музей нашрлари намойиш этилди. 2019 йилда ЎЗР ФА Темурийлар тарихи давлат музейида «Азрет Султан» давлат тарихий-маданий қўриқхона-музейининг «Буюк дашт мероси» деб номланган фотоқўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорига кўра турли ОТМ талаба ва тадқиқотчиларининг

изланишларини ўзида акс эттирган кўргазмалар ташкил этилмоқда. Жумладан, 2018 йил Тошкент архитектура ва қурилиш институти тадқиқотчиси Н.Гилманованинг олиб борган тадқиқотлари асосида «Темурийлар даври миниатюраларида меъморчилик» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ушбу кўргазмада Н.Гилманова томонидан тайёрланган Темурийлар даври меъморий обидаларининг бадий тикланган кўриниши суратлари, муаллифлик эскиз расмлари, миниатюра манбалари асосидаги бадий ва илмий-тарихий фотолар ўрин олган. Кўргазманинг мақсади Амир Темури ва Темурийлар даври меъморчилигининг ўзига хос бадий хусусиятларини ўша давр миниатюралари орқали очиб беришдир. 2019 йилда тадқиқотчининг кейинги изланишлари асосида «Бобурийлар даври меъморчилиги ва миниатюраларида Темурийлар даври анъаналарининг давомийлиги» номли кўргазма ташкил этилган.

Амир Темури каби ёрқин ва салобатли шахс, темурийлар даврининг бошқа йирик намёндалари, шоиру-мутафаккирлари юртимизнинг санъат вакиллари, мусаввирлари эътиборини тортмай қолмаган. Мамлакатда фаолият юритаётган рассомлар ўз асарларида «Темурийлар даври рангтасвири ҳамда Камолиддин Беҳзод мактаби анъаналарини давом эттираётганлигини кўриш мумкин. 2019 йилда ташкил этилган Темурийлар даври рассомлар нигоҳида» номли кўргазмада Т. Болтабоев, Б. Каримов, Х. Зиёхонов, Н. Худоймуродов, Э. Аралов, М. Холов ва ёш миниатюрачи рассомлар Г. Абдуллаева, М. Собированинг Амир Темури ва темурийлар даври акс этган асарлари намойиш этилди.

Дунёнинг турли бурчакларидаги таниқли давлат ва жамият арбоблари, олимлар ва адиблар ўз ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти давомида буюк аждоқларимиз, хусусан Соҳибқирон Амир Темурининг жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб улушини юксак баҳолаб келмоқда. 2021 йилда ташкил этилган «Амир Темури дунё олимлари ва адиблари нигоҳида» номли кўргазмада А. Якубовский, Т. Нагель, Б. Манц, Н. Леонов, Л. Керэн, В. Бартольд, Х. Хукхэм, Г. Вамбери, Р. Груссе, Л. Ланглэ, Ф. Шлоссер, Саййид Жамалиддиннинг Амир Темури тимсоли ҳақида ёзиб қолдирган фикр ва мулоҳазалари ўрин олган. Бундай рангбаранглик Соҳибқирон сиймоси чет эллик адиб ва олимлар томонидан турлича идрок этилганлигини кўрсатади.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши, Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда Соҳибқирон таваллудининг 685 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик йилларида Амир Темури ва Темурийлар даври тарихига оид нашр этилган китоблар» кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазманинг асосий мақсади Ўзбекистон тарихининг сермаҳсул даври саналмиш XIV-XV асрлар, «Темурийлар Ренессанси» деб ном қозонган давр тўғрисида яна бир бор маълумот бериш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини тарихий, бадий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар билан таништиришдан иборат бўлди.

Шунингдек, ушбу санада ташкил этилган «Темурийлар тарихи давлат музейи нумизматика коллекцияси» номли кўргазмада эса музей фондида сақланиб келинаётган Ўзбекистон тарихига оид V-XIX асрга оид мис, қумуш ва олтин тангалар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

2022 йилда музей фондига келиб тушган янги экспонатларни кенг оммага намойиш этиш мақсадида «Янги Санганак» хазинаси кўргазмаси ташкил этилди. 2021 йилнинг март ойида Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Янги Санганак» маҳалла фуқаролари йиғини худудида яшовчи фуқаро Имомали Боймақовнинг ҳовлисида топилган 1810 дон тангалар музейга топширилди. Музей олимлари томонидан тангаларнинг бир қисми тозаланиб, ўрганилганда улар XV-XIV асрлар яъни, ўзбек давлатчилигининг Темурийлар ва Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Самарқанд, Бухоро ва Тошкент зарбхоналарида зарб қилинган мис тангалар хазинасидан иборат эканлиги аниқланди [10] ва улар кўргазмада илк маротаба кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан Франциянинг Лувр музейи ва Араб дунёси институтида ташкил этилган кўргазмаларда эса музей хазинасидаги ноёб экспонатлар ҳам намойиш этилди. Париж шаҳрида ташкил этилган ушбу кўргазманинг монтаж ишларида музей илмий ходимлари ҳам иштирок этди. 2022 йилнинг 23 ноябрь куни Франциянинг Париж шаҳридаги Араб

дунёси институтида ташкил этилган «Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари» кўргазмасида музейдаги 6 та зардўз чопон намойишга қўйилди. Шунингдек, музей хазинасида сақланаётган бронза кашкул Лувр музейида ташкил этилган «Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чоррахасида» кўргазмасидан ўрин олди [11]. Республиканинг йирик тарихчи, санъатшунос, музейшунос олимларини самарали меҳнати натижасида ташкил этилган ушбу кўргазмага бағишланган илмий каталог ҳам чоп этилди [12, 5].

Умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги глобализация жараёнида дунё цивилизациясига асос бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни кенг оммага тарғиб қилиш долзарб масалага айланган. Музейларнинг ижтимоий-маданий қиммати, уларнинг жамият ва маданият ўртасидаги ўзаро таъсирни таъминлашдаги ўрнига катта эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан жаҳонда музейларни ахборотлаштириш амалиёти уларнинг коллекциялари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка электрон тарзда етказиб беришнинг оммабоп ва тезкор шакли, музей маркетингининг янги, илғор усули сифатида жадал суръатлар билан ривожланмоқда [13, 3-5]. Дунёнинг йирик музейларида экспонатларнинг информатив ва экспрессив хусусиятларини аниқлаш, махсус кодларини (QR-код) яратишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, анъанавий абстрактликдан воз кечиб, аниқ мақсадли (таълим, коммуникацион, оилавий, кўнгилочар) аудиториялар учун комплекс экспозицион дастурларни ишлаб чиқиш, музейларни замонавий шахснинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи маданият институтига айлантириш масалалари тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, инновацион экспозицияларнинг дунё стандартларини ўрганиш ва жорий этиш, музейларнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатидаги аҳамиятини очиб бериш, уларни электронлаштириш тарих, санъатшунослик, педагогика, психология ва техника соҳалари вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашнинг самарали механизмини яратиш устида иш олиб борилмоқда [14].

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3920-сон Қарори Ўзбекистонда музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, жумладан «smart» – технологияларни (ахборот дўкончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратишга замин бўлди [15, 6]. Қарорда белгиланган вазифалар ижроси ўз навбатида Темурийлар тарихи давлат музейида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таъминланди.

2019 йилда ушбу музейининг мобиль иловси яратилди. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига қизиқувчилар иловани ўзларининг мобиль воситаларига юклаб олиб, музейда сақланаётган экспонатлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон музейлари тизимида илк маротаба 150 га яқин экспонатларнинг QR-кодлари (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) яратилди. Музейда жорий қилинган интерфаол сенсор монитор эса ташриф буюрувчилар, айниқса ўқувчилар учун қулайлик яратди. Унда музейнинг виртуал шакли ва экспонатларнинг тасвири намойиш этилиши экспозицияни бойитишга ва ўзига жалб этишга хизмат қилмоқда. 2020 йил музейда «smart» технологиялар жорий қилинди. Бу орқали музейга ташриф буюрувчилари замонавий интерактив воситалар ёрдамида турли экспонатлар ва музей ҳақида қўшимча маълумотларни олишлари мумкин. Музей экспонатлари ҳақидаги маълумотлар NazzAR-инновацион иловаси ёрдамида реал элементлар билан бойитилди. Смартфонни музейнинг 21 та нуқтасига ўрнатилган экспонат тасвири тушурилган AR белгили махсус тахтачаларга йўналтириб, экспонат ҳақидаги маълумотларга ўзбек, рус, инглиз, француз тилларидаги аудио-видеоид ёрдамида эга бўлиши мумкин. Шунингдек, 3D динамикали голограммалар ҳам акс этиб, у турли эффектлар билан тўлдирилди. Бунинг учун фойдаланувчи ўз смартфонига Android ва iOS қурилмалари учун ишлаб чиқилган NazzAR иловасини юклаб олиши лозим. Ушбу инновацион лойиҳа Амир Темур ва темурийлар тарихини янада кенгроқ ёритиб беришга хизмат қилмоқда. «Smart» технологияларнинг жорий қилиниши музейга республиканинг турли вилоятларидан ташриф буюрувчилар ва сайёҳлар учун жуда катта қулайликларни яратади. Келгусида ушбу лойиҳани янада кенгайтириш режалаштирилган [16].

Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб замонавий музейлари ташқи дунё билан алоқа қилиш учун очиқ ва фаол иштирок этмоқдалар. Музей фаолиятида ташриф буюрувчи ва аудитория каби атамалар кўп қўлланилади. Музей аудиторияси – бу музейга бўлган қизиқиш билан бирлашган, маълум бир фаолиятда ўз ифодасини топадиган ва ташриф буюриш учун мотивация қиладиган инсонлар жамоасидир. Замонавий музей томошабинини «янги маданий истеъмолчи» деб ҳам аташ мумкин. У нафақат маърифий аҳамиятга эга бўлган маълумотни олишга, балки, завқ олишга ҳам аҳамият қаратади. Шунинг учун йилдан-йилга замонавий жамият кўпроқ қизиқарли ва жалб этадиган хусусиятларни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 майдаги «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-261-сон Қарори музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маркетинг сиёсати ва хизматлар соҳасини комплекс ривожлантириш, музейларга инновацион технологияларни самарали қўллаш, шунингдек, музейларда ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давлари, буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид замонавий янги экспозицияларни яратиш, музей тўпламларидаги бой тарихий ва маданий меросни кенг тарғиб қилишга қаратилди [17]. Ушбу қарорга мувофиқ «2022-2023 йилларда давлат музейларида ташкил этиладиган кўшимча хизматларнинг манзилли режаси»да белгиланган «Музейда тун», «Open Air Fest» каби кўнгилочар дастурлар, концерт, томошалар, уста-хунармандларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, рассомлар, артистлар ва фольклор жамоалари, хунармандлар учун махсус ҳудудлар ажратиш каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Темурийлар тарихи давлат музейида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2022 йилда хаттотлик ва заргарлик бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди. Музейларда ҳамда маданий мерос объектларида тарихимиз ва маданиятимиз тўғрисида сахна кўринишлари ва театрлаштирилган намойишлар ўтказиш бўйича «Широқ», «Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн» спектакллари, турли кўнгилочар концерт дастурлари ташкил этилди. Аҳолидаги маданий бойликларни давлат музейлари томонидан қабул қилиб олишни рағбатлантириш ва оммалаштиришга қаратилган «Миллий меросга менинг хиссам!» умумхалқ акцияси доирасида музейга Темурийлар тарихига оид экспонатларнинг тақдим этилиши музей фондларини яна бойитмоқда.

Музейда ташкил этилаётган ҳар бир кўргазма, тадбир, илмий-амалий анжуман ва давра суҳбатларидан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва миллий истиқлол ғоясини сингдиришдир.

Музей ўз фаолияти давомида халқимиз ва пойтахт меҳмонларининг сеvimли масканига айланиб улгурди. Шунингдек, музейга хорижий давлатларнинг арбоблари, расмий делегациялар ҳам кўплаб ташриф буюрмоқдалар. Ноёб объектлардан бири бўлган Темурийлар тарихи давлат музейи Ўзбекистоннинг диққатга сазовор маскани сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исмоилова Ж. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент, 2016. - Б.4.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 99-сон қарори. URL:<https://lex.uz/docs/397141>.
3. Амир Темур жаҳон тарихида. – Тошкент: «Шарқ» нашриёти, 2006. – Б. 6,15.
4. Тураева Н.Темурийлар тарихи давлат музейининг кўргазмалари // «Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. 9-китоб. – Тошкент, «Mashhur-press nashriyoti», 2017. –220 б.
5. Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти. Тошкент коллекцияларида ислом кўлэмалари. – Тошкент; 2007. –Б.91.
6. Курбонова Д. Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар. – Тошкент: «Akadem-nashr», 2011. –56 б; ЎЗР ФА Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган «Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар» кўргазмасининг илмий концепцияси. – Тошкент: 2011. – 6 б.
7. Ҳабибуллаев Н., Курбонова Д. Темурийларга оид дурдоналарнинг дунё бўйлаб тарқалиши. – Тошкент: «Akadem-nashr», 2016. – 160 б.

8. «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси тўғрисида. URL:<https://legacy.uz/uz/loyiha-haqida/>.
9. Нормуродов Д. 2020-2021 йилларда Тошкент вилоятидан янги топилган тасодифий топилмалар хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Самарканд; 2022. – №14. 2021. – Б. 95-102.; Ўша муаллиф. Parkentdan XV–XVI asrda zarb qilingan mis tangalar topildi. URL:<https://kun.uz/uz/news/2022/04/09/parkentdan-xv-xvi-asrda-zarb-qilingan-mis-tangalar-topildi.> (09.04.2022.).
10. Файзиев Х. Темурийлар тарихи давлат музейи янги экспонатлар билан бойитилмоқда. «UzA»га берилган интервью. URL:https://uza.uz/uz/posts/temuriylar-tarixi-davlat-muzeyi-yangi-eksponatlar-bilan-boyitilmoqda_458071 (27.02.2023.).
11. «O‘zbekiston vohalarining hazinalari. Karvon yo‘llari chorrahasida». Баҳром Абдухалимов ва Шокиржон Пидаев умумий таҳрири остида. Рокко Ранте ва Янник Линтз ҳамда Моник Бурези билан ҳамкорликдаги китобнинг француз тилидан ўзбек тилига таржимаси. Katalog. – Uzbekistan Art and Culture Development Foundation /LOUVRE edition/ EDITION EL VISO – Париж; 2022, – 352 б.
12. Миралиева Ш. Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истиқболлари. 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи. 17.00.06. – Музейшунослик. Тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2019. – Б. 5.
13. Миралиева Ш. Музей ва замонавий технологиялар – Тошкент: Фан, 2023. – Б. 3-5.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3920-сон қарори //URL:Lex.uz.
15. Миралиева Ш. Замонавий музейшуносликнинг янги босқичи. // «Янги Ўзбекистон» газетаси, 7 (263) - сон. 2021 йил. 12 январь. – Б. 6.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 майдаги «Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ – 261-сон Қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИДА МАДАНИЯТ СОҲАСИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ (1991-2016 ЙИЛЛАР)

Дилором Чориева

*тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
 ЎзРФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
 Мувофиқлаштирувчи-методик маркази бўлим мудир*

Аннотация. В данной статье изучены нормативно-правовые акты, касающиеся сферы культуры и указана их роль в совершенствовании деятельности Министерства культуры Республики Узбекистан. Автор выделил на три этапа выполнение задач Министерства культуры по дальнейшему развитию национального культурного наследия, культурно-просветительских мероприятий, художественного творчества, в том числе театрального, музыкального, хореографического, эстрадного, циркового и народного прикладного искусства, расширения и укрепления межгосударственных культурных связей.

Ключевые слова: культура, министерство, национальное наследие, учреждение культуры, нормативно-правовые акты.

Abstract. This article examines regulatory and legal acts related to the sphere of culture and indicates their role in improving the activities of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan. The author outlines in three stages the implementation of the tasks of the Ministry of Culture for further development of the national cultural heritage, cultural and educational events, artistic creativity, including theatrical, musical, choreographic, pop, circus and folk applied arts, expansion and strengthening of interstate cultural ties.

Key words: culture, ministry, national heritage, cultural institution, regulatory and legal acts.

КИРИШ

1991 йилда Ўзбекистон миллий мустақиллигининг қўлга киритилиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан маданият соҳасида ҳам туб ислохотларни талаб этди. Янги тарихий шароитда давлат маданий сиёсатининг асосий мақсади ҳар томонлама ривожланган, ўз миллий ва маънавий кадриятларига содик, юксак маданият ва тафаккурга эга бўлган комил инсонни шакллантириш ва бу орқали жамият ижтимоий асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилди. Бу жараёнларни ташкил қилиш ва давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда бошқарув тизимини такомиллаштириш, ижрочи ташкилотлар функционал вазифаларини аниқ белгилаш айниқса долзарб бўлди.

Маданият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги зиммасида бўлиб, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш; жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш; бадиий ижод, шу жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш; маданият муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш; маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш; давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда

мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий мероси, ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини чет элларда кенг тарғиб қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади [1].

1991-2016 йилларда маданият соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечган туб ислохотлар билан ўзаро алоқадорликда амалга оширилди.

Давлат бошқарувида Маданият вазирлигини соҳа ишини ташкил қилишда, унинг фаолиятини такомиллаштиришда қабул қилинган Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари муҳим ўрин тутди.

Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва уларнинг маданий соҳадаги ислохотларни ҳаётга татбиқ этишдаги аҳамиятини шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

- Биринчи босқич 1991-2000 йиллар – асосан, ўтиш даври бўлиб, бунда мустақил миллий давлатчилик асосларини шакллантиришга эътибор қаратилди. Шу боис, тарихий, маданий, маънавий меросини асраб-авайлаш, миллий қадриятларни тиклаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

- Иккинчи босқич 2001-2010 йилларни ўз ичига олиб, ислохотларда барча тизимларни модернизация қилиш, ижтимоий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Бу даврдан мамлакатда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аجدодларимизнинг ўлмас меросини, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини янада кучайтириш масалалари кенг ўрин олди.

- Учинчи босқич 2011-2016 йилларда демократик ислохотлар чуқурлаштирилиб, фуқаролик жамияти ривожлантирилди. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, кутубхоналар, маданият марказлари, истироҳат боғларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси тарихий изчиллик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ – 1991-2000 ЙИЛЛАР

1-босқичга оид ҳужжатларни ўрганар эканмиз, 1992 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ҳамда унинг фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини [2] алоҳида кўрсатиш жоиздир. Унга биноан жамоатчиликнинг республика маданияти ва санъатини ривожлантириш муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилиш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий тараққиётида уларнинг мавқеини ошириш, аҳолининг маданий эстетик талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис қондириш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни инобатга олиб, шунингдек маданият ва кинематография тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатлари шароитида мазкур соҳа муассасаларига раҳбарликнинг замонавий иқтисодий усулларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, унинг марказий аппарати ҳамда унга қарашли муассасалар негизида Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ташкил қилинди.

Бунга доир Вазирлар Маҳкамасининг қарорида [3] Маданият ишлари вазирлигининг ташкилий тузилиши, Низоми қайта кўриб чиқилди. Вазирликнинг марказий аппарати куйидаги тузилмаларга ажратилди: 1. Раҳбарият. 2. Санъат ишлари бошқармаси. 3. Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси. 4. Фан, ўқув юртлари ва кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқармаси. 5. Моддий-техника таъминоти ва ишлаб чиқариш бошқармаси. 6. Кадрлар ва иш юритиш бошқармаси. 7. Иқтисодий прогнозлаш ва молиявий ишлар бошқармаси. 8. Репертуар-тахрир ҳайъати. 9. Халқаро алоқалар бўлими. 10. Марказий бухгалтерия [4].

Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармон ва қарор мазкур вазирликнинг янги тарихий шароитда давлат маданий сиёсатини амалга оширишдаги роли ва функционал вазифаларини белгилаган илк йирик ҳужжатлар бўлди.

Шунингдек, бу йилларда ижодкорлар, театр, мусиқа, рақс санъати, байналмилал маданият марказлари, бадий ансамбллар, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси, мусикий таълим, маданият ва санъат ўқув юртларининг фаолияти, халқаро фестиваллар ўтказиш, маданият кунлари тўғрисидаги бир қатор Фармон ва Қарорларни келтириш мумкин. Қайд қилиш жоизки, ушбу қарор ва Фармонлар Республикада маданият бошқарувини ташкил этиш, такомиллаштириш, ислоҳ қилиш, миллий маданий меросни тиклашда муҳим ўрин тутди [5].

Бу босқичда театр ва мусиқа санъатини ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича ҳам бир қанча қонуний ва ташкилий асослар яратилди. Дастлаб, Ўзбекистонда миллий ва жаҳон симфоник мусикасини янада ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат симфоник оркестри» «Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри»га айлантирилди [6]. Айрим вилоят театрлари бирлаштирилиб, уларни янада кенгроқ ижод қилишларига шароитлар яратилди [7].

«Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонга биноан 1998 йилда Маданият ишлари вазирлиги тизимида ва театр ижодий ходимлари уюшмаси қошида «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди [8]. Бирлашма миллий маданий-маънавий мерос ва умуминсоний кадриятларга оид спектакллар яратишда, истеъдодли ёшларни театрга жалб қилишда, ижодий ходимларни ҳимоя қилишда театрларга кўмаклашди.

Театрларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш ва ходимларини ойлик маошларини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди. 1993 йил 1 декабрдан бошлаб, барча театрлар ходимларининг иш ҳақларига 25 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ белгиланди [9]. 1995 йилдан барча театр ва мусиқа муассасалари ижодий ходимларининг ўртача иш ҳақи 30-35% га оширилди. Маданият соҳаси ходимлари меҳнати эъзозланиб, турли мукофотлар ва унвонлар билан тақдирланди [10].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармонлари [11] асосида театрларнинг моддий-техник базаси давлат бюджети ҳисобидан кўллаб қувватланди. Мазкур Фармонга кўра, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва барча театрлар 5 йилга солиқлардан озод қилинди. Бу ҳолат ўтиш даври қийинчиликларига қарамадан Республикада театрларнинг тўлиқ ишлашига имкон яратди. Айрим театр бинолари таъмирланиб, ички жиҳозлари янгиланди.

1998 йилда Маданият вазирлиги тасарруфида «Театр» ойлик адабий-бадий, ахборот-реклама журнали таъсис этилди [12]. Ушбу журнал миллий театр ва оммавий томоша санъатлари ютуқларини кенг тарғиб қилиш, машҳур санъаткорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатда миллий мумтоз санъатини ривожлантириш билан бирга, замонавий эстрада санъатини шакллантириш борасида ҳам ишлар амалга оширилди. Миллий эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш, мусиқа-рақс санъатини янада ривожлантириш мақсадида 1996 йил 5 апрелда эълон қилинган «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон асосида, «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси (ГКБ) ташкил қилинди ва низоми тасдиқланди [13]. «Ўзбекнаво» бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда худудий бўлимларга эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланиб, филармония, эстрада, рақс, фольклор ва бошқа ижодий жамоаларни бирлаштирди.

Бу бирлашма зиммасига Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатини энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб қилиш, маданий, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш асосий вазифа сифатида юклатилди. Шунингдек, бирлашманинг фаолият доирасига гастроль концерт фаолиятини мувофиқлаштириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг истиқболли режаларини тузиш, хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларни, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари ҳам киритилди. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ҳам уч йил муддатга солиқларни тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси учун зарур маблағлар ажратиш йўлга қўйилди. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси томонидан мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, шу жумладан, хорижий ҳамда қўшма корхоналар (ташкilotлар) учун мусиқа ва рақс санъати соҳасида шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус лицензия бериши амалиётга жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 майдаги «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори [14] асосида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси раҳбари – ижрочи директорнинг маъсулияти ва ваколати кучайтирилди. Жумладан, Маданият вазирлиги бошқарувдаги ижро этувчи ташкilot бўлганлиги учун бирлашма раҳбарига Маданият вазирлигининг ҳайъат аъзоси мақоми берилди.

«Ўзбекнаво» ГКБнинг ташкил этилиши ижобий аҳамиятга эга бўлиб, республикада гастроль-концерт фаолиятини ривожига муайян туртки берди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бирлашманинг бўлимлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 феврал 102-сонли қарори билан бирлашманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағ ажратилди. Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекнаво» ГКБ миллий кўшиқчилик ва эстрада санъатини янада ривожлантиришни, тадбирларни белгилаш борасида тегишли ишлар олиб борди. «Ўзбекнаво» ГКБ ўтказган машҳур хофизлар Хожи Абдулазиз Абдурасулов, М. Узоқов, К. Отаниёзов ва бошқа машҳур санъаткор ижодига бағишланган танловлар ёш ишқобдорларни кашф этишда, миллий кўшиқчилигимиз ривожига муҳим босқич бўлди [15].

Глобализация жараёни кучайиб боргани сари мамлакатда миллий рақс санъатини сақлаб қолиш, ўзбек миллий рақс мактабларини ривожлантириш масаласи долзарблашди. Шу сабабдан, давлат томонидан миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йили 8 январда ПФ-1695 сонли Фармони [16] ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 21 февралдаги «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 101-сонли қарори асосида Тошкент давлат маданият институтининг хореография бўлими ва Тошкент хореография билим юрти негизида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилиб, Осиё китъасида ягона бўлган олий таълим даргоҳига айлантирилди. Бу даргоҳда мусиқий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мамлакатда профессионал мусиқа ва рақс санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, асраб-авайлаш мақсадида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилди.

Шунингдек, миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш, ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини ўзбек халқининг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган юзаки, ноўрин ҳатти-ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш ҳамда бу соҳа ташкilotларининг моддий негизини мустаҳкамлаш, ўзбек миллий рақсини келажак авлодга безавол етказиш мақсадида «Ўзбекрақс» бирлашмаси ташкил этилди [17]. «Ўзбекрақс» бирлашмасининг Низоми ҳамда бирлашма таркибига кирувчи жамоалар тасдиқланди. Бирлашма ва унинг тасарруфидаги ташкilotлар барча турдаги солиқлардан беш йил муддатга озод этилди.

Миллий рақс ва хореография санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида «Ўзбекрақс» бирлашмаси самарали ишларни амалга оширди. Жойларда ташкил этилаётган «Ўзбекрақс» бирлашмаси бўлимларида ҳам айнан шу мақсадни кўзлаб иш олиб борилди. «Ўзбекрақс» бирлашмаси жамоаларида тайёрланаётган дастурларда мумтоз рақс санъати намуналарига кенг ўрин берилди. 1997 йилнинг июл ойида Туркияда бўлиб ўтган рақс санъати фестивалида «Ўзбекрақс» жамоаси иштирок этиб совринли ўринни эгаллади. Шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан Парижда ўтказилган ҳафталикда ҳам «Ўзбекрақс» жамоалари муваффақиятли иштирок этиб, миллий рақс санъатининг бой анъаналарини намойиш этдилар [15].

Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган аҳолини хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, туғилиб ўсган юртига меҳр-муҳаббатни уйғотиш, ватанни севиш каби хислатларни сингдириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

«Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзусидаги республика кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарор эълон қилинди [18]. Ушбу қарор кўшиқчилик санъатини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, кўрик-танловнинг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусикий асарлар яратилди [19]. Бу кўрик-танлов кўплаб янги иқтидорларни юзага чиқарди. Ушбу соҳани янада ривожлантириш, давомийлигини таъминлаш учун 1996 йил 27 августда ««Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ байрами хақида» махсус фармон қабул қилинди. Фармонда ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб эълон қилинди.

1997 йилда ушбу байрамга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, бадий жамоаларидан 850 санъаткорлар, Тошкент шаҳридаги профессионал жамоалардан эса 400 санъаткор қатнашди. Кўшиқ байрамининг Низоми бўйича тадбирларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда, қатор вазирликларда ва Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган эди. Маданият ишлари вазирлиги томонидан ушбу тадбир бўйича ташкилий ва мувофиқлаштириш ишлари турли даражада олиб борилганлиги туфайли тадбирлар муваффақиятли якунланди. Вазирлик таклиф этган муддатларда биринчи ва иккинчи босқичлар ўтказилди. Якуний босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва вазирликлардан 800 ижрочи иштирок этишди. Унда истиқлолга эришган она юртимизни мадҳ этувчи 80 та кўшиқ тингланган. Мутлоқ ғолиб этиб Сурхондарёлик ёш хонанда Нурали Алланазаров тан олинган [15].

1997 йилдан бошлаб Самарқандда «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказилиши [20] миллий мусиқа, кўшиқчиликни ривожлантириш, шарқ халқлари анъанавий мусикаларини намойиш этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан, замонавий ўзбек композиторлик ижодиётининг ютуқларини кенг тарғиб қилиш, анъанавий мусиқа санъати билан замонавий композиторлик ҳамда ижро мактабларининг муштарак ривожланишини таъминлаш, ёш авлод қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга, хусусан, мусиқа санъатига бўлган муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Халқаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди [21]. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ва «Ўзтелерадиокомпанияси» билан ҳамкорликда 1998 йил 22-27 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида халқаро замонавий симфоник мусиқа фестивалини ташкил этди. 2000 йилда иккинчи бор Тошкент-Самарқанд шаҳарларида ўтказилган халқаро фестивалда нафақат Ўзбекистон балки АҚШ, Франция, Германия, Нидерландия, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Туркия, Россия ҳамда Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистондан келган композитор, дирижёр, мусиқашунос ва ижрочилар иштирок этдилар [22].

Кўриб чиқилаётган даврда халқнинг ўтмиши, турмуш тарзи, маиший ҳаёти, моддий маданиятини намойиш этишда музейлар катта аҳамиятга эга бўлди. Бошқа маданият муассасалари каби музейлар фаолиятининг ҳам ҳуқуқий асослари тамомла янгиланди. Хусусан, музейларда сақланаётган тарихий-маданий бойликларни рўйхатга олиш, жамлаш ва сақлаш, уларнинг истиқболларини белгилаб бериш учун қарор ва Фармонлар чиқарилди [23]. Уларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Бадий академия билан ҳамкорликда 1999 йилдан бошлаб музей ходимлари малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди.

1998 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб музей ходимларининг ойлик маошларига 25 фоиз устама ҳақ тўлаш белгиланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Уларга асосланган ҳолда Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига алоҳида имтиёзлар яратилди. Жумладан, маданият соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг шарт-шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш, ижодий фаолликларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Фармони чиқарилди [24]. Ушбу Фармонга мувофиқ, уларнинг ижтимоий ҳимояланганли-

гини таъминлаш, Республика ижодий уюшмаларининг моддий-техникавий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон ижодкорлари жамғармаси тузилди. Шунингдек, ижодкор ходимларнинг пенсия таъминотини яхшилаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатдаги ижодкор ёшларни давлат маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўрилди. Шу мақсадда, Республикада ижодкор ёшларнинг энг муҳтож қатламлари учун вилоят марказларида 30 хонали, Тошкент шаҳрида эса 60 хонали уй-жой биноларини қуриб фойдаланишга топширилган. Ёш муаллифларнинг энг сара асарлари ва илмий ишланмалари учун Давлат мукофоти таъсис этилган, ижодкор ёшларнинг асарларини мунтазам нашр этиш ишлари йўлга қўйилди.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ - 2001-2010 ЙИЛЛАР

Иккинчи босқич - 2001-2010 йиллар Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида туб ўзгаришлар даври бўлди. Бу давр ислохотларида барча тизимларни модернизация қилиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Мазкур босқичда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш маданий жараёнлардаги устувор масала бўлди. Ватанимизнинг бой тарихи, аجدодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқ маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъати аҳамиятли ўрин тутишига эътибор қаратилди. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилди ва у «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб атала бошланди [25].

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлмиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди [26]. Ушбу Қонунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишни тартибга солиш, тарих ва маданият ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш, оммалаштириш ва тарғиб қилиш назарда тутилди. 2002 йил 29 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди [27]. Ушбу қарорга асосан, Республикадаги мавжуд 8 минг 208 та моддий маданий мерос объектлари (шундан 4 минг 748 таси археология ёдгорликлари 2 минг 250 таси архитектура ёдгорликлари, 678 таси монументал санъат ёдгорликлари, 532 та диққатга сазовор жойлар) давлат хатловидан ўтказилиб, уларнинг миллий рўйхати тасдиқланди.

Ўрганилаётган даврда эстрада санъати маданияти, эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш, ёш санъаткорларнинг ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш борасида камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилди. Мутасадди ташкилотлар ва баъзи эстрада жамоалари ҳамда яккахон ижрочиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан заиф кўшиқлар ҳам оммавий концерт ва радио-телеканалларнинг дастурларидан ўрин олди. Бу аудио-видео кассеталар орқали тарқатилиб, маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу ҳолат бевосита ижодий жамоалар ва яккахон ижрочиларнинг фаолияти ва репертуарларини мувофиқлаштирувчи Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмалари олиб борган ишларининг кониқарсизлиги билан боғлиқ эди. Эстрада соҳасидаги бу ҳолатларни бартараф этиш зарурати вужудга келиб, 2001 йил 26 июнда Ўзбек миллий мусиқа санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларига йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, эстрада кўшиқчилигининг ютуқ ва тажрибаларини умумлаштириш, соҳа тараққиёти учун зарур имкониятлар яратиш, бадиий юксак асарларни тарғиб этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди [28]. Қарорга асосан, миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ва унинг Низоми тасдиқланди. Кенгашга кўрсатилган дастурий вазифаларни амалга ошириш билан бирга, санъаткорлар, юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, яккахон ижрочиларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савиясига қараб концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишга махсус руҳсатнома (лицензия) олишлари учун хулоса тақдим қилиш ҳуқуқи

берилди. Мазкур Кенгашнинг хулосаси «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси томонидан бериладиган лицензияларга асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 январдаги «Тошкент шаҳри концерт заллари ва санъат саройларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан [29], Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Халқлар дўстлиги» ва «Туркистон» саройлари 2004 йил февраль ойидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги ихтиёрига ўтказилди (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонга мувофиқ маданий-оммавий тадбирларни юқори даражада ўтказишни кенгайтириш мақсадида «Истиқлол» ва «Туркистон» санъат саройлари Тошкент шаҳар ҳокимияти ихтиёридан Маданият вазирлиги тасарруфига ўтказилди).

Кўриб чиқилаётган даврда кутубхоналар фаолияти яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги ПФ-3029-сонли Фармонига асосан, ҳамда республикада кутубхоначилик ишларини янада такомиллаштириш мақсадида 2002 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди [30]. Ушбу қарорга асосан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси «Миллий» мақомини олди (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси). 2002 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари иш ҳақига 15 фоизгача миқдорда устама белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПК-381-сонли қарорига асосан мамлакатдаги барча кутубхона фондларини илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш, ушбу соҳага энг сўнгги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, аҳолининг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди [31]. Ушбу қарорга кўра, Маданият вазирлиги тасарруфидаги кўзи ожизлар кутубхоналаридан ташқари барча оммавий кутубхоналар 2006 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига (ушбу Қўмита 2015 йил 4 февралдан - Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига айлантирилди), олий ва халқ таълим муассасалари ихтиёрига ўтказилиб, икки тизимга бўлинди. Натижада, марказий кутубхона тизимига тегишли кутубхоналар – Ахборот-кутубхона марказига (АКМ), бошқарма ва ўқув юртлари тасарруфидаги кутубхоналар ахборот ресурс марказларига (АРМ) айлантирилди. Шунингдек, академик лицей, коллежлар, маҳаллаларда қўшимча АКТ ва АРМлар ташкил этила бошланди.

2004 йилга келиб маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратишга эҳтиёж янада долзарблашди. Маданият ва спорт соҳасини уйғунликда ривожлантириш ва соҳани бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинди [32].

Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари, маданият муассасалари билан бир қаторда, спорт ташкилотлари ва муассасалари киритилди. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширган. Вазирлик Низомида халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, халқ анъаналари ва урф-одатларини асраш ва ажодларга безавол етказиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни тарбиялаш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий, соғломлаштириш, спортни оммалаштириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш каби вазифалар белгиланиб қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маданий соҳада белгиланган вазифаларни амалга оширишда, Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этишда Илмий-методик марказ муҳим ўрин тутди (Мазкур марказ 1936 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб Республика Халқ ижодиёти уйи номи билан аталган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда унинг тармоқ ташкилотлари ҳам фаолият юритган.

Кейинчалик, ЎзССР Маданият вазирлигининг 1979 йил 7-май 252-сонли буйруғига мувофиқ, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубий маркази номи билан қайта ташкил этилган.). Вазирлик фаолиятига доир қабул қилинган қарорларда ушбу Марказ ишига алоҳида эътибор қаратилди. 2004 йилда мазкур Марказнинг номи Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази деб ўзгартирилди [33]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги қарорига кўра Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ва унинг ҳудудий марказлари тугатилиб, унинг негизида Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ташкил қилинди [34]. Ушбу қарорга асосан, Республика илмий-методик маркази зиммасига маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш, мамлакатдаги маданият ва санъат муассасаларида давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш муаммоларини комплекс ўрганиш, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорликни таъминлаш, миллий санъатимизнинг бой анъаналари ва ютуқларини асраб-авайлаш, тараққий эттириш, кишиларнинг маънавий камолотида театр, музей, кутубхона, ижодий бирлашмалар, маданият ва истироҳат боғлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ҳамда концерт-томоша муассасаларининг ўрнини юксалтириш, Вазирликка маданият ва санъат муассасаларининг фаолиятига доир таҳлилий-танқидий тақдимномалар киритиш ва уларнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича зарур тавсиялар ишлаб чиқиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини замон талаблари асосида шакллантириш ҳамда илмий-услубий фаолият юритиш орқали ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида маданият муассасалари томонидан олиб бориладиган ижодий ишларни янада ривожлантириш вазифалари юклатилди. Маданият вазирлиги фаолияти доирасига Ўзбекистонда мавжуд бўлган музейлар ишини бошқариш ҳам киритилган. Маълумки, музейларда сақланаётган моддий ашёвий манбалар ўзбек давлатчилиқ тарихининг бир қисми бўлиб, минг йиллар давомида шаклланган миллий маданий меросни ўзида акс эттиради. Шу боис, 2008 йил 12 сентябрда «Музейлар тўғрисида» алоҳида Қонун қабул қилинди [35]. Ушбу Қонун музейлар тизимини янада такомиллаштириш, музей фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ қилиш, таъмирлаш, асраб-авайлаш, уларни бойитиб бориш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тарғиб қилиш имкониятини яратди.

УЧИНЧИ БОСҚИЧ – 2011-2016 ЙИЛЛАР

Учинчи босқич - 2011-2016 йиллар, Ўзбекистон Республикасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш даври бўлди. Бу жараён бевосита маданият вазирлиги тизимида ҳам айрим ўзгаришларни амалга оширишга таъсир кўрсатди. Жумладан, 2010 йил 29 декабрда 2011 – 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларини босқичма-босқич реконструкция қилиш ва замонавий аттракционлар билан жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш асосида аҳоли, айниқса болалар ва ўсмирлар, барча ёшларнинг маданий дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 322-сонли қарори қабул қилинди [36].

Ушбу қарорга асосан, мавжуд 148 та маданият ва истироҳат боғлари капитал реконструкция қилинди, 77 та маданият ва истироҳат боғлари янги ташкил этилди ва улар жами 225 тага етказилди. Маданият ва истироҳат боғларининг хариталари, паспортлари ягона намуна асосида янгиланди. Боғларда фаолият юритувчи ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш қоидалари, касб йўриқномалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Маданият ва истироҳат боғлари ходимлари ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимоти йўлга қўйилди ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Боғдаги аттракцион ва ўйин қурилмалари, анжомлари ва жиҳозлар билан ишловчи ходимларнинг меҳнат муҳофазаси қоидалари яратилди. Шу ўринда илгари ушбу қоидаларнинг ягона шакли яратилмаганлиги, ҳар бир боғ ўзи ишлаб чиққан қоидаларга амал қилиб келганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан манзилли дастурлар тасдиқланди. Қарорга мувофиқ, Республикадаги барча маданият ва истироҳат боғлари 2015 йилгача бўлган муддатда замонавий қиёфага келтирилиб, аттракционлар ва кичик ўйин қурилмалари билан жиҳозланиши керак эди. Жорий архив ҳужжатларида келтирилишича айрим маданият ва истироҳат боғлари деярли реконструкция қилинмаган (Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш

республика илмий-методик марказида сақланаётган ҳудудлар кесимидаги ҳисоботларда бу ҳолат ўз аксини топган).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги 178-сонли қарорига асосан [37] 2013-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар туманлар (шаҳарлар)и бўйича 1777 та маданият уйлари ва клуб муассасалари негизида, 894 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиши белгиланди. Ушбу марказлар қошида 4327 та тўгарак, студия ва ҳаваскор бадий жамоалар фаолияти йўлга қўйилди. Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли қарорига асосан 74 та ўз биносига эга бўлмаган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолияти тугатилди [38].

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий маданий мерос ва тарихий ўтмишни эъзозлаш, аҳоли дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли қарори эълон қилинди. Қарорга кўра, идоровий бўйсунушидан қатъий назар барча давлат музейларига ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари болалар учун бепул кириш кунлари этиб белгиланди. Аҳоли, айниқса ўқувчи ёшларнинг дам олишини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари «Музейлар ҳафталиги»ни ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда шу кунлари аҳолининг давлат музейларига бепул кириши таъминланди.

Шунингдек, Республикадаги маданий-маърифий муассасалардан бири бўлган Ботаника боғини экологик туристик объект сифатида янада комплекс ривожлантириш учун амалий ишлар қилинди. Хусусан, 2014 йил 1 августда Вазирлар Маҳкамасининг «2014 – 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институтининг ботаника боғини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги 211-сонли қарори қабул қилинди [39]. Мазкур Концепцияга кўра, илмий-тадқиқот ва селекция ишини, ўсимлик дунёси генофондини сақлаш ва бойитиш, таълим ва экологик-маданий-маърифий ҳамда, реклама-туристик каби фаолият турларини ривожлантириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 майдаги «2016 – 2020 йиллар даврида Тошкент ҳайвонот боғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 163-сонли қарорига асосан, Тошкент ҳайвонот боғини замонавий маданий-томоша ва илмий-маърифий давлат муассасаси сифатида ривожлантириш, ҳайвонот боғи коллекциясини ноёб ва экзотик ҳайвонлар билан тўлдиришни таъминлаш, шунингдек, ҳайвонларни сақлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора тадбирлари белгиланди. Жумладан, ҳайвонот боғи объектларини қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш бўйича халқаро талабларга мувофиқ жиҳозлаш йўли билан ҳайвонот боғи инфратузилмаси ва моддий-техника базасини такомиллаштириш кўзда тутилди. Шунингдек, мактаб ўқувчилари учун мультимедиа таълим ресурсларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасалари талабаларининг ҳайвонот боғида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётидан ўтишларини ташкил этиш, телекўрсатувлар, оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш, электрон гидлар яратиш каби вазифалар ҳам Маданият вазирлиги зиммасига юклатилди. Натижада, 2016 йил 30 декабрдан Фарғона вилоятида майдони уч гектардан зиёд бўлган янги ҳайвонот боғи иш бошлади ҳамда бу ерга турли ўлкалардан 70 дан ортиқ ҳайвон ва қушлар келтирилди [40].

Учинчи босқичда ҳам қутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича ислохотлар давом эттирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 апрелда «Ахборот-қутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонуни чиқди [41]. Шунингдек, 2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Республикадаги барча ахборот-ресурс маркази ходимлари учун Тошкент шаҳрида АРМАТ дастури асосида ишлаш бўйича ўқишлар ташкил этилди. (АРМАТ дастури бу ҳужжатлар электрон каталогини шакллантириш). Шунингдек, барча ахборот-ресурс марказлари фондида мавжуд китобларнинг библиографик кўрсаткичлари ва китобларнинг электрон нусхаларини АРМАТ тизимига киритиш бўйича амалий ишлар қилинди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

1991-2016-йилларда буюк алломалар ва тарихий шахслар юбилейларини нишонлашга доир қарорларнинг қабул қилиниши, мамлакат маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу муносабат билан халқаро анжуманларнинг ўтказилиши, уларнинг номлари ва ватан тараққиёти йўлидаги хизматларини эътироф этилиши ўз навбатида, халқнинг ўзлигини англашга интилишини кучайтирди, миллий ғурурнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги (1997), Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 (2002), Марғилон шаҳрининг 2000 (2005), Самарқанд шаҳрининг 2750 (2007), Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги (2009), халқаро миқёсда нишонланди. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги (1999) «Авесто» китобининг 2700 (2001), Хоразм Маъмун академиясининг 1000 (2006) йиллигига бағишлаб халқаро илмий анжуманлар ўтказилди [42].

Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятлари театрларининг юбилейлари нишонланди. Ўзбек театрларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган тажрибали санъат арбоблари турли хил давлат мукофотлари ва пул маблағлари билан рағбатлантирилди.

Шунингдек, Навоий ҳамда Тошкентда Алишер Навоий (1991 йил), Андижонда Заҳириддин Бобур (1993), Самарқанд ва Нукусда Мирзо Улуғбек (1993) Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда буюк Соҳибқирон Амир Темур (1994), Фарғонада ал-Фарғоний (1997), Хоразмда Жалолиддин Мангуберди (1998) каби буюк тарихий шахсларга, Термизда «Алпомиш» достони қаҳрамониغا (1998) ёдгорлик мажмуалари ўрнатилиб, кўчалар ва хиёбонларга уларнинг номлари берилиши халқнинг тарихий хотирасини шакллантириш ва аجدодлар руҳига эҳтиром кўрсатишида муҳим омил бўлди.

Буюк алломалар ҳаёти, қадимий шаҳарлар тарихига бағишлаб янги кинофильмлар, сахна асарлари яратилди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, 1991-2016 йиллар давомида қабул қилинган фармонлар ва қарорлар маданий соҳада давлат сиёсатини бевосита акс эттирди. Ушбу ҳужжатлар маданий жараёнларни ташкил этилишида қонуний асос вазифасини ўтади. Мазкур ҳужжатларда маданий соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишда Маданият вазирлиги зиммасидаги вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилди. Маданий соҳада давр талаби ва эҳтиёжлари бу ҳужжатларда камраб олинганлиги ислохотларнинг ҳар бир босқичида мазкур қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ўз тасдиғини топди. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида дам олиш масканлари, маданий-маърифий муассасалар ривожини учун давлат томонидан маблағ ажратилиши ва ўзини таъминлаши учун эркинликлар берилиши улар фаолиятининг тубдан янгиланишида, инновацион усулларни қўллашда катта омил бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маданият вазирлигининг вазифалари белгиланди. URL:https://www.norma.uz/uz/qonunchilik-da_yangi/madaniyat_vazirligining_vazifalari_belgilandi.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-360-сонли Фармони. 09.03.1992 й. URL:<https://lex.uz/docs/166088>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 207-сонли қарори. 27.04.1992 й. URL:<https://lex.uz/docs/425244>.
4. ЎзМА. Фонд М - 7. 1-рўйхат. 2-иш. 61-варақ.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ-280-сонли Фармони. 22.10.1991й. URL:<https://lex.uz/ru/docs/190206>; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлардаги театрларнинг юбилейларини ўтказиш тўғрисида»ги 277-сонли қарори. 02.11.1991 й. URL:<https://lex.uz/uz/docs/1027956>; в.б.

6. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат симфоник оркестрини Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрига айлантириш тўғрисида»ги 225-сонли қарори. 28.08.1991 й. URL:<https://www.lex.uz/docs/2326469>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат кизил байроқ орденли Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд вилоят давлат драма ва мусиқа театрини ташкил этиш тўғрисида»ги 24-сонли қарори. 21.01.1992 й. URL:<http://lex.uz/docs/376001>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-1980-сонли Фармони. 1998 йил 26 март. URL:<https://lex.uz/ru/docs/819775>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика театри артистларига ҳақ тўлаш шароитини яхшилаш тўғрисида»ги ПФ-692 сонли Фармони. 3.12.1993 й. URL:https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=189577.
9. ЎзМА. Фонд М-7. 1-рўйхат. 503-иш. 76-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1280-сонли Фармони. 20.10.1995 й. URL:<https://lex.uz/docs/183082?ONDATE=14.12.2019.;> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-1980-сонли Фармони. 26.03.1998 й. URL:<https://lex.uz/ru/docs/819775>.
11. Театр. URL:<https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/teatr-uz-2/> URL:<https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/teatr-uz-2/> <https://lex.uz/ru/docs/211910>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1419 сонли фармони. 5.04.1996 й. <https://www.lex.uz/docs/175384>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ««Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги 163-сонли қарори. 26.03.1996 й. URL:<https://lex.uz/docs/409701>.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги 216-сонли қарори. 4.05.1999 й. URL:<https://nrm.uz/contentf?doc=352820>.
14. ЎзРМА Фонд М-7, 1-рўйхат, 614-иш, 7-варақ.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-1695-сонли Фармони. 8.01.1997 й. URL:<https://lex.uz/docs/168841?ONDATE=08.01.1997%2000>.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 101-сонли қарори. 21.02.1997 й. URL:<https://lex.uz/docs/1598417>.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон – ватаним маним» мавзусида кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида» 451-сонли қарори. 5.12.1995 й. URL:<https://lex.uz/docs/1658401?ONDATE=05.12.1995>.
18. Мустақиллик ва маданий тараққиёт. URL:<http://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqilish-kurs-ishi/item/13378-2021-06-28-11-20-39>.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ««Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги 132-сонли қарори. 11.03.1997 й. URL:<https://lex.uz/docs/509710>
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги 372-сонли қарори. 29.08.1998 й. URL:<https://nrm.uz/contentf?doc=323657>.
21. Ирзаев Б. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мусиқа маданиятининг ривожланиши. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – Б.83.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 618-сонли қарори. 23.12. 1994 й. URL:<https://lex.uz/docs/942924>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1913-сонли Фармони. 12.01.1998 й. URL:<https://lex.uz/docs/209722>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги 98-сонли қарори. 05.03.1998 й. URL:<https://lex.uz/docs/1667122>.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ-280-сонли Фармони. 22.10.1991 й. URL:<https://lex.uz/ru/docs/190206>.
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Хамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида»»ги ПФ-2942-сонли Фармони. 21.09.2001 й. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 й., 9-10-сон. 203-модда. URL:<https://lex.uz/docs/182270>.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни. 30.08.2001 й. URL:<https://www.lex.uz/docs/25461>.
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 269-сонли қарори. 29.07.2002 й. URL:<https://nrm.uz/contentf?doc=352778>.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» 272- сонли қарори. 26.06.2001 й. URL:<https://lex.uz/docs/333987>.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Концерт заллари ва саройларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 43-сонли қарори. 30.01.2004 й. URL:<https://lex.uz/docs/818664>.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги 123-сонли қарори. 12.04.2002 й. URL:<https://lex.uz/docs/261619>.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона таъминотини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли қарори. 20.06.2006 й. URL:<https://lex.uz/docs/1018646>.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3491-сонли Фармони. 27.09.2004 й. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 й. 38-39-сон. 422-модда. URL:<https://lex.uz/docs/330557>.
32. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқаришга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Тошкент: Ф. Фулом номидаги нашр-матбаа ижодий уйи, 2016. – 304 б.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2778-сонли қарори. 15.02.2017 й. URL:<https://lex.uz/docs/3119230>.
34. Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги ЎРҚ-177-сонли Қонуни. 13.09.2008. URL:<https://lex.uz/docs/1391728>.
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2011 – 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 322-сонли қарори. 29.12. 2010 й. URL:<https://lex.uz/ru/docs/1722002>.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2013 – 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 25.06.2013 й. URL:<https://lex.uz/docs/2193244>.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли қарори. 28.11.2018 й. URL:<https://lex.uz/docs/-4084926>.
38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2014 – 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институтининг ботаника боғини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги 211-сонли қарори. 01.08.2014 й. URL:<https://lex.uz/docs/2441147>.
39. Фарғонада ҳайвонот боғи иш бошлади. URL:<https://kun.uz/37698786>.
40. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-280-сонли Қонуни. 13.04.2011 й. URL:<https://nrm.uz/contentf?doc=310938>.
41. Маънавий юксалиш йўлида // Гулистон. – 2005. – №4. – Б.4.

ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Рўзиқул Толибов

Навоий давлат педагогика институти тарих фанлари номзоди, доцент

Муҳаммад Асадов

Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти

Аннотация. В данной статье предпринята попытка осветить вопросы истории формирования обществ инвалидов в Узбекистане, создаваемых возможностей для лиц с инвалидностью, защиты их прав и законных интересов со стороны государства, выполнения практических задач для решения проблем в этой области.

Ключевые слова: инвалидность, инклюзивное образование, право, правосознание реабилитация, социальная защита.

Annotation. This article try to highlight the history of the formulation of disability societies in Uzbekistan, the opportunities being created for persons with disabilities, the protection of their rights and legal meanings from the state, performing practical tasks to solve problems in the regard.

Key words: disability, inclusive training, law, legal consciousness rehabilitation, social protection.

КИРИШ

Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг замирида, аввало, ҳар бир инсон учун ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратишдек эзгу ғоя мужассамдир. Айниқса, аҳолининг кўпчилиқ қисмини яъни, 64 фоизини ташкил этаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол камол топиши учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, уларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган вазифа сифатида давлат сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистонда инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш каби устувор вазифа белгиланган. Мақолада жамиятдаги ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистонда Ногиронлик жамиятлари фаолиятининг шаклланиш тарихи ҳамда соҳада мавжуд муаммолар тарихий-хронологик ва тизимли таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда очиб берилган.

Ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатида ёшлар жамиятнинг келажагидан далолат беради. Чунки, айнан улар юз бераётган ўзгаришларнинг индикаторлари ҳисобланади ва жамият ривожланишининг салоҳиятини белгилаб беради. Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда 10 миллион 360 минг киши 18 ёшгача бўлган ёшларни, 17 миллион 80 минг киши эса 30 ёшгача бўлган ёшларни ёки бутун аҳолининг 64 фоизини ташкил қилади. Баркамол авлодни вояга етказиш борасида республикада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни жамиятнинг барча жабҳаларида кузатиш мумкин [1].

Бинобарин, ёшлар таркибида ногиронлиги бўлган шахслар ҳам мавжудки, уларни ҳуқуқий муҳофазалаш, ҳаёт ва турмуш тарзини яхшилаш, таълим-тарбия олишлари, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объект ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлашиш, олий таълим олишига кўмаклашиш, уларга зарур бўлган

ахборотни тўсқинликларсиз олиш имкониятини таъминлаш муҳим вазифа саналади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», деб белгиланган [2].

Имконияти чекланган шахсларга нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда эътибор кучайган. Бу БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясидир. Ушбу конвенция 2006-йил 13-декабрда қабул қилинган. Бугунги кунда дунё аҳолисининг 15 фоизи ёки қарийб 1 миллиард инсоннинг ногиронлиги бор. Шу кўрсаткичнинг 2 ёки 3 фоизини Ўзбекистон аҳолиси ўртасида қайд этиш мумкин. Шавкат Мирзиёев 2022 йил декабр ойида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан мурожаат йўллар экан, инклюзив жамиятни барпо этиш бўйича комплекс чоратadbирлар амалга оширилишини таъкидлаб: «Ишонтириб айтаманки, сизлар ўзларингизни ёлғиз хис этмаслигингиз учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этамиз» дея ишонч билдирди [3].

Жаҳон банки тадқиқотида кўра, Ўзбекистонда расман 2022 йилда 845,3 минг киши ёки умумий аҳолининг 2,3 фоизи ногиронлиги бўлган шахслар деб тан олинган [4]. Жумладан, Ўзбекистонда 142,3 минг нафар 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар ва 396,7 минг нафар пенсия ёшига етмаган ногиронлиги бўлган шахслар бор. Ногиронлиги бор шахсларнинг катта қисми қишлоқ жойларда яшайди: қишлоқларда 532 минг, шаҳарларда эса 313,3 минг нафар. Бу борада энг юқори кўрсаткич Навоий (3,6 фоиз) ва Сирдарё вилоятларида (3,1 фоиз) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (2,9 фоиз) кузатилмоқда. Ногиронлиги тасдиқланган эркалар (475,8 минг) сони аёлларга (369,5 минг) нисбатан кўпроқ.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчлари алоҳида белгилаб қўйилган. Таъкидлаш ўринлики, дунё мамлакатларининг таниқли олим ва ихтирочиларини 17 фоизини ногиронлиги бор шахслар ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари - ирки, дини, миллий-ижтимоий келиб чиқиш, қаерда туғилиши ва бошқа ҳар қандай ҳолатидан қатъий назар, барча инсонларга хос бўлган ҳуқуқлардир. Уларнинг меъёрлари одамларни кадр-қиммат, эркинлик, тенглик, адолат ва тинчлик билан яшашига имкон беради. Инсоният ўз тарихида ҳар доим ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан имкониятлари чекланган одамлар билан тўқнаш келган. Ривожланишнинг турли даврларида уларга муносабат ҳам турлича бўлган.

Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги - ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек, ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигидир [5]. Бу сўз лотинча «инвалидус» («ин» - «эмас», «валидус» - «кучли») сўзидан олинган бўлиб, яъни, «кучсиз, кучли эмас» деган маънони англатади, бошқача айтганда, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий жиҳатдан камчилиги бўлган инсон фаолиятида мавжуд тўсиқ ёки чекловларни билдиради [6].

НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Кўхна тарих шундан сабоқ берадики, антик даврлардан бошлаб олим-у, уламолар, файласуфларни оғир касалликларга чалинган ёки ривожланишдан орқада қолган кишиларнинг яшашини, уларни даволаш ва ўқитиш масалалари ўзига жалб этиб келган. Қадимги Юнонистон, Рим, Византия, Шарқ файласуфлари ва донишмандлари, жумладан, Аристотель, Сенека, Цицерон ва бошқаларнинг асарларида жамият ва жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар ўртасидаги муносабат мавзуси ҳам эътибордан четда қолмаган. Бинобарин, соғлиғи билан боғлиқ муаммолари мавжуд кишилар сони уруш ва ҳарбий ҳаракатлардан кейин кўпайиб кетгани боис мазкур урушлар пайтида жароҳат олган, касаллик орттирган собиқ ҳарбийларга алоҳида эътибор қаратилган. Соғлиғида муаммоси мавжуд бўлган собиқ жангчилар «ногирон» (инвалид) деб аталган.

Қадимги Юнонистонда ҳарбий ногиронлар ўз оиласи билан давлат қарамоғида бўлган. Римда эса ногиронларга ер участкалари, жангларда қўлга киритилган ўлжадан улуш ажратилган, шунингдек, пул таъминоти белгиланган. Ногиронлар жамиятнинг обрў-эътиборли кишилари саналишган ҳамда ижтимоий таъминотнинг етарли даражада ривожланган тизими улар хизматида бўлган. Соғлиғи билан боғлиқ муаммоси мавжуд кишиларнинг иккинчи тоифаси эса одатда

ғарибхоналарда, ногиронлар уйларида сақланган. Бу ерда улар таом ва бошпана билан таъминланган.

Ўрта асрларда анча қудратли бўлган Франция давлатида ушбу атама армияда ҳарбий хизматни ўтаган ва хизмат вақтида яралангани, жароҳат олгани ёки қаригани боис ҳарбийликка ярамай қолган жангчиларга нисбатан қўлланилган. Беш юз йилдан ортиқ вақт мобайнида давлат соғлиғи билан боғлиқ муаммоси мавжуд инсонларни икки гуруҳга тақсимлаган: армияда хизмат қилган хизмат вақтида яралангани, жароҳат олгани ёки кексайганлиги сабабли соғлиғида муаммолар пайдо бўлган ногиронлар; ҳеч қачон ҳарбий хизматни ўтамаган, жароҳатлари, касалликлари туғма, кундалик турмушда ёки ишлаб чиқариш жараёнида орттирилган болалар ҳамда катта ёшдаги аҳоли. Бу гуруҳ майиб-мажруҳлардан иборат бўлган.

1606 йилда Франция қироли Генрих IV томонидан яраланган, касалга чалинган ва қариб қолган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун ҳарбий ғарибхоналар тизими жорий этилган. У иккита, яъни насроний раҳм-шафқат ҳамда авлиё Людовик госпиталларидан иборат бўлган. 1671 йилда Людовик XIV Парижда машҳур «Hotel des invalids» уйига асос солади. Эндиликда нафақани монастирларга ажратиш тўхтатилган, нафақаларни ҳаммаси мазкур уйдаги ногиронларнинг таъминотига йўналтирилади. Наполеон I ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. У ўз армияси фахрийларининг обрўсини юқорига кўтариб қўйган эди. XVI асрдан бошлаб Францияда ногиронларга давлат ғазнасидан нафақа тайинланади. Кейинчалик европанинг бошқа давлатларида ҳам ногиронлар роталари пайдо бўлиб, уларда ногиронлар жанговар хизмат билан боғлиқ бўлмаган ҳарбий лавозимларга тайинланган. Бу роталар турли шаҳарларга жойлаштирилган. Уларда ҳарбий хизмат даврида яраланган, жароҳат олган ва касаллик орттирган қуйи лавозимдаги ҳарбийлар хизмат қилиб, ички хизмат ва фронт орти билан боғлиқ турли вазифаларни бажаришган.

Шу даврда Англияда ҳам ана шундай уйлар пайдо бўлади: улар аввал Челси ва Гринвичда (денгизчилар учун), сал кейинроқ эса Берлин ва Австрияда очилади. Ўрта асрларда Франция ва Англияда ҳарбий ногиронларга қараш монастирлар зиммасига юклатилган. Испанияда, кейинроқ эса Англия ва Голландияда яраланган ва жароҳат олган ҳарбий ногиронларга пенсия ва бир марталик моддий ёрдам тўланиш тизими йўлга қўйилган [7].

1887 йилда Пруссияда 6 та ногиронлар ротаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўртача 100-120 киши хизмат қилган, шунингдек сарой тасарруфида гвардиячи ногиронлар ротаси фаолият олиб борган [8].

XIX аср охирида АҚШда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан ишлашнинг янги йўналиши - ижтимоий хизмат юзага келади. 1926 йилда АҚШ университетларида турли ихтисосликлар бўйича ижтимоий соҳада: болалар, аёллар ва ногиронлар билан ишлаш учун мутахассислар тайёрлашга киришилади.

Қадимги Русда майиб-мажруҳлар учун илк ғарибхоналар 1551 йил, Иван Грозний подшолиги даврида пайдо бўлган. Россия императори Пётр I 1720 йил 3 майдаги Фармони билан ҳарбий хизмат даврида яраланган, жароҳат олган ёки касаллик орттирган ва ҳарбий коллегия томонидан хизматни давом эттиришга яроқсиз деб топилган барча офицерлар ва қуйи лавозимдаги ҳарбий хизматчиларни монастирлар ҳамда ғарибхоналарга жойлаштиришни ва уларга умрининг охиригача гарнизон маошлари даражасида нафақа тайинлашни белгилаб қўяди.

1722-1724 йилларда император Фармони билан ҳарбий тоифадаги ногиронларнинг нафақа миқдори камайтирилади. Екатерина II 1764 йилда Россиядаги монастирлар руҳонийлари штатлари сонини белгилаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекади. Шунингдек, у ногиронларнинг белгиланган шаҳарлардагина яшашлари тўғрисида буйруқ беради. Уларга йилига 80 минг рубл миқдоридан нафақа тўланади.

Россиядаги илк ногиронлар уйига Екатерина II ҳукмронлиги даврида – Каменноостровскийда асос солинган. XVIII аср охирида гарнизон батальонлари тасарруфида ногиронлар роталари тузилади. 1811 йилга келиб, барча ногиронлар уч тоифага ажратилади: ҳаракатчан, хизмат қила оладиган ва хизмат қила олмайдиган. У 1823 йилгача, яъни тарқатиб юборилгунига қадар барча уезд шаҳарларида мавжуд бўлган. Николай I даврида ногиронлар уйлари сони ортди ва улар ҳарбий ғарибхоналар деб атала бошланди. Николай I ҳукмронлиги даврining охирида келиб қуйидаги миқдорда ногиронлар командалари мавжуд эди: гвардиячи роталар -15 та, ногиронлар роталари - 104 та, командалари сони - 564 тани ташкил этган. Кейинчалик ногиронлар командалари ҳам тарқатиб юборилади. Россияда ғарибхоналар 1918 йилга қадар фаолият олиб

борган ва бутун фаолияти давомида майиб-мажруҳларга ғамхўрлик кўрсатиладиган ва бошпана бериладиган маскан вазифасини бажариб келган. Ғарибхоналар черковларнинг маблағлари ҳисобидан фаолият олиб борган. 1898 йилда Мария Федоровна ҳазрати олияларининг «истаги ва қарори билан» қар-соқов катта ёшдаги фуқаролар ва болалар учун васийлик жорий этилади. Москва ва Санкт-Петербургда улар учун устахоналар, меҳнатга ўргатиш уйлари очилади. Васийлар қар-соқовлар учун иш излашади ҳамда улар тижорат фаолияти олиб боришларида кўмаклашишади [9].

Ногиронлиги бор шахсларни ҳаётга тайёрлаш, касб-хунар ўргатиш, таълим -тарбия бериш ишлари ҳам бошланган. Чунончи, 1832 йил Мюнхенда (Бавария, Германия) Ёган Эдлер фон Курс бир қўли йўқ ўғил болалар учун халқ мактаби билан бир хил ва тенг таълим берадиган тарбия институтини ташкил этади. Унинг мақсади ногирон болаларга ҳунар ёки «эркин касб» ўргатиш бўлган. Бу болалар тиббий назорат остида бўлган ва даволаш муолажалари олишган. 1874 йилдан институтда бир қўли йўқ киз болалар ҳам ўқитила бошлайди ва улар бу ерда тикиш, бичиш, тўкиш ва уй-рўзгор юритиш кўникмаларини ўрганишади.

1897 йилга қадар Германияда Мюнхен институтига ўхшаш 8 та мактаб очилади ва уларда жами 550 нафар ногирон болалар таълим олишади. 1872 йилда пастор ва филантроп Ганс Кнудсен (Копенгаген, Дания) томонидан майиб-мажруҳларга ёрдам Жамияти, ортопедия клиникаси, касбий таълим мактаби (1884 йил) ҳамда ишлайдиган ногиронлар учун устахона очилади. Ушбу тажриба Скандинавия давлатлари (Швеция, Норвегия)да ҳам жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам кўрсатиш соҳасида жорий этилади. Петербургда (1895 йил) Қизил Хоч Қўмитаси пастор Ганс Кнудсен тажрибасига таяниб етимхона-майиб-мажруҳлар учун мактаб, мискинлар ва касалларга васийлик қилиш Жамиятининг Петровск ва Василеостровск бўлимлари қошида катта ёшдаги ногиронлар учун етимхона очади.

XIX-XX аср бошларида майиб-мажруҳларни даволаш, уларга касб ўргатиш ва ижтимоий мослашувига кўмаклашиш билан боғлиқ тадбирлар Европа, АҚШда ҳомийлар, жамоа ташкилотлари, биринчи галда Қизил Хоч Жамияти ҳисобидан амалга оширилган. Россияда эса бу даврда болалар, майиб-мажруҳлар, ногиронлар, қариялар билан ишловчи мутахассислар вазифасини Қизил Хоч Қўмитаси ҳамширалари, монахлар ва шифокорлар бажаришган.

1890 йилда Тошкентда Россия Қизил Хоч Жамиятининг Округ бошқармаси ташкил этилади ва Туркистонда ногиронларга кўмак бериш мазкур ташкилот зиммасига тушади. Ўша вақтда бошқармада 55 киши ишлаган. 1898 йилда 9 нафар ҳамширани бирлаштирган ҳамширалар Жамияти тузилади [10]. Улар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам беришган, вабо, чечак, кизилча, терлама ва бошқа юқумли касалликлар эпидемиясига қарши курашда иштирок этишган.

1922 йилда Россия Қизил Хоч Жамияти Тошкентда ўзининг расмий ваколатхонасини очади. Жамият ташкилотлари кўплаб қорхоналарда биринчи ёрдам кўрсатиш ва тиббиёт пунктлари фаолиятини йўлга қўйишади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлари Кенгашининг 1925 йил 14 ноябрдаги Қарори билан «Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида Низом» тасдиқланади. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти минтақадаги энг ёши улуг инсонпарварлик ташкилоти саналади.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТЛАРИ РИВОЖИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида»ги Фармонида асосан мустақил, инсонпарварлик, жамоат бирлашмаси мақомини олди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ўз сафига бутун дунёдаги 187 та Миллий Жамиятларни бирлаштирган Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерациясининг 165-тўлақонли аъзоси ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хайр-саҳоват ва ҳомийликнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди, фаолиятининг асосий йўналишини эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш ташкил қиладиган ташкилотларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиб, имкониятлари кенгайтирилди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18-сонли Қарорига асосан Ногиронлар жамияти ташкил топди. Унинг Низомини эса Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2014 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Ногиронлар жамияти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 514-сонли қарори билан рўйхатга олинган. БМТнинг «ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги

Конвенциясининг имплементацияси, ногиронлар жамоат бирлашмалари ташаббуси билан «Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси» 2018 йил 21 февралда ташкил этилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик соҳасида 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар орасида: Ўзбекистон ногиронлар жамияти; Ўзбекистон ногиронлар жамоат фонди; Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси; Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази; Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш «Умр» жамоатчилик маркази; «Инклюзив ҳаёт» ногиронлар жамоат бирлашмаси; Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти; Ўзбекистон карлар жамияти кабилар бор.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 1-августдаги фармойиши билан ташкил этилган «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш»га қаратилган ПФ-5006 сонли фармони, 2020 йилда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун, 2021 йил 21 декабрда «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2023 йил 27 февралда «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб - қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорлари қабул қилинди.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 2-июндаги 417-сон қарори:«Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ»нинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда юқорида қабул қилинган давлат фармонлари ва қарорлари асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳаётий турмуш тарзи муносиб таъминланмоқда. Бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

1. Президент қарори билан «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати Давлат божхона қўмитасига бириктирилиб, республика пансионатида истиқомат қилаётган болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатишнинг янгиланган тизими жорий этилди ҳамда замонавий абилитация ва реабилитация муолажаларидан ўтиши учун зарур технологик шароитлар яратилди [11].

2. 2023-йил 17-ноябр қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга тўланадиган ногиронлик нафақаси ойига 800 000 сўм этиб белгиланди.

3. 2022 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида танлаб олинган **20 нафаргача ногиронлиги бўлган иқтидорли ёшларнинг** етакчи хорижий олий таълим муассасаларида, шу жумладан, **онлайн курсларда таълим олиши** таъминланди. Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахслар қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилинади [12].

4. Уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган уларга тенглаштирилган шахслар мулкида бўлган мол-мулк солиқ солишдан озод этилди. Шунингдек, ер участкаси олишлари учун бир маротабалик субсидия ажратиладиган бўлди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга тўланадиган ногиронлик нафақаси ойига 800 000 сўм этиб белгиланди. Охириги тўрт йилда 27та тиббий-ижтимоий муассасаларда 267,2 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди ва замонавий талабларга мос бўлган 1327та ўринлар фойдаланишга топширилди.

6. 2022 йил давомида тажриба тариқасида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган ҳудудларда «Имкониятлар маркази», яъни ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатувчи марказлар ташкил этилди.

Республикада улар учун яратилган шароитлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам кўзга ташланиб туради. Ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ногиронлар масаласида бир қанча муаммоларга дуч келинади. Жумладан, Тошкент шаҳрининг ўзида 70 минг ногирон ва яна 300 минг кекса одам борлигига қарамай, бинолар ҳамда ижтимоий инфратузилмаларнинг 85 фоизи улар фойдаланиши учун мослаштирилмаган. Шунингдек, инклюзив таълимни ривожлантириш,

алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш, махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, янги авлодини яратиш, Олий таълимга кираётган абитуриентлар учун мўлжалланган қабул тартибига оид маълумотлар, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматда бўлиши, бунда видеороликлар сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилиш каби методлардан фойдаланиш лозим.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб таъкидланганда, инсон ҳуқуқлари, жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун бугунги кунда мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ubaydullayev R.A. O'zbekison yoshlari: ijtimoiy qiyofa. T. 2008. 8-bet.
2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 57-modda.
3. URL:<https://gazeta.uz/uz/2022/12/02day/>
4. URL:<https://t.me//wbusbekistan/1216>.
5. URL:http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=140860
6. URL:<https://ru.wikipedia.org/wiki/Invalidnost>
7. История инвалидовных обществ. URL:<http://independentfor.com/material/histunion.htm>
8. История инвалидовных обществ. URL:<http://independentfor.com/material/histunion.htm>
9. Мисяк С.А. Запорожский медицинский журнал №5, том 2, 2006, с.160.
10. URL:www.redcrescent.uz.
11. «Саховат» va «Muruvat» internat uylari hamda Urush va mehnat faxriylari uchun respublika pensionatini rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida. URL:<https://uza/uz/uz.posts/403518>.
12. Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 2 iyundagi 417 son qarori. Oliy ta'lim muassasalariga nogironligi bo'lgan shaxslarni qo'shimcha davlat granti kvotalari asosida o'qishga qabul qilish tartibi to'g'risida NIZOM.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВОДНОЙ ДИПЛОМАТИИ УЗБЕКИСТАНА В СОХРАНЕНИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Амирбек Кенжаев

*преподаватель кафедры Государственное управление
Ташкентского государственного юридического университета*

Аннотация. Муаллиф томонидан трансчегаравий сувлардан фойдаланиш соҳасидаги давлатлараро муносабатларнинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашга таъсирини очиб беришга ҳаракат қилинган. Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан «Қўштепа» каналининг қурилиши масалалари алоҳида кўриб чиқилган. Хулосада Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг ривожланиш истиқболлари бўйича прогнозлар берилган.

Калим сўзлар: трансчегаравий сувлардан фойдаланиш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик, халқаро ҳуқуқ, Марказий Осиё, «Қўштепа» канали.

Abstract. The author has made an attempt to reveal the influence of Uzbekistan's water diplomacy on ensuring regional security in Central Asia. The construction of the Kushtepa canal is being discussed separately by the interim government of Afghanistan. In conclusion, forecasts are given for the prospects for the development of threats to regional security in Central Asia.

Key words: transboundary water use, regional stability and security, international law, Central Asia, «Kushtepa» canal.

ВВЕДЕНИЕ

На сегодняшний день усиливается борьба между разными ведущими акторами международных отношений, что приводит к глобальным геополитическим изменениям. Можно наблюдать как соперничают такие ведущие страны мира как США, Великобритания, Франция, Германия, КНР, Индия, Япония и Российская Федерация за те или иные политические, экономические и стратегические ресурсы в разных уголках земного шара. Например, в качестве актуальных геополитических проблем современности можно привести Украинский кризис, палестино-израильский конфликт, вопрос суверенитета Тайваня, формирование инклюзивного правительства и полноценной государственности в Афганистане, до сих пор существующие последствия так называемой «арабской весны» и многие другие. Изменения в глобальных геополитических процессах порождают новые или обостряют уже существующие угрозы и вызовы для развивающихся и слаборазвитых стран, с которыми они вынуждены считаться.

Центральная Азия занимает важное место в глобальных геополитических процессах. Важность Центральной Азии в мировой политике был подтвержден многими экспертами, учеными и политиками, в частности, такие эксперты и государственные деятели США как Генри Киссинджер и Збигнев Бжезинский в своих трудах неоднократно говорили о значимости Центральной Азии. Сегодня Центральной Азией начали активно интересоваться ведущие страны мира. Подтверждением тому может послужить проведение первого саммита между главами государств Центральной Азии и США в формате «С5+1» 19 сентября 2023 года, где Президент США Джо Байден выразил желание посетить с официальным визитом Центральную Азию. Кроме того, в 2023 году страны Центральной Азии посетили официальные представители США, Президенты Франции и Италии, а также главы государств Центральной Азии приняли участие в глобальных саммитах, проведенных Европейским Союзом и КНР.

На фоне глобальных геополитических процессов обостряется проблема трансграничного водопользования в Центральной Азии. Можно сказать, что от его характера напрямую зависит политическая стабильность и процветание региона. За последние годы трансграничное водопользование превращается в одну из самых важных геополитических проблем Центральной Азии. Физическое истощение запасов пресной воды в регионе и появление нового участника в трансграничном водопользовании в лице Афганистана, подняло на новый уровень вопросы трансграничного водопользования в Центральной Азии. Появились новые геополитические явления, которых государствам Центральной Азии вместе с Афганистаном предстоит решить. В этом отношении, можно отдельно выделить вопросы, связанные со строительством со стороны временного правительства Афганистана канала «Куштепа» на реке Амударья. Водная дипломатия Узбекистана, которая с географической точки зрения находится в центре региона, оказывает прямое воздействие на отношения трансграничного водопользования.

Проблемы водной безопасности нашли свое широкое отражение в исследованиях многих зарубежных и национальных экспертов. В частности, хотелось бы отметить аналитический доклад Швейцарской организации по развитию и сотрудничеству «Rethinking Water in Central Asia. The costs of inaction and benefits of water cooperation» от 2017 года [1, 4]. В докладе показано текущее состояние сотрудничества государств Центральной Азии в сфере трансграничного водопользования и возможные сценарии развития этих отношений в будущем.

Следует отметить, что по водной проблеме Центральной Азии имеются документы ООН, в частности, Конвенция ООН по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер от 1992 года [2]. В конвенции дается определение понятия трансграничных вод, отражены меры, которые следует принять прибрежным странам для обеспечения использования трансграничных вод разумным и справедливым образом, а также учреждение совместных органов для решения проблем трансграничных вод и порядок разрешения возможных споров.

Научный интерес представляет доклад Департамента ООН по экономическим и социальным вопросам, где указаны дальнейшие тенденции совершенствования институциональных основ совместного трансграничного водопользования в Центральной Азии [3].

Проблемы водопользования стран региона нашли свое отражение и в таких признанных международных изданиях как «Foreign Affairs», на страницах которого опубликована статья «Водные войны в Центральной Азии» [4]. Эта же тема исследуется Далбаевой А. в статье «Положить конец превращению воды в оружие в Центральной Азии» [5], опубликованной неправительственным научно-исследовательским центром «International crisis group».

Геополитические аспекты водной проблемы Центральной Азии отражены в рамках исследования сотрудника международного журнала «Geopolitical monitor» Рамона Колладо, где он пришёл к выводу, что распад Советского Союза породил новые угрозы в сфере водно-энергетических отношений государств Центральной Азии, а использование воды как инструмента геополитического воздействия может вызвать в регионе вооружённый конфликт [6].

Само понятие и сущность термина «водные войны» раскрыты в научной статье Наталии Кох, где она на примере Центральной Азии показывает трансформацию будущих межгосударственных конфликтов за дефицитные природные ресурсы, в первую очередь, за ресурсы пресной воды [7]. Вопросы истощения ресурсов пресной воды в Азии, а в особенности, критическое сокращение пропускной способности реки Амударья, снабжающей страны Центральной Азии и Афганистан, а также геополитические аспекты водной проблемы были раскрыты в исследовании Guo Lili, научного сотрудника Университета Цинхуа [8].

В исследовании, проведённом группой учёных в составе Хосе Антонио Пенья-Рамос, Филипп Багус и Дарья Фурсова, проведён детальный анализ позитивных и негативных аспектов дефицита воды в Центральной Азии, влияние водного фактора на динамику геополитических процессов в регионе [9]. Конкретные случаи конфликтных ситуаций, в частности, между Кыргызстаном и Таджикистаном из-за дефицита воды в Центральной Азии приведены в аналитическом обзоре Института Роберта Лансинга по изучению глобальных угроз и демократии [10]. Современный этап взаимоотношений государств Центральной Азии по вопросам совместного трансграничного водопользования нашёл своё отражение в исследовании сотрудника Джеймстаунского фонда глобальных исследований и анализа Сайед Фазл-э-Хайдера [11].

Принципиально важное значение в решении водной проблемы региона имеет позиция Республики Узбекистан, выраженная в «Послании Президента Республики Узбекистан Шавката

Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана» от 20 декабря 2022 года [12], а также в выступлениях Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на заседании Совета глав государств-учредителей Международного фонда спасения Арала 15 сентября 2023 года [13] и на 78-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН 20 сентября 2023 года [14].

При рассмотрении и проведении исследования по вопросам обеспечения водной безопасности в Центральной Азии были использованы сравнительно-исторический метод, а также методы ситуационного, институционального, правового, политического и экологического анализа.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

За последние несколько лет характер трансграничного водопользования в Центральной Азии кардинально изменился. Проведение реформ во внешней политике Республики Узбекистан по инициативе Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева привели к улучшению политической обстановки в Центральной Азии, укрепились отношения политического доверия между государствами региона. Улучшение отношений между государствами Центральной Азии привели и к решению некоторых проблем по вопросам трансграничного водопользования. Результаты исследований показывают, что за период между 2018-2022 годов государства Центральной Азии достигли соглашений по принципиальным вопросам трансграничного водопользования.

УЗБЕКСКО-ТАДЖИКСКИЕ ОТНОШЕНИЯ

В 2018 году в ходе официального визита Президента Республики Таджикистан Э. Рахмона в Узбекистан между двумя государствами было подписано соглашение о проработке вопроса совместного строительства двух гидроэлектростанций общей мощностью 320 мегаватт на территории Таджикистана на реке Зарафшан [15]. В ходе очередного официального визита Президента Республики Таджикистан Э. Рахмона в Узбекистан главы государств обеих стран официально запустили совместное строительство «Яванской» гидроэлектростанции (ГЭС) на реке Зарафшан. Также, Таджикистан и Узбекистан пришли к согласию по некоторым аспектам строительства «Рогунской» ГЭС [16].

УЗБЕКСКО-КЫРГЫЗСКИЕ ОТНОШЕНИЯ

Отношения между Узбекистаном и Кыргызстаном в этом направлении также значительно улучшились. 6 сентября 2017 года в ходе своего официального визита в Кыргызстан Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев отметил, что строительство «Камбаратинской» ГЭС представляет выгоду обеим государствам [17]. Чуть позже, в ходе официального визита Президента Республики Кыргызстан С.Жээнбекова в Узбекистан между двумя государствами была создана совместная межправительственная комиссия по водным вопросам. В результате политических усилий руководства обеих стран и взаимопонимания между ними, в конце 2022 года Кыргызстан и Узбекистан смогли достичь исторических соглашений о передаче территорий Андижанского (Кемпир-Абадского) водохранилища Узбекистану, а управление водохранилищем осуществлялось совместно [18]. Кроме того, кыргызская сторона обязалась не строить гидротехнические и иные сооружения, препятствующие естественному течению реки Говасай, и не допускать технического загрязнения воды.

ТРЕХСТОРОННИЕ СОГЛАШЕНИЯ МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ РЕГИОНА

В 2021 году Казахстан, Кыргызстан и Узбекистан подписали соглашение по Токтогульскому ГЭС, согласно которой Казахстан и Узбекистан обязались обеспечить электричество Кыргызстану в зимнее время, взамен на водозабор из Токтогульского ГЭС летом [19]. Кроме того, 6 января 2023 года Узбекистан, Кыргызстан и Казахстан подписали «дорожную карту» по реализации проекта строительства Камбаратинской ГЭС-1 мощностью 1860 мегаватт [20], а 24 января 2023 года было подписано инвестиционное соглашение о строительстве Камбаратинской ГЭС-1 в Джалал-Абадской области между Кыргызстаном и Узбекистаном [21].

АФГАНИСТАН КАК НОВАЯ СТОРОНА В ТРАНСГРАНИЧНОМ ВОДОПОЛЬЗОВАНИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

После вывода войск США в 2021 году произошли значимые события в политической жизни Афганистана. Так называемая «республика» распалась, вместо него к власти пришли представители группировки Талибан, а политический строй в Афганистане изменился на форму правления исламского эмирата. Внутриполитические процессы в Афганистане и политика, проводимая Талибаном оказала влияние и на соседние с Афганистаном страны, в частности на геополитическую обстановку в Центральной Азии. В этом отношении следует отдельно отметить начало строительства канала «Куштепа» на реке Амударья со стороны временного правительства Афганистана [22]. Согласно предварительной оценке экспертов после ввода в эксплуатацию канала «Куштепа» средняя обеспеченность водозабора в Туркменистане и Узбекистане в среднем и нижнем течении реки Амударья будет снижена с 80 до 65 процентов [23]. Кроме того, строительство было начато без согласования вопроса с остальными сторонами трансграничного водопользования. Согласно нормам международного права, в частности, Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков [24] и Конвенции о праве несудоходных видов использования международных водотоков [25] стороны (то есть, государства) трансграничного водопользования должны уведомлять друг-друга о своих планах по строительству гидротехнических сооружений на путях трансграничных водотоков, что не было сделано со стороны временного правительства Афганистана при начале строительства канала «Куштепа». Также, конвенции предусматривают более конкретное регулирование отношений между сторонами-пользователями трансграничных водотоков путём подписания дополнительных соглашений, чего тоже не хватает в отношениях трансграничного водопользования между государствами Центральной Азии и Афганистаном.

Из стран Центральной Азии Узбекистан активно занимается вопросами вхождения Афганистана в международное сообщество и установлении с ней добрососедских отношений на основе международного права. Позиция Узбекистана в отношении канала «Куштепа» была неоднократно и ясно выражена во время выступлений Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева. Например, Президент Республики Узбекистан Ш. Мирзиёев говорил о необходимости начала практического диалога о строительстве нового канала в бассейне Амударьи с временным правительством соседнего Афганистана и международным сообществом на основе международных норм и учета интересов всех стран региона [26], а также рассмотреть вопрос вовлечения представителей Афганистана в региональный диалог по совместному использованию водных ресурсов [27].

ОБСУЖДЕНИЕ

Мировые геополитические процессы оказывают непосредственное влияние и на водную безопасность в Центральной Азии. Несмотря на исторические договорённости в сфере трансграничного водопользования между государствами Центральной Азии, на сегодняшний день существуют некоторые проблемные моменты. Например, Казахстан, согласно плану действий по реализации Концепции развития системы управления водными ресурсами Казахстана на 2023-2029 годы, хочет пересмотреть и внести поправки в соглашение с Узбекистаном и Кыргызстаном об использовании водно-энергетических ресурсов бассейна реки Сырдарья, подписанного в 1998 году [28]. Это говорит о том, что действующие соглашения по трансграничному водопользованию между странами Центральной Азии начинают не совпадать с национальными интересами некоторых государств региона, а также сохраняются некоторые нерешённые вопросы в данной области.

Вопрос канала «Куштепа», а точнее легитимные основы его строительства выходят на первый план в трансграничном водопользовании Центральной Азии и создаёт геополитическое напряжение в регионе.

Конфликты по трансграничному водопользованию между Египтом и Эфиопией, Турцией и Ираком, КНР и Индией, а также другими странами показывают, что государства, в принципе, не отказываются от варианта силового решения вопросов трансграничного водопользования и усиливают свои вооружённые силы, если мирные инструменты не дадут ожидаемых результатов.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Исходя из вышеперечисленных фактов можно прийти к следующим выводам:

во-первых, водная проблема Центральной Азии превратилась в мощный геополитический инструмент, который может оказать реальное воздействие на стабильность и безопасность в регионе;

во-вторых, за последние годы водная дипломатия Узбекистана привела к нахождению консенсуса между государствами Центральной Азии по принципиальным вопросам трансграничного водопользования, но, в долгосрочной перспективе, для решения основных проблем водной безопасности региона ей предстоит решить ещё множество принципиальных вопросов;

в-третьих, путём строительства канала «Куштепа» на реке Амударья Афганистан стал новым участником в трансграничном водопользовании Центральной Азии. С точки зрения международного права, Афганистан имеет право пользоваться водными ресурсами реки Амударья, но не делает этого легитимно, поскольку до сих пор не имеет соглашений с государствами Центральной Азии.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Переосмысление водного вопроса в Центральной Азии: цена бездействия и преимущества водного сотрудничества. Аналитический доклад Швейцарской организации по развитию и сотрудничеству, 2017. – С. 4.
2. URL:https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml (дата обращения: 16.11.2023);
3. Advancing evidence-based transboundary water cooperation in Central Asia. Diagnostic Report on Rational Use of Water Resources in Central Asia as of 2019. UN Department of Economic and Social Affairs. URL:<https://sdgs.un.org/partnerships/advancing-evidence-based-transboundary-water-cooperation-central-asia> (дата обращения: 15.11.2023);
4. Water Wars in Central Asia. URL:<https://www.foreignaffairs.com/articles/central-asia/2016-08-24/water-wars-central-asia> (дата обращения: 15.11.2023);
5. End the Weaponisation of Water in Central Asia. URL:<https://www.crisisgroup.org/europe-central-asia/central-asia/kazakhstan/end-weaponisation-water-central-asia> (дата обращения: 15.11.2023);
6. Ramon E Collado. Water War in Central Asia: the Water Dilemma of Turkmenistan. An international intelligence publication «geopolitical monitor». URL:<https://www.geopoliticalmonitor.com/water-war-in-central-asia-the-water-dilemma-of-turkmenistan/> (дата обращения: 15.11.2023);
7. Koch N. Why No «Water Wars» in Central Asia? – Syracuse: PONARS Eurasia Policy Memo No. 500, 2016.;
8. Guo Lili. Are «Water Wars» Coming to Asia? Tsinghua University, 2020. URL:<https://www.tsinghua.edu.cn/en/info/1320/11591.htm> (дата обращения: 15.11.2023);
9. Peña-Ramos JA, Bagus P, Fursova D. Water Conflicts in Central Asia: Some Recommendations on the Non-Conflictual Use of Water. Sustainability. 2021; 13(6):3479. URL:<https://doi.org/10.3390/su13063479> (дата обращения: 16.11.2023);
10. Kyrgyzstan and Tajikistan conflict is a sign of water wars in Central Asia. Robert Lansing Institute for Global Threats and Democracies Studies, 2021. URL:<https://lansinginstitute.org/2021/05/04/kyrgyzstan-and-tajikistan-conflict-triggers-water-wars-in-central-asia/> (дата обращения: 16.11.2023);
11. Syed Fazl-e-Haider. Perils of «Water Wars» in Central Asia. Eurasia Daily Monitor Volume: 19 Issue: 185, 2021.;
12. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/5774> (дата обращения: 15.11.2023);
13. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/6662> (дата обращения: 15.11.2023);
14. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/6679> (дата обращения: 15.11.2023);
15. Государственный визит Президента Таджикистана в Узбекистан. URL:<https://cis.minsk.by/news/9658/gosudarstvennyj-vizit-prezidenta-tadjikistana-v-uzbekistan> (дата обращения: 15.11.2023);
16. Начато строительство современной гидроэлектростанции. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/5236> (дата обращения: 15.11.2023);

17. Бишкекский прорыв: итоги визита Мирзиёева в Кыргызстан. URL:<https://uz.sputniknews.ru/20170906/mirzиеev-kirgizstan-atambaev-6235478.html> (дата обращения: 15.11.2023);
18. Президент Узбекистана подписал законы по границе с Кыргызстаном и Андижанскому водохранилищу. Официальный веб-сайт Президента Республики Узбекистан. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/5745> (дата обращения: 15.11.2023);
19. Перизат Рисбеккизи. Водное сотрудничество в Центральной Азии как основа стабильности и устойчивого развития. Анкарийский центр исследований кризисных ситуаций и политики. URL:<https://www.ankasam.org/%d0%b2%d0%be%d0%b4%d0%bd%d0%be%d0%b5-%d1%81%d0%be%d1%82%d1%80%d1%83%d0%b4%d0%bd%d0%b8%d1%87%d0%b5%d1%81%d1%82%d0%b2%d0%be-%d0%b2-%d1%86%d0%b5%d0%bd%d1%82%d1%80%d0%b0%d0%bb%d1%8c%d0%bd%d0%be%d0%b9/?lang=ru> (дата обращения: 15.11.2023);
20. Главы энергетических ведомств Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана договорились о совместном строительстве Камбаратинской ГЭС-1. Официальный веб-сайт Министерства энергетики Республики Казахстан. URL:<https://www.gov.kz/memleket/entities/energo/press/news/details/486025?lang=ru> (дата обращения: 15.11.2023);
21. Узбекистан и Кыргызстан готовы к наращиванию многопланового взаимодействия. Официальный веб-сайт Министерства инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан. URL:<https://miit.uz/ru/news/uzbekistan-i-kyrgyzstan-gotovy-k-naraschivaniju-mnogoplanovogo-vzaimodejstvija> (дата обращения: 15.11.2023);
22. На строительство канала Куштепа в Афганистане направят 60 млрд афгани. URL:<https://regnum.ru/news/economy/3550982.html> (дата обращения: 16.11.2023);
23. Сорокин А. Проблемы управления водными ресурсами бассейна Аральского моря, пути и способы их решения // Материалы Центральноазиатской международной научно-практической конференции «30 лет водного сотрудничества в Центральной Азии: взгляд в будущее». 26-27 апреля 2022 г. Туркестан., 2022. – 12 с.;
24. Конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков. URL:https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml (дата обращения: 17.11.2023);
25. Конвенции о праве несудоходных видов использования международных водотоков. URL:https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/watercourses_lakes.shtml (дата обращения: 17.11.2023);
26. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/5774> (дата обращения: 17.11.2023);
27. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на заседании Совета глав государств-учредителей Международного фонда спасения Арала. URL:<https://president.uz/ru/lists/view/6662> (дата обращения: 17.11.2023);
28. Об утверждении Концепции развития системы управления водными ресурсами Республики Казахстан на 2023-2029 годы. URL:<https://www.gov.kz/memleket/entities/ecogeo/documents/details/482453?lang=ru> (дата обращения: 17.11.2023).

ФРОНТЛАРДА ОЛИНГАН САБОҚЛАР ВОСИТАСИДА ИЛМ ЧЎҚҚИСИГА ЭРИШГАНЛАР

Нодира Мустафаева

ЎзР Фанлар академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими бошлиғи
т.ф.д., профессор

Аннотация. В данной статье описывается деятельность академика Василя Кабулова, основоположника кибернетики в Узбекистане. Автор также рассматривает заслуги академика Матёкуба Кушчанова, который внес огромный вклад в области литературной критики узбекского литературоведения в годы Второй мировой войны.

Ключевые слова: Вторая мировая война, кибернетика, операция Мгинск, литературоведение, снайпер.

Abstract. This article describes the activities of academician Vasil Kabulov, the founder of cybernetics in Uzbekistan. The author also examines the merits of academician Matyokub Kushchanov, who made a huge contribution to the field of literary criticism of Uzbek literary studies during the Second world war.

Key words: World War II, cybernetics, operation Mginsk, literary studies, sniper.

КИРИШ

Иккинчи жаҳон урушида ҳар бир оддий фронт аскарари Ғалабани яқинлаштирган қаҳрамон саналади. Уруш қатнашчилари бўлган ўзбек йигитларининг матонати, жанг майдонларидаги жасорати алоҳида бўлиб, бу воқеликлар борган сари узок тарихга айланиб бормоқда. Бироқ уларнинг хотираси ҳар биримиз учун жуда қадрли бўлмоғи даркор. Зеро улар ёшлигини, ҳаётини, соғлигини гаровга қўйиб синовли жараёнлардан ўтганлар. Аксариятининг умри хазон бўлди, тирик қолганлари эса уруш хотиралари билан яшадилар.

Бундай инсонлар орасида ўз фидокорона меҳнатлари билан келажакда Ўзбекистон илм-фани тараққиётига ҳисса қўшган ва Фанлар академияси академиги унвонига эга бўлган олимлар ҳам бор эди. Улар қўпчиликни ташкил этади. Ушбу мақолада Ўзбекистонда кибернетика фани асосчиси Академик Восил Қобулов ҳамда ўзбек адабиётшунослигининг адабий танқид соҳасида ўткир қалам тебратган академик Матёкуб Қўшчоновларнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолиятларига тўхталинади.

Ушбу тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси тарихий изчиллик, тарихий таҳлил, тизимли-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

ҲАРБИЙ АЛОҚАЧИДАН КИБЕРНИТИКА ФАНИ САРИ...

Иккинчи жаҳон уруши телефон ва радиоалоқаларнинг такомиллашув даври ҳам бўлди. Ҳарбий алоқачиларнинг кундалик ҳаёти машаққатли меҳнатни талаб этарди. Бу уруш даврида қўлланилаётган янги технологиялар ва янгича радио ускуналарни ўзлаштириш, маълумотлар узатишнинг янги-янги усулларидан фойдаланиш каби доимий ҳаракатдаги жараёнлар эди. Бу эса, ўз навбатида, юқори билимни ҳам тақозо қиларди. Уруш йиллари ҳарбий алоқачи ва разведкачи бўлиб хизмат қилган Восил Қобуловнинг аниқ фанлар бўйича чуқур билимга эгаллиги жанг майдонларида унга жуда асқотган эди.

Восил Қобулов 1921 йил 5 сентябрь Тошкент шаҳрида темирчи-косиб оиласида дунёга келди. Унинг буваси Фозилжон отанинг касби қори тунукачи бўлса-да, ўз даврининг ўқимишли вакилларидан бўлиб, форс ва араб тилларини билган, Шарқ адабиётидан яхши хабардор киши эди. Восил Қобуловнинг отаси ўтган асрнинг 20-йилларида бир мунча вақт мактабда ўқитувчилик

қилган, лекин катта оилани боқиш мақсадида ота касби тунукачилик фаолиятини олиб борган эди. Қобилжон ота ўзининг тўрт ўғил ва бир қизига олий маълумотли бўлишга имконият яратиб, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлайди. В. Қобулов болалигиданоқ қатъиятли, бир сўзли ва жасоратли бўлган.

1938 йилда мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, В. Қобулов Ўрта Осиё Давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди. Бироқ 1941 йилда бошланган уруш туфайли у кўнгиллилар қаторида армия сафига хизматга отланади ва 1945 йилгача уруш майдонларида жанг қилади.

У 1941 йилнинг августида ҳарбий хизматга чакирилди. Дастлаб метеокузатувчилик курсида ўқиди, сўнг фаолиятини авиация хизмати батальонида давом эттирди [1, 85].

Метеокузатувчилар бомбардимончи самолётларнинг жанговар топшириқларни бажариши учун ғоятда зарур бўлган фактик маълумотлар, яъни парвоз пайтида об-ҳавонинг ҳолати, булутлар шакли, баландлиги, қалинлиги, кўриниши, ёғингарчилик, музлаши ва хоказоларни қайд этарди. 1942 йилнинг июль ойидан В. Қобулов ўз илтимосига биноан фронт чизигига юборилди. Унинг жанговар йўли 33-гвардия ўқчи дивизиясининг 59-гвардия артиллерия полкида алоқачи сифатида бошланди.

Уруш йиллари ҳарбий алоқачилар жанг майдонларида муҳим роль ўйнар эдилар. Улардан кўшинларнинг қўмондонлик таркиби билан буйруқларни бажараётган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги доимий алоқани таъминлаши, қўмондонликни фронтдаги вазиятдан хабардор қилиши, аynи дамда штабларга зарур тезкор маълумотлар ҳамда жанговар бўлинмаларга қўмондонлик буйруқларини етказиб бериши талаб этилган. Ҳарбий алоқачи жанг майдонидаги ўқлар ёмғири остида алоқа линиясининг узилиш жойларини аниқлаши, кабелни узоқ масофага чўзиб олиб бориши ва тузатиши керак эди.

Шунинг учун урушда алоқачининг иши энг зарур, энг шарафли ва энг масъулиятли ҳисобланган. Жангнинг, ҳатто бутун операциянинг тақдирини алоқачи белгилаши ҳам мумкин бўлган. Шиддатли жанговар шароитларда, айниқса оғир жанглардаги вазиятлар бўйича ҳисобот бериш, зарур кўрсатмалар олиш, алоқани узатиш тезлигига ва алоқачининг аниқ тактикасига боғлиқ эди.

Кўплаб жангларда сифатли алоқаларни таъминлаб берган ҳарбий алоқачи В. Қобулов Сталинграддан Кеннисберггача бўлган ерларни босиб ўтди, бир неча бор яраланди, контузия бўлди. Шунингдек, В. Қобулов кўплаб жангларда разведка йўналишида ҳам қатнашди.

Уруш йилларининг шафқатсиз синовлари ҳақида олимнинг «Менинг тарихим» деб аталган эсдаликларида бир лавҳа келтирилади: «Ҳозирга қадар Ивановка қишлоғини эслаيمان: бутун атроф ўпирилган чуқурликлар, нариги томонда эса шиддат билан хужумга ўтишга тайёр турган немис танклари. Мен у ерда разведкада хизмат қилиб, батареямизга аниқ маълумотлар етказиб берардим. Ҳа, бу жангда «Горячий снег» («Иссиқ қор») бадийий фильмида кўрсатилганидек, озгина одам тирик қолган эди» [2, 6]. Айтиб ўтиш жоиз, 1942 йил ёзида Сталинград жанги пайтида Сталинграднинг ўрта мудофаа чизиги айнан Ивановка қишлоғи яқинидан ўтган эди. «Иссиқ қор» бадийий фильми эса Юрий Бондаревнинг шу номдаги романи асосида 1972 йилда суратга олинган бўлиб, асар ҳақиқий тарихий воқеаларга асосланганди. Асар Сталинград жанги воқеалари ва унинг натижаларини ёритиб берди.

Бу шиддатли жанг Дон ва Волга қирғоқларида, сўнгра Сталинград остонаси ва тўғридан-тўғри шаҳарнинг ўзида 200 кечаю-кундуз давом этган. Сталинград жанги 1942 йил 17 июлдан 1943 йил 2 февралгача давом этди ва совет кўшинларининг тўлиқ ғалабаси билан якунланди. Операциянинг мудофаа босқичи 1942 йил 18 ноябргача давом этди ва 19 ноябрда хужум босқичи бошланди[3]. Фронт чизиги узунлиги 400 км дан 850 км гача чўзилган бўлиб, жанг майдонлари 100 минг квадрат метрга яқин улкан ҳудудда очилди. Сталинград жанги микёси, кўлами, кескинлиги ва натижаси билан Иккинчи жаҳон урушининг йўналишини ўзгартириб юборган жанг сифатида тарихга муҳрланди. Ҳарбий ҳаракатларнинг турли босқичларида ҳар икки томонда 2,1 миллиондан ортиқ киши қатнашди [4].

Ўзбек ўғлони Восил Қобулов ушбу қонли тўқнашувларда омон қолиб, Сталинград мудофаасидаги иштироки учун «Ҳарбий хизматлари учун» ва «Сталинград мудофааси учун» медаллари билан тақдирланди.

1943 йилнинг 24 июлида у Донецк областининг Саур-Могила районида бўлган жангда алоқа линиясидаги 24 та узилишларни бартараф этди ва ярадор бўлишига қарамай, алоқа

тугамагунча линияни ташлаб кетмади [1, 85]. В. Қобуловнинг хотирлашича, у икки томондан ўқ ёғилаётган 8 километр узунликдаги очиқ майдонда полк штаби ва кузатув пункти ўртасида алоқани таъминлаган эди [5]. Бу қаҳрамонлиги учун катта сержант В. Қобулов «Жасорат учун» медалига сазовор бўлди.

Балки ўша пайтда жангчи ҳеч қандай жасорат ҳақида ўйламагандир, аммо у ўз ҳарбий бурчини бажарган эди. «Душманнинг снаряд ва бомбалар «ёмғири» остида қолган солдат, агар тирик қолсам ҳар қандай ҳаётга тайёрман, деб Аллоҳга илтижолар қилганини кўп кўрганмиз, эшитганмиз. Биз солдатлар қаерда бўлмайлик, қайси окопларда, снаряд ва бомбалар хавфи остида ётмайлик, ҳамма вақт ўз юртимиз ҳақида ўйлаганмиз, уни кўмсаганмиз. Ўша жойлардан омон қайтибмиз, эҳтимол, бизга ота-оналаримиз, ёр-биродарлар меҳри мадад бўлгандир...» [6], деб ёзган эди В. Қобулов.

1944 йилнинг 9 июлида Сивашнинг жанубий қирғоғида душман мудофаасини ёриб ўтишда гвардия катта сержанти В. Қобулов полкнинг бошқа ўқчи полклар билан алоқасини таъминлади. Унинг радиостанцияси 18 соат давомида узлуксиз ишлади, икки бор рациядаги узилишларни бартараф этди. Натижада полк пиёда жангчилар билан бирга олд марраларга силжишга муваффақ бўлди. Камишли кишлоғи яқинидаги жангларда ҳам у алоқа узлуксизлигини таъминлади ва олд марралар эгалланди. Қрим озодлиги йўлидаги ушбу жанглардаги жасорати учун В. Қобулов «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди [1, 85].

1944 йилнинг 28 июлида Литванинг Гринкишки деган жойи яқинида В. Қобулов радио бўйича алоқани таъминлаши бевосита душманга оловни тўғри йўналтиришга имкон берди ҳамда ўнлаб фашистларни йўқ қилинишига шароит яратди. 16 августда эса у Кельме шаҳри атрофидаги жангларда танкларнинг контрхужумини уюштиришда радио алоқа узлуксизлигини таъминлади. Натижада душманнинг 3 танки ва 15 нафар гитлерчи йўқ қилинди. Мазкур жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун В. Қобулов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди [1, 86].

Украина, Қрим, Белоруссия, Болтиқбўйини озод этиш жангларида иштирок этган Восил Қобулов II-даражали Ватан уруши ордени, «Кенигсберг учун», кейинчалик, «Совет Иттифоқи флот адмирали Кузнецов» медаллари, турли даражадаги орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Восил Қобуловдан қайси жангларда иштирок қилгани ҳақида қизиқиб сўралганда: «Сталинград яқинида Манштейн армиясига зарба беришда, Харьков атрофидаги жангларда, Қримдаги фашист кўшинларини тор-мор қилишда, сўнгра Болтиқбўйида ўрнашиб олган Курляндия гуруҳига қарши курашда ва, ниҳоят, шарқий Пруссия жангларида – мана менинг жанговар йўлим», дея ҳикоясини мухтасар қилиб қўя қоларди [7, 302].

Аслида, оғир урушнинг барча мушкулотлари Восил Қобуловнинг ҳам бошидан ўтган. Бир неча бор ярадор бўлиб, яна ўз дивизиясига қайтиб келиши, дивизиянинг бир неча жангларида толиқиб, янги кучлар билан қайта тўлдирилиши, айрим ҳолларда қуршовда қолиб, оч-наҳор қолишлар, 30-40 даража совуқ ва изғиринларда юзлаб чақирим йўл босишлар, ҳоказо ва ҳоказолар... «Эндиликда ўйлаб қарасам, бу машаққатларга фақат ёшликкина чидам бериши мумкин экан, - деган эди Восил Қобулов ва кўшиб қўярди «Бирор жангдан омон чиқиб, яна элимга қайтиб келиш ҳаёлимда меҳмон ҳам бўлмасди. Жангга кирганда ҳар лаҳза, ҳар дақиқа ўлимни кутардик. Қанчадан-қанча дўстлардан ажралдик. Ҳатто уларни дафн қилиб кетишнинг ҳам иложи бўлмасди»» [2, 6].

Шогирдлари Восил Қобуловни «9 май Ғалаба кунинини ўзининг иккинчи туғилган куни эканини кўп такрорласа-да, ўзларининг «қаҳрамонликлари»ни дoston қилавермас эдилар», - деб хотирлайдилар.

Урушдан кейин В. Қобулов Тошкентдаги темир йўл муҳандислари институтида ўқишни давом эттириб, уни имтиёзли диплом билан тугатди. 1949-1950 йилларда Чоржўй – Қўнғирот темир йўл қурилишида муҳандис бўлиб ишлади. 1950 йилда илмга чанқоқ бўлган бу инсон Ўзбекистон Фанлар академиясининг механика ва иншоотлар институти аспирантурасига қабул қилинди.

Эндиликда Восил Қобулов электрон-ҳисоблаш машиналари билан боғлиқ илм сирларини эгаллашга қаратилган – илм «жанги»га кирди. Бу жангда унга республикадаги тажрибали олимлар, академиклар Ҳамид Абдуллаев, Муҳаммаджон Ўразбоевлар раҳнамолик қилди.

1952 йилда номзодлик, 1959 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1966 йилда профессор унвонини олди. Восил Қобулов Ўзбекистонда кибернетика фани соҳасини асосчиларидан бўлди.

1962 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига, 1966 йилда академикликка сайланди.

1966 йили Тошкентда Ҳисоблаш марказли Кибернетика институти ташкил этилди ва унга 1992 йилгача Восил Қобулов раҳбарлик қилди. Ўзбекистонда кибернетика, сунъий тафаккур, информацион ва рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида нуфузли илмий марказлар билан алоқалар ўрнатилди. Шу билан бирга Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида кибернетика, ҳисоблаш техникаси, информацион ва рақамли технологияларга ихтисослашган кафедра ва факультетлар ташкил қилинди.

Восил Қобулов ташаббуси билан Навоийдаги Мурунгов олтин қони, Тошкент вилоятида жойлашган Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ишларини яхшилаш бўйича автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Олим 1971 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати бўлди, 1998 йилда «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди. Давлат ва жамоатчилик ишларида фаол бўлди.

Восил Қобулов изланувчан ва ташаббускор, ўта зиёли, камтарин инсон бўлиб, миллатпарвар ва миллий ғурурини юқори тутар эди. Восил Қобулов ҳар қандай оғир шароитда ҳам, тазйикли вазиятларда ҳам тушқунликка тушмаган ва ўзининг ҳақ эканлигини исботлай олган ватанпарвар инсонлардан эди.

Академик Восил Қобулов 2010 йилда 89 ёшида вафот этди.

2021 йил 6 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Восил Қобулов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Математиканинг бетакрор оламида» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

БАЙРОҚДОР СНАЙПЕР

«Мислсиз бу уруш инсон бошига нималарни солмади дейсиз! Миллион-миллион оилалар, «менман» деган йигитлар ҳаёт билан видолашдилар. Сон-саноксиз оилалар ё емирилди, ё аламда қолди. Қанчадан-қанча етим-есирлар...» [8, 5]. Ушбу сатр муаллифи Матёкуб Қўшчонов ўзи ёзганидек, Иккинчи жаҳон уруши даврида «гоҳ елкасида автомат, гоҳ қўлида снайпер милтиғи билан қарийб тўрт йил давомида бу жаҳаннам олови ичида жавлон урган эди».

Матёкуб Қўшчонов 1918 йилнинг 5 майида Туркманистоннинг Тошхөвүз туманидаги Катта Ҳалланг қишлоғининг бир қисми бўлган Зийлиги қишлоқчасида чўпон оиласида туғилди. Тўлиқсиз ўрта маълумот олгандан сўнг у Чоржўйдаги ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқийди. 1940 йилда қисқа муддат Тошкентдаги педагогика институтида таҳсил олади. 1942 йилгача Тошхөвүздаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

1942 йилда оддий мактаб ўқитувчиси Матёкуб Қўшчонов урушга сафарбар этилган. У 372-ўқчи дивизиянинг 38-полкида хизмат ўтади [9].

372-ўқчи дивизия 1941 йилнинг 25 сентябрида шакллантирилган ва шу йил ноябр ойида Волхов фронтининг 59-армияси таркибига киритилган эди. 1941 йил декабр ойида унинг бўлинмалари фронт олди чизиғида жойлаштирилган. 1942 йилнинг кузида ушбу дивизия Ленинград яқинидаги Синявино худудига жойлаштирилади ва Синявино операциясида фаол иштирок этади. Мақсад Ленинград қамалини ёриб ўтиш эди. Тарих саҳифаларига «Синявино операцияси» номи билан муҳрланган бу жанглар 1942 йилнинг 19 августидан 10 октябрга қадар давом этган. Бу Қизил Армиянинг Волхов ва Ленинград фронтларини Германиянинг «Север» («Шимол») 18-армиясига қарши қаратилган хужумкор операцияси эди.

Мазкур операция давомида совет қўшинлари Ленинград қамалини тўлиқ ёриб ўта олмаган бўлсалар-да, ўз хужумлари билан фашистларнинг «Шимол ёғдуси» (немисча «Nordlicht») код номи остида Ленинградни босиб олиш режасини амалга оширишга имкон бермаган ва немис қўшинларининг муҳим кучларини сиқиб қўйган эди. Бу билан Сталинград ва Шимолий Кавказни мудофаасига катта ҳисса қўшилган. Бу жангларда қанчадан-қанча оддий аскарларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Матёқуб Қўшчонов ҳам оддий аскар сифатида 1942 сентябрь ойида Волхов фронтининг Синявино ботқоқлиги, баъзан Синявино тепалиги деб номланган ҳудудда жанг майдонига кирди. Бу ердан 15-20 чақирим нарида фашистлар томонидан оккупация этилган Мга деган шаҳар бўлган. Ўнг томондан 5-10 км нарида Ладога кўли бошланган [8, 11]. Матёқуб Қўшчонов хотираларида келтирганидек, «урушнинг энг даҳшатли жанглари икки жойда кечган бўлса, бири шу ерда рўй берган эди. Бу ернинг ҳар бир ери учун жон олиб жон берилган. Шу боисданми тупроқ қонга белангандек қизғиш тусда кўринар эди. Оддий жангчилар орасида «Синявинская резня» (Синявинодаги қирғин) деган иборанинг кўп ишлатилиши ҳам бежиз эмас» [8, 48] эди.

Ҳарбий хизматнинг ҳар бири мураккаб, бироқ снайперлик улар орасида энг қийин турлардан саналади. Снайпер махсус жиҳозланган пана жой (позиция)дан туриб отади. Снайперлик ўқув, зийраклик ва диққатни талаб этади. Мерган беҳато отиши, ниқобланиши, кузатиш санъатини тўла ўзлаштирган бўлиши керак.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ фашистларнинг ҳамма жойда совет снайперларининг фаоллигидан шикоят қилишганлиги қайд этилган. Иккинчи жаҳон урушида снайперларга катта эҳтиёж бўлган эди. Қизил Армияга малакали снайперлар етказиш мақсадида 1942 йилда Москва остонаси (Подмосковье)да юқори малакали снайпер ўқитувчилари мактаби, 1943 йилда эса курсантлар учун уч ойдан олти ойгача Марказий снайперлар мактаби ўз фаолиятини бошлаган. Бироқ фронтдаги бирон бир ҳарбий кўмондон ўз аскарларини тайёрлов учун узок муддатга юбора олмас эди. Шу сабабли снайперлар шахсий таркибини марказлаштирилган тайёрлови билан бир қаторда, тўғридан-тўғри фронт чизиқларида снайперларни тайёрлаш ташкил этилади. Алоҳида натижаларни қўлга киритган снайперларни рағбатлантириш мақсадида 1942 йил 21 майда «Снайпер» кўкрак нишони жорий этилган.

Мерган мактаблари армия микёсида шарт-шароитлар ва жанговар вазиятга қараб, қисқа муддат билан шакллантирилган ҳамда жойларда тезкор равишда машқ майдонлари яратилган. Ўқув стандартларига қурол ва оптик нишонлардан фойдаланиш қоидаларини ўрганиш, нишонгача бўлган масофани тўғри аниқлаш, қуролнинг ҳолатини текшириш, нишонга олиш, ўқ отиш ва камуфляж учун позиция танлаш кирган. Аскарнинг соғлиғи, кўриш ва эшитиш қобилияти, нишонга аниқ отиши сифатлари эътиборга олинди, снайперликка даъво қилишига имкон берилган.

Оддий жангчи бўлган Матёқуб Қўшчонов бу воқеаларни шундай эслайди: «Бизга 20 кунлик снайперлар мактаби очилиб, бизни махсус қирувчи-снайперлар қилиб тайёрланишимизга эҳтиёж сезилаётганлиги айтилди... Бизнинг ўқишимиз бошқа ўқишларга ўхшамас эди. Қисқа муддат ичида Ладога бўйидаги пастқамлик бошланадиган тикка жарлик билан ўрмон орасидаги очикликда машқ майдони ясадик. Жар томонда симга боғланган одам шаклида мишенлар (ўқ отиш учун нишон - Н.М), улардан баъзилари тикка, баъзилари энкайган шаклда, баъзилари эса ётган ҳолда, ҳатто битта калла шаклида ҳам нишон ясалган эди. Навбатчи бу нишонларни ҳаракатга келтирар эди. Биз навбатма-навбат нишонларга ўқ узардик. Ҳар гал текширилиб, командиримиз томонидан баҳо қўйиб бориларди. Эрталабдан кечгача бу нишонларни ўққа тутиш бизнинг асосий машғулотимиз эди. Шундай ҳоллар ҳам бўлар эдики, кун билан отилган милтиқнинг акси зарби – «тепки» сидан ўнг елкамиз шишиб кетарди...» [8, 28].

Бу жараёнларга кўпчилик аскарлар дош беролмас эди. Бироқ М. Қўшчонов бу машғулотларни алоҳида ҳавас билан бажарар, нишонни тўғри олиши билан ажралиб турарди. Бунинг сабаби Матёқуб ёшлигидаёқ осмондаги қушни кўзидан урадиган овчи сифатида донг чиқарган уста мерган номини олганди.

Таркибда снайперлар алоҳида мавқега эга бўлган. Шунинг учун М. Қўшчонов ўзи ёзганидек, «снайперликка ўқишдан олдин командирлар томонидан ўзимга нисбатан бу даражадаги ҳурмат-эътиборни кўрмаган эдим» [8, 45]. У урушнинг охиригача фронтда моҳир мерган – снайпер сифатида фаолият кўрсатган. Бўлимдаги жангчилар уни «мерган командир» деб атай бошлаганлар [8, 22-23].

М. Қўшчонов ўз хизматдошлари билан ҳаётнинг ҳар бир дақиқаси хавф остида бўлган энг хавфли ҳудуд – жанг майдонининг олди чизигида бўлди. Унинг хотираларида шундай мисраларни ўқиймиз: «Биз жойлашган тепалик икки томоннинг бир-бирларига энг яқин нуқталаридан бири эди. Душман траншеяси билан бизнинг траншеяларимиз ораси атиги 50-66 метр келарди. Одатда бу хилдаги масофага қарама-қарши туриш мудофаада кам учрайдиган ҳол. Фашистлар қаттиқроқ гаплашса ё бир воқеа рўй бериб бир-бирлари билан жанжаллашиб қолишса, бемалол эшитилаверар эди» [8, 49] ёки «Кечқурун янги амбразурани (ўқ отиш учун тайёрланган махсус

жой) тайёр қилиб, узоқ вақт ухлай олмадик... биздан 15-20 км орқада Ладога кўли бўйлаб «тук-тук», «тук-тук» қилиб, Ленинград томон юк олиб ўтаётган поезд овозини ерга қулоқ солиб эшитар эдик. Узоқдан поезд томон катта тўпларда отаётган ва темир йўл атрофларида портлаётган снаряд овозларини эшитиб, фашистларни лаънатлардик» [8, 57].

Снайперларга нафақат оптикали милтиқлар, шунингдек бинокллар ҳам берилган. Улар душман позициясини ўрганишлари, вазиятга қараб нишонга олиб отишлари керак эди. Ўз навбатида кўплаб совет аскарлари фашист снайперлари ўқидан ҳалок бўлган эдилар. «Биз иштирок этган жангнинг қизиқ хислатлари бор эди. Биз кузатувчи эдик. ... Кононададан (турли катта қуроллардан тез-тез ўққа тугилиши назарда тутилган - Н.М.) кейин бизнинг ишимиз ўнг келди. Бузилган ертўлалар, емирилган траншея бўлимларида душманлар ивирсир, ўринларини тартибга солишга уринардилар. Биз эса бу ерда – бир чеккада туриб уларни мўлжалга олардик ... «эркин ов» қилиш билан банд эдик» [8, 49], деб хотирлаган эди М. Қўшчонов.

1943 йил январ ойида Волхов ва Ленинград фронтлари «Искра» номи остида хужум операциясини бошлади. 18 январь куни эрталаб Ленинград қамали бузилди [10]. Шундан сўнг, 372-дивизия Смердиня посёлкаси ҳудудига кўчирилади ва у ерда Волхов фронтининг 54-армияси таркибига киради. Дивизия 1943 йил ёзида Мгинск хужум операциясида қатнашган эди. Мгинск хужум операцияси - 1943 йил 22 июлдан 22 августгача Ленинград ва Волхов фронтларидаги совет кўшинларининг Германия 18-армиясига қарши ўтказилган хужумкор операцияси. Хужжатлар ва тарихий адабиётларда «Мга хужуми», «Мгинск операцияси», «Бешинчи Синявино хужуми», «Синявино операцияси», «Синявино-Мга операцияси», немис тарихий адабиётларида «Ладога кўлидаги учинчи жанг» номлари билан учрайди.

Матёкуб Қўшчонов бу жараёнларни шундай хотирлайди: «1943 йил. Бизнинг 372-дивизиямиз фронтнинг гоҳ у жойи, гоҳ бу жойида жангга кирарди. Баъзан жонли кучу қурол-аслаҳада анча йўқотишлар сабабли олдинги сафдан орқага олинарди-да, 5-10 кун йиғишга киришилди. Бир оз ҳордиқ чиқарилгандан сўнг яна жанг... » [8, 116], «1944 йил эрта баҳор кунлари бизнинг дивизиямиз Волхов томондан олиниб Новгород томонга ташланди. Олдимизда шиддатли жанглар борарди» [8, 122].

Дарҳақиқат, фаол жанговар ҳаракатлар натижасида Новгородни қуршаб олган душман гуруҳлари йўқ қилинади. 372-дивизиянинг қатъий ва тезкор ҳаракатлари, шахсий таркибнинг уюшқоқлиги ва интизомлилиги душманнинг олдинги чизигидан яширин тарзда ўтишини, чуқурликдаги кўрғонларининг вайрон қилинишини таъминлади. Новгородни озод қилишдаги иштироки учун 372-пиеда дивизиясига «Новгород» унвони берилган, кўплаб аскарлар ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган эдилар [11].

1945 йил бошларида М. Қўшчонов немис снайпери ўқидан яраланиб, анча муддат госпиталларда даволанади. Жанговар сафга қайтганида 372-дивизия узоқ шимол томон йўналтирилганлиги сабабли, қайта тақсимотга кўра у 1-Болтиқбўйи fronti таркибидаги 46-механизациялаштирилган танк бригадасига юборилади. 1-Болтиқбўйи fronti 1944-1945 йил баҳоригача Латвия ва Литва ҳудудидаги Курляндия ярим оролидаги душман қисмларини тор-мор этишга йўналтирилган эди. М. Қўшчонов зиммасига қисмнинг байроғини кўриқлаш топшириғи берилади. «Энди мен снайпер эмасман. Механизациялаштирилган қисмнинг оддий жангчиси, аниқроғи байроқдорларидан бириман. Снайперлигимни инобатга олиб, махсус оптикали милтиқ ҳам бериб қўйишган. Бироқ уни ишлатиш имкониятлари ҳадеганда бўлавермас эди. «Байроқдор снайпер» - бу менга қўйилган янги ном эди» [8, 129].

М. Қўшчонов Ғалаба кунини Латвия ҳудудида кутиб олди. Бир оз вақтдан кейин у қаттиқ иситмалаб ҳушдан кетади. Кўзини очганида оқ халатли доктор ва ҳамширалар қуршовида эди. Аввал Ригадаги, кейин Ленинграддаги госпиталларда даволанади ва II гуруҳ ногирони бўлиб ўз она-Ватанига қайтади.

Иккинчи жаҳон урушида чапдаст снайпер сифатида жанг қилган Матёкуб Қўшчонов жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди. У 1943 йил апрель–сентябрь ойларида 63 нафар душман аскар ва офицерларини йўқ қилди. Шундан қарийб «10 нафари Матёкуб аканинг қуролдош дўстларини отиб жаҳаннамга жўнатган, пихини ёрган душман снайперлари эди» [12]. Лейтенант М. Қўшчонов II-даражали Ватан уруши ордени, «Жанговар хизматлари учун», «1941–1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган [1, 96].

Она-юрт соғинчи, адабиётга бўлган меҳр жанговар муҳитда ҳам уни тарк этмади. У шундай қайд этган эди: «Ўқишдан чарчаганимда уйга ва дўстларимга хат ёзишга ўтирардим. Қўчма ҳарбий дўконларда одеколон олиб тўкиб ташлар эдимда, ўша дўконладна олинган куруқ сиёҳни эритиб, ёғочдан оғзига тиккич ясаб, сиёҳдон ясаб ва оддий перо илинадиган ручкани унга ботириб, ҳарбий блокнотларга фронт таассуротларимни ёзишга киришар эдим. Улардан баъзилари ханузгача сақланган» [8, 40].

Ушбу таассуротлар кейинчалик унинг «Тепки босилди... Снайпер хотиралари» китобидан жой олди. Асарда Синявино тепаликларида жангчиларнинг бошдан кечирган машаққатли кунлари, ички кечинмалари «оддий аскар» тилидан ҳикоя қилинганлиги билан аҳамиятли. Ушбу китобнинг бош ғояси «Тепки қайта босилмасин, яна снарядлар портламасин, қайтиб миналар ёрилмасин, бомбалар бошимизга ёғилмасин, қитъалар, океанлар писанд бўлмаган ракеталар жойларидан кўзгалмасин! Мана кечаги оддий жангчи нидоси, тўрт йиллик уруш сабоғи!» эди.

Ҳаёт-мамот жангидан қайтгач, *Матёқуб Қўшжонов* Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ўқишга кириб, 1950 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. *У иккинчи жаҳон урушида снайпер – мерган сифатида иштирок этган бўлса, илм йўлини танлаб, ўзбек адабиётида ўз мавқеи ва аниқ нишонга бориб уриладиган сўзига эга*, адабий танқид соҳасида ўткир қалами, янги мавзулари, оригинал ёндашувлари билан ажралиб турувчи *моҳир адабиётшунос олим бўлиб етишди*. 50 дан ортиқ китоблар ёзди.

Матёқуб Қўшжоновнинг асосий илмий ишлари XX аср ўзбек адабиётининг ривожланиш тамойиллари, адабий танқид ва адабиётшунослик методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ва ёзувчи маҳорати масалаларига бағишланди. У адабий доираларда «адабиётнинг жонкуяри» деб ном қозонди. 1982 йили Матёқуб Қўшчонов Чўлпон, Фитрат ижодини, жадидчилик ҳаракатини ўрганиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун «миллатчи олим» сифатида қаттиқ таъкиб остига ҳам олинган эди.

Матёқуб Қўшчонов 1975-1986 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти директори лавозимида ишлади. 1986 йилдан умрини охиригача мазкур институтда етакчи илмий ходим ва илмий маслаҳатчи бўлиб фаолият юритди. 1972 йилда филология фанлари доктори илмий даражасига, 1978 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонига эга бўлди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиклигига сайланди.

Матёқуб Қўшчонов 2005 йил 16 августда Тошкент шаҳрида 87 ёшида вафот этди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев ҳар йили 9 май – Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюрар эканлар, «Бундай дамларда қахрамон ота-боболаримиз хотирасини ёдга олиб, уларнинг жасорати олдида таъзим қиламиз. Уларнинг тинчлик ва озодликка бағишлаган серқирра ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган буюк меросдир», - деган фикрларни кўп маротаба такрорлайдилар. Зеро, бугунги таҳликали замонда ҳар биримиз юртимиздаги дориломон кунларнинг қадрига етиб яшамоғимиз керак. Инсонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ёнма-ён тараққиёт сари интилишлари асосий мақсадга айланиши даркор. Сўнгги сўз ўрнида академик *Восил Қобуловнинг «Дўстим Матёқубга мактуб»* мақоласидаги сатрларни келтириш ўринли: «Биз – фронт катнашчилари ҳаёти ҳеч вақт осон ўтмаган, эҳтимол, бу синовларга фронтларда олинган сабоқлар воситасида бардош берармиз...

...Ҳақиқатан ҳам, ўша жойларда инсон қалбининг олийжаноб қирралари очиларди, фронтдагилар бир-бирларига одамшинавандалик билан муносабатда бўлмасалар ҳаёт ўчмас, ҳеч ким миллатга, ҳеч ким қаердан келганига караб ўтирмас, балки жангу жадалда ёнма-ён туриб бардош беришга интилар эди. Шунинг учун бўлса керак, мен ҳозир ҳам ўзимни фронтда, деб ҳис қиламан ва атрофдагиларга ўша вақтлардаги каби ҳамкорлар, деб қарашга ҳаракат қиламан. Фикримча, халқимизнинг ҳозирги ҳар бир ҳалол одами арзимаган ғаразларни четга суриб қўйиб, иттифоқ бўлиши ва халқимиз фаровонлиги йўлида бирга курашиши керак» [6].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдухалимов Б., Сағлуллаев К. Жанг майдонларида олимларнинг жасорати// O'zbekistonda ijtimoiy fanlar. 2020 йил №1-2.
2. Илмга бахшида ҳаёт. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Восил Қобуловнинг 100 йиллигига бағишланади. Тошкент, 2021.
3. Сталинградская битва// URL:<https://www.may9.ru/history/articles/stalingradskya-bitva>
4. URL:https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11333818@cmsArticle
5. URL:<https://www.moypolk.ru/soldiers/kabulov-vasil-kabulovich> ерпп
6. *Академик Восил Қобулов. Дўстим Матёкубга мактуб* // URL:<https://kh-davron.uz/yangiliklar/vosil-qobulov-dostim-matyoqubga-maktub-bahodir-karim-ijodi-ham-hayoti-ham-ibrat.html>.; **Ушбу** мактублар «Ёзувчи» газетасининг 1999 йил, 24 феврал сониди босилган.
7. Қўшжонов М. Дийдор: Улуғлар билан ўтган онларим... Тошкент, 2004. – 302-бет.
8. Қўшчонов М. Тепки босилди. Снайпер хотиралари. Тошкент, 1990. 5-бет.
9. Феськов, В.И. Красная Армия в победах и поражениях 1941-1945 гг. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2003. - 620 с.
10. 372-я стрелковая Новгородская Краснознаменная дивизия// URL:http://altaikdm.ru/battle_path/html/bw-372.html
11. Боевые действия стрелкового батальона. Сборник боевых примеров из Великой Отечественной войны. – М.: Воениздат, 1957. – 192 с.
12. Иккинчи жаҳон уруши. Ўзбекистон. Жасорат солномаси (9-қисм) URL:<https://uza.uz/uz/posts/ikkinchi-zha-on-urushi-zbekiston-zhasorat-solnomasi-9-ism-08-11-2019>

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР САНЪАТИДА ҲАРБИЙ САФАРБАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ

Севара Пулатова

Алфраганус университети профессори

Аннотация. Начало Второй мировой войны потребовало резкого пересмотра деятельности художников и творческих сообществ. Наряду со всем народом Узбекистана творческая интеллигенция республики внесла достойный вклад в победу над фашизмом. В статье анализируются процессы военной мобилизации в театральном искусстве, в том числе деятельность театральных коллективов, работавших в Узбекистане в годы войны, военная мобилизация в этих театрах, проделанная в этом направлении работа – обновление и обогащение репертуара новыми пьесами в соответствии с военным периодом, деятельность эвакуированных в Ташкент театров, а также вопросы взаимного сотрудничества с местными театрами.

В ходе подготовки статьи были использованы диалектический, системный, ретроспективный методы, а также устный опрос.

Ключевые слова: Вторая мировая война, Узбекистан, эвакуация, художественный театр, военная мобилизация.

Abstract. The outbreak of World War II required a dramatic rethinking of the activities of artists and creative communities. Along with the entire people of Uzbekistan, the creative intelligentsia of our republic made a worthy contribution to the victory over fascism. The article analyzes the processes of military mobilization in theatrical art, including the activities of theater groups that worked in Uzbekistan during the war, military mobilization in these theaters, the work done in this direction - updating and enriching the repertoire with new plays in accordance with the war period, the activities of evacuees to Tashkent theaters, as well as issues of mutual cooperation with local theaters.

During the preparation of the article were used dialectical, systematic, retrospective methods, as well as an oral survey.

Key words: World War II, Uzbekistan, evacuation, art theater, military mobilization.

КИРИШ

Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши кураши - XX асрда Ўзбекистон тарихининг энг драматик саҳифаларини ташкил қилади. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши жанглариининг 1941 йилда Совет Иттифоқи чегараларига томон силжиши давомида бутун ўзбек халқининг босқинчиларга қарши ҳаёт-мамот курашига кизғин сафарбарлик йиллари бўлди. Республиканинг таниқли ижодкор зиёлиларидан тортиб, хаваскор санъаткорларигача фронт ва фронт ортида ўз санъатлари воситасида бутун Ўзбекистон халқи билан бир сафда туриб фашизм устидан ғалабага ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Уруш санъаткорлар ва ижодий жамоалар фаолиятини кескин равишда қайта кўриб чиқишни талаб этарди. Шундай бўлди ҳам. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ «Ҳамма нарса ғалаба учун» шиори ижодкор зиёлиларнинг ҳаёти ва ижоди мазмунини белгилаб берди. Санъаткорлар, фронтдаги жангчилар, шакллантирилаётган ҳарбий қисмлар, госпиталлар, ҳарбий хизматга чақирув пунктлари, қишлоқ хўжалигида йиғим-терим кампаниялари иштирокчилари, халқ қурилиши ва ҳарбий иншоотлар қурилишларида халқ хизматида бўлиб, Ўзбекистон санъат намоёндалари олдида зудлик билан халқимизни ҳақ иш учун жангга чорлайдиган, ватан озодлиги

учун курашда унинг муқаррар ғалабага ишончини мустаҳкамлаш, синовли кунларда халқимизга маънавий мадад бериш вазифаси қўйилди. Ижодкор зиёлилар, санъаткорлар қисқа фурсат ичида ўз репертуарларини давр талабига қўра ҳарбий мавзуни акс эттирган асарлар билан бойитишга, санъатни оммавийлашувига хизмат қиладиган янги шакл ва мазмун билан қамраб олишга, агитбригадалар ташкил этиб, янги номерлар тайёрлашга киришдилар. Ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш эса Ўзбекистон ССР ХКС қошидаги Санъат ишлари бўйича Бошқармага топширилди.

Санъат турлари орасида халққа таъсири жиҳатидан энг муҳим деб қаралган театр санъатида ҳам бу даврда унинг ривожини учун бекиёс аҳамиятга молик жараёнлар кечди. Ва айтиш лозимки, Москвадан ва республика расмий идоралари томонидан санъат соҳаси ва айниқса, театрлар фаолиятини бошқариш қаттиқ назоратга олинди. Ўзбекистон давлат Миллий архиви фондларида сақланаётган ҳужжатлар мазкур жараённинг боришини хронологик тарзда тиклаш ва ўрганиш имкониятини беради.

Мавзу доирасида ўрганилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, 1941 йилнинг июль ойиданоқ Ўзбекистон театр санъати олдига қўйилган биринчи масала-жуда қисқа муддатларда ҳарбий сафарбарликка мос янги репертуар яратиш бўлди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Кенгаши ҳузуридаги Санъат ишлари бўйича Бошқарма (кейинги жойларда Бошқарма) фаолиятига тегишли фонд ҳужжатлари билан танишиш давомида маълум бўлдики, мазкур ташкилот Ўзбекистон театрларида сафарбарлик жараёнини бевосита бошқарган ва ишни қоникарсиз деб топган вақтларда кескин чоралар қўллашгача борган. Театр репертуарларини ҳарбий сафарбарлик қайта шакллантиришни жуда қисқа муддатда амалга ошириш - асосий талаб бўлиб, 1941 йилнинг 18 июлида Бошқарма коллегиясида муҳокама қилинган Молотовнинг театрлар фаолиятини урушга сафарбарлик билан боғлиқ қайта қуриш ҳақидаги маърузаси бу ишларни жадаллаштириш учун асос бўлган. Айнан шу йиғилишда Ўзбек опера ва балет театрининг мазкур йўналишда олиб бораётган ишлари жуда қаттиқ танқид қилинган. 1941 йилнинг 19 июлида эса ушбу театрнинг умумий мажлисида театр директори ишдан олиниб, театрнинг бадиий раҳбари ва мутасаддилар қаттиқ огоҳлантирилган, театрнинг етакчи артистлари ҳам сусткашликда айбланган. Мазкур йиғилишда фаолиятига билдирилган эътирозларга жавобан, СССР Халқ артисти Халима Носирова, 1936 йилдан буён кунига 10-12 соатлаб ишлаётгани, шундай бўлсада, эндиликда бундан ҳам кўпроқ ишлашини, 10 кун ичида ҳарбий мавзуда янги қўшиқлар тайёрлаб, репертуарини бутунлай янгилашини билдиради. Ёзувчи Лохутий ва бошқалар қисқа муддатда янги асарлар яратиб, 10 кун ичида муҳокамага тақдим этишларини билдиришади. Ашрафий таклифининг муҳокамаси натижасида театрда ҳар бирида композитор, шоир ва етакчи артистлардан ташкил топган иккита бригада ташкил қилиниб, уларнинг олдига 20 июлдан 1 августга қадар янги репертуар яратиш вазифаси қўйилади. Шу кундан бошлаб театрда спектакллар намойиши 10 кунга тўхтатилиб, бутун эътибор янги репертуар яратишга қаратилди. Бундан кейин спектакллар ўрнига концертлар қўйилиши билдирилди.

Шуниси эътиборлики, қўйилаётган жиддий вазифаларга жуда оз вақт ажратилар ва унинг бажарилиши қатъий назоратга олинар эди. (Муддатида бажарилмаган тақдирда эса масъуллар жазоланган).

Юқорида театрлар фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатилгани ҳақидаги фикр қуйидаги ҳужжат яна бир қарра тасдиқлайди:

1942 йилнинг 7 августидан СССР ХКС ҳузуридаги Санъат ишлари бўйича Бошқарманинг 300-сонли буйруғида билдирилишича, рус тилидаги кўп пардали ва бир пардали барча пьесалар Москвадаги Репертуарлар ва томошаларни назорати бўйича Бош Бошқарманинг (Кейинги жойларда РНББ) руҳсати билангина кўрсатилиши белгилаб берилган.

Эстрада ва цирк учун адабий ва мусиқали асарларга эса бир ой муддатгача РНББнинг жойлардаги вакиллари томонидан руҳсат берилиши ва ушбу қарорни тугал тасдиқлаш учун зудлик билан Москвага юборилиши, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиё республикалари учун эса Томск шаҳридаги Вакилга юборишлари белгилаб берилган эди.

Уруш бошланиши билан собиқ Иттифокнинг барча театрларида бўлганидек, Ўзбекистон театрлари репертуарларидан урушга сафарбарлик ва ватанпарварликка алоқадор замонавий ва тарихий мавзулардаги спектакллар асосий ўринни эгаллади. Урушнинг дастлабки ойларида театрлар ва концерт ташкилотларининг репертуарига маълум маънода схематиклик хос бўлса-да,

1942 йилга келиб, кескин ўзгариш юз беради: театр сахналаридан тўлақонли спектакллар, кўшиқлар, шеърлар ижро этила бошлади.

РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ТЕАТРАРИ

Қуйида республика театрларига кўра репертуар қай тарзда шаклланиши ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот келтирилган:

Ҳамза театри. 1942 йил давомида «Ҳамза» (муаллифлар К. Яшин, А. Умарий), «Олеко Дундич» – (Кац ва Ржешевский), «Босқинчиларга ўлим» - Ясчен, «Бургутнинг парвози» – (И. Султон) каби спектакллар ҳисобига репертуар кенгайиб, спектаклларнинг ғоявий ва бадиий савияси ҳам кескин бурилиш содир бўлди. Мудофаа театри репертуаридаги - : - режиссёр Каюмов сахналаштирган «Олеко Дундич» ва режиссёр Берсенев ва Турдиев томонидан сахналаштирилган «Бургут парвози» ва режиссёрлар Михоэлс ва М. Уйғур томонидан сахналаштирилган «Муқанна» спектакллари ватанпарварлик руҳидаги асарлар орасида энг муваффақиятлилари деб ҳисобланган.

Ўзбекистон Давлат Опера ва балет театрида «Даврон-ота» (Т. Содиқов, Козловский мусикаси), «Шерали» (М. Ашрафий ва Василенко мусикаси) мусикали драмалари, «Ўзбекистон қиличи» (Т. Содиқов, М. Бурхонов, Т. Жалилов, Вайнберг ва Клумов мусикалари) ва «Улуғбек» операси (Козловский мусикаси) сахналаштирилган. Улар орасида М. Муҳамедов томонидан сахналаштирилган ва ватанпарварлик, ватан мудофааси мавзусига бағишланган «Ўзбекистон қиличи» спектакли айниқса муваффақиятли деб топилган. Айтиш лозимки, «Ўзбекистон қиличи» мусикали драмаси бир қатор вилоят театрларида ҳам сахналаштириб, томошабинларга тақдим этилган. Кейинчалик Опера театри сахнасида янги «Улуғбек» операсининг яратилиши эса опера санъати ривожига муҳим воқеа бўлган, дейиш мумкин. Опера ва балет театрида С. Василенко мусикасига Ф. Лопухов томонидан сахналаштирилган кейинги балет «Оқбилак» спектакли бўлди.

Урушнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Давлат Опера ва балет театрида, шунингдек, яна бир қанча спектакллар сахна юзини кўрди:

«Она» – (Миртемир ва Смирнов либреттоси, Козловский, Т. Содиқов.

«Кармен» (Миртемир таржимаси ва либреттоси).

«Баҳром ва Дилором» (К. Яшин либреттоси, Т. Жалилов ва А. Козловский мусикаси).

«Таробий» (Ойбек либреттоси, Чишко мусикаси).

«Фарҳод ва Ширин» /опера версияси / (Хуршид либреттоси, Успенский ва Мушель мусикаси).

Шунингдек, Ўзбекистон Давлат Опера ва балет театрида «Лайли ва Мажнун» (Глиэр ва Т. Содиқов мусикаси) ҳамда «Буюк канал» опералари (Василенко ва Ашрафий мусикаси) қайта сахналаштирилди.

Муқимий номидаги Ўзбек мусикали драма ва комедия театрида «Беш сўмлик келин» (Урдобади асари, Рустамов мусикаси), «Майсара» (Ҳамза асари, Т. Жалилов мусикаси) ҳамда аввал театрда сахналаштирилган «Тоҳир ва Зухра» мусикали драмаси қайта сахналаштирилган. Таъкидлаш лозимки, шу йилларда Муқимий номидаги Ўзбек мусикали драма ва комедия театри спектакллари халқ орасида оммалашган бўлиб, томошабин уларни яхши қабул қилиб олган. Шуниси ҳам аҳамиятлики, Муқимий театри республикада биринчи бўлиб ўзбек халқининг муносиб фарзандларини Иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонликлари ҳақидаги асарларни «Қурбон Умаров», «Қасос» спектакллари намойиш этган. Бироқ уруш даври Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Санъат ишлари бўйича Бошқарманинг расмий ҳисоботларида Муқимий театрида «Тоҳир ва Зухра» спектаклини қайта сахнага олиб чиқиш ишларининг олиб борилиши билан боғлиқ ҳолда мудофаа-ватанпарварлик мавзуларида спектаклларни яратиш бўйича ишлар бирмунча заифлашгани қайд этилади.

Янгийўлдаги Ўзбек Давлат мусикали драма ва комедия театри. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ташкил этилган бўлиб, театр учун кадрлар сафига асосан колхозлардаги ҳаваскорлик фаолияти билан шуғулланиб, элга танилган энг яхши ижодий кучлардан жалб қилинган. Кейинчалик эса театр таркиби профессионал актёрлар билан тўлдирилган. Қисқа вақт ичида театр жамоасини яратишда маълум муваффақиятларга эришилган. Мазкур театрда режиссёр Ўзбекистон ССР Халқ артисти Е. Бобожонов, бастакорлардан Ю. Ражабий ва бошқа етук ижодкорлар фаолият олиб бордилар. Режиссёр ва театр жамоаси ўртасидаги мустаҳкам ижодий алоқанинг ўрнатилиши туфайли «Тоҳир ва Зухра» спектаклининг юқори даражада сахналаштирилишига асос бўлди. 1942

йилнинг 1 майига қадар театрнинг қишки хонаси фойдаланишга топширилган. Театрда ижодий ишчилар учун малака ошириш курслари ташкил этилиб, бунинг учун тахминан 150 минг рубл ажратилган. Мазкур курсларда умумий таълим ва махсус фанлар ўқитилган. Урушнинг дастлабки йилларида иш вақтининг ярмидан кўпи таълим олишга бағишланган.

Охунбобоев номидаги ўзбек ёш томошабинлар театрида бир қатор ҳарбий ватанпарварлик спектакллари сахналаштирилган: «Бизнинг жангчи» (Ш. Саъдулла асари), «Босқинчилар» (Балобанов асари), «Катта оила» Рўзиметов, Бородин, Алибегова асари), «Ёрилтош» - (Ш. Саъдулла асари) шулар жумласидандир. Бироқ, пьесалар ҳам, сахна кўринишлари ҳам ғоявий ва бадиий даражаси паст бўлиб, нуқтаи назардан талабга жавоб бермас эди. Шу сабабдан Ўзбек ёшлар театри фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳукуматнинг ёшлар театри фаолияти тўғрисидаги махсус қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Аввало театрнинг бадиий ва маъмурий бошқаруви мустаҳкамланиб, Ўзбекистон Халқ артисти Сора Эшонтўраева театрга бадиий раҳбар этиб тайинланган. Истеъдодли ёшлардан 50 кишини театрга қабул қилиш ҳисобига театрнинг ижодий таркиби кучайтирилган. Жамоа аъзоларига таълим беришни ташкил этиш учун маблағлар ажратилган ва умумий таълим ва махсус фанларни ўқитиш жорий этилган. Болалар учун эса мактаб-интернат ташкил этилган.

РЕСПУБЛИКА РУС ТЕАТРАРИ

М. Горький номи Давлат рус драматик театри «Рус одамлари» (К. Симонов), «Олеко Дундич» - (Кац ва Ржешевский), «Москвичка» (Гусев), «Ҳамиша сиз билан» (Ржешевский), «Босқинчилик» – (Леонов) каби замон билан ҳам оҳанг мавзулар акс этган пьесаларни сахналаштириб, театр жамоаси юқори даражада ижро этди. «Олеко Дундич» спектакли Ўзбекистон ССР ҳукуматининг махсус қарори билан таъкидланди. Бироқ, театрда бадиий раҳбар ва малакали сахналаштирувчи режиссёрнинг йўқлиги театр фаолиятида акс этган. Шу сабабли, театр четдан мутахассисларни жалб этишга мажбур бўлган (Бирмин, Власов, Гиацинтова).

Свердлов номи Давлат рус опера ва балет театри қатор спектаклларни сахналаштирган: «Суворов» (Василенко мусиқаси), «Корневил кўнғироқлари» (Планкет мусиқаси) ва «Муз жанги» (Г. Таранов мусиқаси). Шунингдек, «Князь Игорь» ва «Севильялик сартарош» қайтадан сахналаштирилди. «Суворов», «Муз жанги» каби ватанпарварлик руҳидаги спектакллар театрнинг юқори ижодий имкониятларидан далолат берди. Бироқ, бу театрда ҳам бадиий раҳбарнинг йўқлиги театрнинг барча бадиий ишларининг сифатига таъсир қилди.

Давлат рус Оперетта театри 1942 йилда қуйидаги оперетталарни сахналаштирди: «Колумбина», «Май кечаси», «Розмари», «Чапаев кунлари», «Келинлар ярмаркаси», «Цирк маликаси». Ўша йиллари оперетта театрининг репертуарида даврнинг долзарб мавзуларига бағишланган асарларнинг йўқлиги туфайли танқид қилинган ва жамоанинг бу турдаги ижодий йўналишларини жонлантириш учун бадиий раҳбар сифатида 1943 йил апрель ойида режиссёр Донатов тайинланган.

Бу театрлар билан бир қаторда вилоят, шаҳар ва колхоз театрлари ҳам хизмат кўрсатиб, худудларда самарали фаолият олиб борганлар.

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР ТЕАТРАРИ

Иккинчи жаҳон уруши даврида вилоят ва шаҳар театрлари Ўзбекистоннинг қуйидаги шаҳарларида мавжуд эди:

1. Самарқанд бирлашган вилоят театри. Самарқанд. (Россия ва Ўзбекистон секторлари).
2. Фарғона ўзбек мусиқали драма театри.
3. Қўқон мусиқа ва драма театри.
4. Каттакўрғон рус драматик театри.
5. Андижон ўзбек мусиқали драма театри.
6. Уйғур драма театри (Андижон).
7. Наманган ўзбек мусиқали драма театри.
8. Бухоро ўзбек мусиқали драма театри.
9. Қарши ўзбек мусиқали драма театри.
10. Термиз ўзбек мусиқали драма театри.

11. Урганч ўзбек мусиқали драма театри.
12. Станиславский номидаги Қорақалпоқ Театри (Нукус).

Бу театрлар асосан республика марказий театрлари репертуарини такрорлаганлар. (Бироқ «Ҳирод спектрини чиқаришга тайёргарлик»ни яратишга муваффақ бўлган Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театри ҳамда «Шоҳсанам», «Нодира» спектакллари сахналаштирилган Фарғона ўзбек мусиқали драма театри бундан мустаснодир).

Урушнинг дастлабки йилларида қатор вилоят театрлари ўзларининг шахсий таркибини сезиларли даражада мустаҳкамлаб, айниқса ҳарбий-ватанпарварлик спектаклларининг ғоявий ва бадиий даражасини оширишга муваффақ бўлганлар. Ушбу спектаклларнинг мусиқий қисмига жиддий эътибор қаратилгани боис кўшиқчиларнинг янги кадрларига эҳтиёж ортган. Шунингдек, бир қатор театрларнинг ҳам мусиқий драмалар ва мусиқий комедиялар жанридаги спектакллар қўйишга ўтишлари кузатилиб, бу ҳам жамоани мазкур асарлар учун мос ходимлар билан тўлдириш масаласини қайта кўриб чиқишни тақозо этган.

Шуни таъкидлаш керакки, республиканинг барча вилоят ва шаҳар театрларида миллий кадрлар, айниқса театрнинг бадиий раҳбарлари ва режиссёрларнинг кескин етишмаслиги уларнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, вилоят санъат бўлимлари томонидан театрларнинг ижодий ишларига етарлича эътибор қаратилмагани ҳам маълум. Бунинг асосий сабабларидан вилоят санъат бўлимларининг сон жиҳатдан чекланган ходимлари, кичик маош белгиланган вилоят бўлимларига малакали мутахассисларни ишлашга таклиф қилишга имкони йўқлиги эди. Ушбу ҳолат республиканинг айрим, жумладан, Термиз ва Хоразм вилоят ва шаҳар театрларининг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Шу ўринда айтиш лозимки, 1944 йилга келиб, Тошкент вилояти Санъат бўлими фаолиятини тиклаш бўйича ҳаракатлар бўлиб, юқори партия ташкилотларига кўп мурожаатлар қилинган. Сабаби, бадиий хаваскорлик ривожланиб, уни бошқариш масаласи юзага қелган, бунинг устига Тошкент вилоятидаги Орджоникидзе районидаги Ўзбек колхоз театри, Ўрта Чирчиқ районидаги Корейс колхоз театри, Пискент колхоз театри, Ўрта Чирчиқ районидаги Қозоқ мусиқа ва рақс ансамбли, Фарход қурилишидаги вилоят театрларининг фаолиятини бошқаришни яхшилаш зарурияти ҳам ушбу мурожаатларга асос бўлган.

КОЛХОЗ ТЕАТРАРИ

Иккинчи жаҳон уруши даврида колхоз театрлари тармоғи, аввалги даврларга қараганда сезиларли даражада қисқарган. Бунинг сабаби, ушбу театрларнинг энг қобилиятли актёрлари вилоят, республика ва янги ташкил этилган театрларга ўтказилиши бўлди. (Жумладан, Янгийўл Республика Театри, Сўх колхоз театри ва бошқ.). Армия сафига чақириш ҳам колхоз театрлари актёрлари контингентининг камайишига жиддий таъсир қилди. Шунинг учун ҳам колхоз театрларининг аксарияти бир пардали спектакллар яратишга ва асосан концерт репертуарига ўтишга мажбур бўлганлар. Баъзи ҳолларда колхоз театрлари ўз фаолиятини сақлаб қолиш мақсадида бирлаштирилган. (Масалан, Самарқанд, Бухоро ва Андижон вилоятларида бўлгани каби).

1942 йилга келиб, колхоз театрлари Ўзбекистоннинг қуйидаги туманларида мавжуд бўлган:

1. Жиззах колхоз театри (Жиззах).
2. Пойариқ театри (станция Чилек).
3. Катта-Қўрғон театри (Катта Қўрғон).
4. Каганович театри (Яйпан тумани маркази).
5. Куйбишев театри (станция Кулранг).
6. Ленинск театри (Ленинск).
7. Избосган театри (станция Байток).
8. Чуст театри (станция Чуст).
9. Ғиждувон театри (Ғиждувон).
10. Шахрисабз театри (Шахрисабз шаҳри).
11. Хива театри (Хива шаҳри).
12. Тоғли Сўх театри (Риштон станцияси).
13. Корейс театри (Ўрта Чирчиқ тумани, қишлоқ Бектемир).

Айниқса, республикада ягона бўлган корейс колхоз театри фаолиятини алоҳида таъкидлаш керак. Бу театр қатор корейс колхозларига хизмат кўрсатиш баробарида муҳофа ва тарихий мавзуда сифатли ишларни саҳналаштирган. Жумладан, «Партизанлар» (Каплер) ва «Хонг-Гортон» (Кичери) асарлари шу асарлар сирасидан.

Ўзбекистон театр санъатида ҳарбий сафарбарликка таъсир қилган жараёнлардан бири – фашистлар босиб олган ёки босиб олиш хавфи бўлган ғарбий ҳудудлардан Ўзбекистонга кўплаб театрлар кўчириб келтирилиши бўлди. Бу театрларнинг Ўзбекистон шаҳарларида жойлаштириш ва тезликда ўз фаолиятини бошлаши учун зарур имкониятлар яратилди.

Бу йилларда Ўзбекистонга эвакуация қилинган қуйидаги театрлар фаолият юритдилар:

1. Москва Революция театри (Тошкентда).
2. Москва давлат яҳудий театри (Тошкентда).
3. Харьков яҳудий театри (Самарқандда).
4. Шевченко номидаги Украина Харьков театри (Фарғонада).
5. Харьков рус оперетта театри (Термизда).
6. Маяковский номидаги Славян рус театри (Андижонда).
7. Украина Добасс театри (Қорақалпоқ АССРда).
8. Шевченко номидаги Украина Днепропетровск театри.

Бундан ташқари, Тошкентга Украинанинг Киев Франко номидаги академик драма театри эвакуация қилинди.

Бир неча театрлар Ўзбекистонга вақтинчалик эвакуация қилиниб, маълум муддат фаолият кўрсатгач, республика ҳудудидан чиқиб кетган. Булар:

1. Ленин комсомоли номидаги Москва давлат театри.
2. Москва қўғирчоқ театри.
3. Ворошиловград театри.
4. Арбузов номидаги Москва театр студияси.
5. Станиславский номидаги театр студияси.
6. Горький номидаги Ростов драма театри.

Тошкентга эвакуация қилинган Москва Революция театри томонидан қайтадан тикланган «Москва баҳори», «Таня», «Охурдаги ит» ва «Карьера санъати» каби спектаклларида ташқари, 1942 йилдан бошлаб янги саҳналаштирилган «Шон ҳайвонлари» пьесалари (режиссёр Маёров), «Москва кечалари» (режиссёр Власов), «Фронт» (режиссёр Маёров), «Бир қиз бор эди» /«Москвалик қиз»/ (режиссёр Гусев) спектакллари жамоатчиликнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

1942 йилда Москва давлат яҳудий театри Маркиш Перецнинг ҳимоя-ватанпарварлик мавзусидаги «Жонга жон» спектаклини ва Ш. Алейхемнинг «Сехрланган тикувчи» асарини саҳналаштирди. Москвадан эвакуация қилинган мазкур театр оғир шароитларга қарамай, ўзининг аввалги репертуарини қайта тиклашга муваффақ бўлди ва тамошабинларга «Қирол Лир», «Соғувчи Тевье», «Суламифь» ва бошқа асарлар намойиш қилинди. Мазкур театр жамоаси эвакуация қилинган театрлар орасида биринчилардан бўлиб, ўзбек драматургларининг асарларини саҳналаштирди. Бу К. Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» спектакли бўлди.

Ленин комсомоли театри ўзининг аввалги спектакллари қайта тиклашдан ташқари, янги асарлар - «Фронт», «Тириklar куни», «Буюк умидлар» спектакллари ҳам саҳналаштирди. Эвакуация қилинган театрлар орасида Ленин комсомоли театрининг иши айниқса самарали бўлган: театр ўзининг барча спектакль ва ижодий ишлари билан бутун фаолиятини давом этаётган уруш муҳитига мувофиқ қайта ташкил этишга муваффақ бўлган ва энг яхши театр жамоаларидан бири сифатида эътироф этилган. Мазкур театр Ўзбекистон ҳукуматининг юксак баҳосига сазовор бўлган.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Санъат ишлари бўйича Бошқарманинг 1941 йил 20 августидаги йиғилиш протоколидан жуда қисқа муддатларда даврнинг қаҳрамонона руҳини акс эттирувчи 2-3та опера ёки мусиқавий драматик асар яратиш зарурати билдирилиб, 25 августга қадар, яъни 5 кун муддат ичида яратилажак либретто мавзусини аниқлаш учун қуйидаги таркибда ижодий бригадалар ташкил қилинган:

1. Яшин, Глиэр, Содиқов.
2. Миртемир, Успенский, Мушель.
3. Ойбек, Ашрафий, Василенко.

4. Амин Умари, Туйгун, Ю.Ражабий, Надеждин.
5. Хамид Гулом, Басит Халилов, Бурхонов.
6. Герус, Козшевский.

Мазкур бригада таркибидан ҳам маълумки, 1941 йилнинг август ойлариданоқ ўзбек санъат усталарининг эвакуация қилинган ҳамкасблари билан биргаликда ижод қилишлари йўлга қўйилган.

Албатта, бу ижодий ҳамкорлик самарали кечиб, санъаткорларимиз тез фурсатларда ҳарбий сафарбарликка мувофиқ келадиган янги репертуарни яратиш бўйича бор кучлари, истеъдодларини сафарбар қилиб, кеча кундуз меҳнат қилганлар ва натижада давр руҳини акс эттирган ажойиб асарлар яратилган.

Юқоридаги театрларнинг Ўзбекистон ижодий ҳаётидаги ижобий ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, кўчириб келтирилган театрларнинг рус, украин, белорус санъат усталари ўз жамоаларидаги фаолиятларидан ташқари, маҳаллий театрлар билан самарали ҳамкорлик қилиб, республикамиз ҳаётида фаол иштирок этдилар. Ҳамкорлик самараси сифатида қуйидаги асарлар яратилди:

Ҳамза номли ўзбек драма театри режиссёри А. Турдиев ва Ленин комсомоли номидаги Москва театри бош режиссёри Берсенев сахналаштирган «Бургут парвози» спектакли, Бирман Республикасида хизмат кўрсатган артист - Горький театрида - «Босқин». СССР халқ артисти – Михоэлс Ўзбек опера театрига бадиий раҳбар этиб тайинланди ва режиссёр Уйғур билан биргаликда Ҳамза номидаги академик драма театрида Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» спектаклини сахналаштирди. Режиссёр Власов Горький номли театрида «Ҳар доим сен билан» спектаклини сахналаштирган. Юқоридаги театрларнинг Ўзбекистон ижодий ҳаётидаги ижобий ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон театр санъатида ҳарбий сафарбарликнинг яна бир намоёни бу фронтга концерт ва томоша бригадаларининг юбориши бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, артистлар фронтларда жуда оғир шароитларда, баъзан белгиланган муддатдан кўра ортиқроқ давр мобайнида хизмат қилишларига тўғри келган. Масалан, Ўзбекистон Филармониясининг концерт бригадаси белгиланган икки ой ўрнига тўққиз ой давомида фронт жангчиларига хизмат кўрсатганлар ва бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айтиш лозимки, бу бригадаларнинг репертуари ва сахна асарлари ҳам Марказ томонидан катъий назоратга олинган бўлиб, баъзи ҳолларда уларни қайтариш ҳолатлари ҳам бўлган. Свердлов номли Рус опера театри ва М. Горький номли Рус драма театрининг фронт бригадалари СССР ХКС ҳузуридаги Санъат ишлари бўйича Бошқарма раисининг юборган хати асосида ҳам бу бригада фаолияти қаттиқ танқид қилинди ва бунга масъул бўлган шахсларга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. (Ҳужжатлар билан танишиш жараёнида, маълум бўладики, буни бутунлай адолатли қарор деб бўлмасди. Сабаби, бригададаги артистларнинг тушунтириш хатларидан бунинг сабаблари бўлиб, улар эътиборга олинмаган).

Лекин аксарият ҳолатларда Ўзбекистондан юборилган фронт бригадаларининг фаолияти Ишчи Дехқонлар Қизил Армияси Бош сиёсий бошқармаси томонидан юқори баҳоланган. Масалан, 1942 йилнинг 17 ноябрида СССР ХКС ҳузуридаги Санъат ишлари бўйича Бошқарманинг 437-сонли буйруғида Ўзбек Давлат Филармониясининг Фронт концерт бригадасининг икки марта ҳаракатдаги Қизил Армия қисмларида бўлиб, жангчиларда миннатдорчилик туйғуларини уйғотган 70дан ортиқ концерт томошалари берганлари учун РККА(?) Бош сиёсий бошқармаси томонидан фаолияти юқори баҳолангани қайд этилган. Ўзбек Фронт концерт бригадаси томошалардан ташқари жангчилар орасида оммавий ташвиқот ишларини ҳам олиб бориб, Ўзбекистон корхоналаридаги қаҳрамонона меҳнат намуналари ҳақида сўзлаб берганлар. Мазкур буйруқда амалга оширилган фаолияти учун қуйидагиларга ташаккурнома эълон қилинган:

1. Раҳмонов Хабибулла - Бригада бошлиғи, Ўзбек филармонияси директори.
2. Раҳимова Гавхархоним - ЎзССРда хизмат кўрсатган артист.
3. Бобораҳим Мирзаев - ЎзССРда хизмат кўрсатган артист.
4. Каримова Розия - ЎзССРда хизмат кўрсатган артист.
5. Ирматова Раҳима - ЎзССРда хизмат кўрсатган артист.
6. Габрильян Сурен Ник. – Бригаданинг мусиқавий раҳбари, композитор.
7. Оқилов Исахор - ЎзССРда хизмат кўрсатган артист.
8. Фахриддин Содиков – чангчи, композитор ва бошқалар (жами 18 киши).

Ўзбекистонлик санъаткорлардан ташкил топган фронт бригадалари фаолиятининг Қизил Армия Қўмондонлиги томонидан юқори баҳоланган бу каби мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон урушига қадар ҳам, уруш йилларида ҳам халқимиз қаҳрамонона меҳнати билан бунёд қилинган ирригация иншоотларининг қурилишида ҳам ўзбек халқининг санъатни нақадар севиши ва санъаткорларни бениҳоя эъозлаши яхши маълум бўлган. Уруш бошлангач эса, Ўзбекистон маданият ва санъат намоёндалари жанг майдонларида олдинги сафларда фашистларга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар. Шунингдек, концерт бригадалари олдинги жабҳаларда жангчиларни маданий жиҳатдан илҳомлантирувчи асарлар – кўшиқлар, шеърлар, плакатлар, карикатуралар, расмлар яратдилар. Фронт ортида ҳам улар нашриётлар, газета, радио, кутубхоналарда, музейлар, клубларда фидокорона меҳнат қилиб, ўз асарлари билан халқнинг душман устидан ғалаба муқаррарлигига ишончини мустаҳкамлашга, умид беришга ва йўқотиш ва айрилиқдан ғуссага тўлган кўнгилларни кўтаришга хизмат қилдилар. Шу йилларда Ўзбекистон театр санъатида кечган ҳарбий сафарбарлик жараёнлари давомида ҳам ўзбек театри энг асосий санъат тури сифатида ўз мавқеини сақлаб қолди ва халқимиз эътироф этган янги дурдона асарлар яратилди, янги театрлар ишга тушди, янги истеъдодлар очилди.

Спектаклларнинг асосий мавзуси ватанпарварликка, душманга қарши курашга, ғалабага даъват ва ҳушёрликка чақирувчи асарлар бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. Биринчи китоб. Тошкент, 2009. - 264 бет.
2. Ўзбекистон Миллий архиви материаллари. 2087-жамғарма. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Санъат ишлари бўйича Бошқармаси фонди ҳужжатлари жамғармаси. 1- рўйхат. 1-28 ҳужжатлар йиғма жилдлари.

THE COURAGE OF WOMEN FROM UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

Feruzza Usarova

*candidate of political sciences, associate professor
director of the Coordination and methodological center
for contemporary history of Uzbekistan under
the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

Аннотация. Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихий маълумот ва ҳужжатларини тадқиқ этиши жараёнини ўрганар эканмиз, шуни айтиши мумкинки, Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўйган ҳиссаси ва жасорати ҳали тўлиқ ўрганилмаган ҳамда илмий нуқтаи назардан етарлича очиб берилмаган. Янги Ўзбекистонда бу йўналишида кейинги 5-6 йил ичида катта ишлар амалга оширилмоқда. Илгари махфий бўлган ва кириш имкони бўлмаган архив ҳужжатлари ва материаллари тадқиқотчиларга очиқланди. Шу билан бирга, архив муассасалари, музейлар, фондлар билан ҳамкорлик фаоллашди, олим тарихчилар, соҳа мутахассислари билан хорижий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Бугун Иккинчи жаҳон уруши тарихини ўрганишида янги босқич бошлангани ҳақида гапиришига барча асосларимиз бор.

Ушбу илмий мақолада ўзбекистонлик хотин-қизларнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўйган ҳиссаси ва ролини ёритишига ҳаракат қилинди. Мақолани тайёрлаш жараёнида тарихий манбаларни таҳлил қилиши, эмпирик тадқиқотлар ва қиёсий таҳлил каби илмий-тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Калит сўзлар: уруш, Ватан, жасорат, ғалаба, аёллар.

Аннотация. Изучая исторические материалы, можно утверждать, что вклад народа Узбекистана в победу над фашизмом еще до конца и всесторонне не изучена. В новом Узбекистане за последние 5-6 лет в этом направлении проделана большая работа. Прежде всего, исследователям были открыты ранее засекреченные и недоступные архивные документы и материалы. Наряду с этим активизировалось сотрудничество с архивными учреждениями, музеями и фондами, также заметно улучшилось сотрудничество ученых историков, специалистов этой области и зарубежных стран. Сегодня мы имеем все основания говорить о начале нового этапа в изучении истории периода Второй мировой войны.

В данной статье сделана попытка осветить роль женщин в победе над фашизмом. В процессе подготовки данной научной статьи были использованы методы научного познания, такие как анализ исторических источников, эмпирическое исследование, сравнительный анализ. Комплексный подход методов исследования способствовал представить всестороннюю и научную статью на данную тему.

Ключевые слова: война, Родина, подвиг, победа, женщины.

INTRODUCTION

Today everybody knows that the Second World War was the most terrible and bloody war in the history of mankind, which claimed that the lives of millions of people around the world and brought unprecedented grief, losses and disasters. About 2 million Uzbek citizens who took part in this terrible war, more than half a million died, and those who returned from the war lived with the horrors of war for the rest of their lives.

The courage and feat of the Uzbek people in the fight against fascism is written on the unforgettable pages of the human history. Thousands of sons and daughters of Uzbekistan took military weapons into their hands, stood shoulder to shoulder and made a worthy contribution to the destruction of fascism.

During the difficult years of the war, the unique centuries-old traditions and values of the Uzbek people, high civic position, kindness, patriotism, good neighborhood, humanity and courage were fully revealed.

The President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev said about this: «Courage, unbending will and steadfastness, noble qualities shown by the people of Uzbekistan during the Second World War remain the highest example of humanism and eternal memory for subsequent generations. Perpetuating the bright memory of our ancestors who gave their lives for today's peaceful and calm, free and prosperous life, the worthy continuation of their noble deeds is an enduring value inherent in our generous and noble people, for whom peace is a great blessing.

No matter how many years pass, progressive humanity will never forget this cruel and bloody Second World War, which caused the death of millions of people around the globe, bringing unimaginable losses, sorrows and misfortunes. Our people will always remember that out of about 2 million Uzbek citizens who participated in this merciless war, more than half a million died» [1].

FIRST DAYS OF THE SECOND WORLD WAR

From the first days of World War II, the multinational population of Uzbekistan, young and old, wrote applications to military commissariats asking to be sent to the front. For example, in the first months of the war, more than 32 thousand applications were submitted by volunteers. These were people of different professions and nationalities. It should be emphasized here that among those who asked to go to fight in the war there were not only men, young and old people, but among them there were also many young girls and women.

According to information, during the Second World War, a government decision was announced to mobilize women for the war. Based on this document, on May 1, 1942, 448 women of Uzbekistan were mobilized into the ranks of the Red Army. By the end of that year, 1,600 Uzbek women had been sent to the war. These were mostly girls aged 19 to 26 years. Among them, such names as Zebokhon Ganieva, Rakhima Alimova, Azizakhan Kalandarova, Sharofat Eshonkhodjaeva, Khosiyat Usmonova, Salomat Sangidova, who fought face to face with the enemy, are proudly mentioned [2].

We can proudly say that during the Second World War, Uzbek women made a great contribution to the victory against fascism. Some of them worked in factories and plants, in fields and farms, providing the front with everything necessary. Others took up arms and, together with the men, heroically fought the enemy.

It should be noted that in those years, a total of 4,555 women from Uzbekistan were mobilized to the front on their own initiative. At different points in the war, women were active and courageous. Among them, such experienced snipers as Elena Stempkovskaya glorified themselves for their bravery. Or military surgeon Mukaddam Ashrapova saved the lives of many wounded soldiers. The observer of the offensive aviation regiment Sayyora Shukurova, famous radio operators Roza Ibragimova and Sobira Medzhidova, sisters Munira and Roziya Giyasova also contributed to the victory.

FEAT OF WOMEN FROM UZBEKISTAN

9. Nye J.S. Jr. Soft Power: The Means To Success In World Politics Public Affairs / J.S. Nye Jr. // 2005. – 130 p. URL:<https://www.twirpx.com/file/1526705/> (accessed on: 18.03.2023).
10. Belanger L. Redefining Cultural Diplomacy: Cultural Security and Foreign Policy in Canada, Political Psychology, 1999, 20 (4), 677-699.
11. Л'Этанг Ж. Общественные отношения и дипломатия в глобализованном мире: проблема общественной коммуникации. Американский бихевиорист, 2009, 53(4), 607-626.
12. Lenczows J. Cultural Diplomacy, Political Influence, and Integrated Strategy/ J. Lenczows // Strategic influence: public diplomacy, counterpropaganda, and political warfare // Institute of World Politics Press. 2008. P. 74-99. URL:https://jmw.typepad.com/files/strategicinfluenceclass_copy.pdf (accessed on: 29.03.2023).
13. Боголюбова Н.М., Николаева, Ю.В. Выработка определения внешней культурной политики в современном научном дискурсе / Н.М. Боголюбова, Ю.В. Николаева // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2012. № 4 (18): в 2-х ч. Ч. I. С. 25-27. URL:http://scjournal.ru/articles/issn_1997-292X_2012_4-1_05.pdf (дата обращения: 25.03.2023).
14. Lenczows J. Cultural Diplomacy, Political Influence, and Integrated Strategy/ J. Lenczows // Strategic influence: public diplomacy, counterpropaganda, and political warfare // Institute of World Politics Press. 2008. P. 74-99. URL:https://jmw.typepad.com/files/strategicinfluenceclass_copy.pdf (accessed on: 23.02.2023).
15. Finn H. The Case for Cultural Diplomacy: Engaging Foreign Audiences / H. Finn // Foreign Affairs November/December 2003 Issue. URL:<https://www.foreignaffairs.com/articles/2003-11-01/case-cultural-diplomacy-engaging-foreign-audiences> (accessed on: 5.05.2023).
16. Mutual Educational and Cultural Exchange Act of 1961 // United States Code. Title 22: Chapter 33. URL:<https://www2.ed.gov/about/offices/list/ope/iegps/fulbrightthaysact.pdf> (accessed on: 5.04.2023).
17. The International Cultural Exchange and Trade Fair Act / Public Law 860, 84thCongress // The Code of Federal Regulations of the United States of America. URL:<https://www.gpo.gov/fdsys/granule/STATUTE-70/STATUTE-70-Pg1035-2/content-detail.html> (accessed on: 5.02.2023).
18. Chiaramonte C. The Evolution of U. S. Cultural Diplomacy in the Cold War / C. Chiaramonte // Sistema de Información Científica. URL:<http://www.redalyc.org/html/4337/433747604003/> (accessed on: 5.11.2018).
19. National Defense Strategy of The United States of America 2018. URL:<https://dod.defense.gov/Portals/1/Documents/pubs/2018-National-Defense-Strategy-Summary.pdf> (accessed on: 12.03.2023).
20. Strategic Goal 11: Public Diplomacy and Public Affairs // Department of the State and U.S. Agency for International Development. 2007 Joint Performance Summary. URL:<https://www.state.gov/documents/organization/59181.pdf> (accessed on: 6.03.2023).
21. Cultural Diplomacy The Linchpin of Public Diplomacy// Report of the Advisory Committee on Cultural Diplomacy. U.S. Department of State. 2005. URL:<https://www.state.gov/documents/organization/54374.pdf> (accessed on: 6.03.2023)

ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАР ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СТРУКТУРАСИ

Камол Тагаев

Навоий давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. В статье раскрывается значение социальных проектов в подготовке управленческих кадров. Автор обосновал тот факт, что социальные проекты имеют стратегическое значение в подготовке управленческих кадров и формировании в них управленческих навыков. Также актуальным вопросом, поднявшимся на уровень государственной политики, стало формирование руководящих кадров в системе социальных проектов. Ведь этот важный вопрос представляет собой процесс, непосредственно связанный с общественной деятельностью, моральным обликом и культурным мировоззрением руководящих кадров.

Ключевые слова: лидерство, стратегия, государственная политика, культурный уровень, структура.

Abstract. The article reveals the importance of social projects in the training of management personnel. The author justified the fact that social projects are of strategic importance in the training of managerial personnel and the formation of management skills in them. Also, the formation of leading personnel in the system of social projects has become an urgent issue that has risen to the level of state policy. After all, this important issue is a process directly related to the social activity, moral image, and cultural outlook of the leading personnel.

Key words: leadership, strategy, state policy, cultural level, structure.

КИРИШ

Ижтимоий лойиҳалаштириш – илмий асосланган, мақсадли ўзгаришларни шакллантирувчи, янги ижтимоий ривожланиш имкониятларини юзага келтирувчи бунёдкор фаолиятдир. Тубдан ўзгаришларни юзага келтирувчи жараёнлар тизими. Бошқача айтганда, бу келажакнинг аниқ тасвирларини, аниқ тафсилотларни яратиш бўйича фаолият дастурлар ва режалар ишлаб чиқилади. Бу кўпинча янгилликка олиб келади (ёки модернизация қилинган) ижтимоий объект янги механизм ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг янги воситаси сифатида намоён бўлади.

Шу маънода кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам лойиҳалаштириш муҳим компонентлардан дир. Хусусан, раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларда бошқарув кўникмаларини рўёбга чиқаришда ижтимоий лойиҳалар муҳим фундаментал асос ҳисобланади. Ижтимоий лойиҳалар тизимида раҳбар кадрларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган долзарб масала бўлиб келмоқда. Зотан, бу муҳим масала бевосита раҳбар кадрларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавий қиёфаси, маданий дунёқараши билан боғлиқ воқеяликдир.

Юртимиз олимлари Ш. Асадов, Д. Бекжанов, Н. Боймуродов, Н. Комилов, В. Каримовларнинг тадқиқотларида раҳбарнинг маънавий-маданий қиёфаси, бошқарув сиёсати каби масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Хорижий давлат олимлари И.И. Ляхов, Т.Л. Дуброва, А.Г. Раппопорт, Б.В. Сазонов, Г.П. Шchedровицкийлар ижтимоий бошқарув ҳамда ижтимоий лойиҳалаштиришнинг ўзаро алоқадорлигини, С.Л. Афанасьев, И.В. Бестужев-Ладалар лойиҳанинг назарий асосларини, Н.А. Айтов, Г.А. Антонюк, Н.И. Лапин, А.И. Пригожина, Ж.Т. Гошченко, Н.Г. Харитонова, Т.М. Дридзе, Ю.А. Крючковлар лойиҳанинг прагматик хусусиятлари бошқарув тизимида муҳим стратегия эканлигини ўз тадқиқотларида очиқ беришган.

Мақолада қиёсий таҳлил, ретроспектив таҳлил, тизимли ёндашув, креатив ёндашув, диалектик, герменевтик, синергетик илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАР

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларнинг тикланиши мамлакатдаги раҳбар кадрлар фаолиятининг характерига жиддий таъсир кўрсатди. Ташкилот раҳбарлари ўз фаолиятида нафақат ишлаб чиқариш зарурияти ва меҳнат қонунчилиги, балки миллий қадриятларга ҳам таянадиган бўлди. Улар, хусусан, миллий қадриятларга мос ҳолда қарорлар қабул қилишга, меҳнат жараёнини миллий анъана, миллий қадриятларга мос ҳолда оптималлаштиришга интила бошладилар. Кейинги йилларда Ўзбекистонда раҳбарлар олдига қўйилаётган сиёсий талабларнинг кучайиши уларнинг фаолиятини янада мураккаблаштирди. Шуни назарда тутган ҳолда давлат раҳбари: «Халқнинг дарди ва ташвишларини писанд қилмайдиган, эл-юртимиз осойишталиги ва жамоат тартибини сақлашга, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қурби етмайдиган ҳар қандай даражадаги раҳбарларга нисбатан жиддий чора кўрилади. Лўнда қилиб айтганда, бундай лоқайд ва бефарқ шахсларга раҳбарлик лавозимларида мутлақо ўрин йўқ», деб таъкидлади [1, 239].

Мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб бораётгани раҳбар кадрлар фаолиятини ўзгартирувчи муҳим омилга айланмоқда. Раҳбар кадрнинг ижтимоий қиёфасини юксалтириш масаласи бугунга келибгина кун тартибидан жой олган масала эмас. Барча замонларда, жумладан, мамлакат мустақилликка эришганидан кейин ўтган ўттиз йил давомида ҳам мазкур масала мудом диққат марказида бўлган. Ижтимоий янгиланишлар суръати билан раҳбар ижтимоий қиёфасининг юксалиши мароми ўртасидаги мутаносибликка эришиш учун бу тажрибалардан келгусида фойдаланиш йўллари аниқлаш зарур. Чунки мазкур тажрибаларга эътиборсизлик уларнинг бесамар яқун топишига, раҳбар кадр тайёрлаш билан боғлиқ билимлар ривожига ворисийликнинг бузилишига олиб келади.

Янги Ўзбекистонда раҳбарларни шакллантириш, уларнинг ижтимоий қиёфасини бозор иқтисодиёти тамойиллари, умуминсоний қадриятлар ва демократик нормалар асосида қарор топтириш имконини берадиган яхлит дастурлар қабул қилинмоқда. Бу дастурларнинг қатор элементлари ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жумладан, янги воқелик шароитида қуйидаги элементлардан самарали фойдаланиш мумкин:

- Биринчидан, раҳбар кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган яхлит тизимни қарор топтириш ва унинг мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлаш тажрибаси шаклланган.
- Иккинчидан, раҳбар кадрларни тайёрлашнинг илмий-услубий манбалари яратилди.
- Учинчидан, раҳбарлар фаолиятини аниқ тамойилларга бўйсундириш борасида муайян тажрибалар шаклланди.
- Тўртинчидан, раҳбарлар фаолиятини назорат қилиш борасида ҳам салмоқли тажрибалар шаклланган.
- Бешинчидан, раҳбарларни халқ манфаатларига монанд равишда фаолият кўрсатишга ундаш борасида тажрибалар вужудга келди.

Шу маънода ижтимоий лойиҳалар тизимида раҳбар кадрларни тарбиялаш ва уларни бошқарув тизими талаблари доирасида шакллантириш муҳим стратегия бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий лойиҳа бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиб, у ташкиллаштириш имконини беради. Тартибли амалга ошириш, алгоритмик бошқарув тизими шаклланади [2, 134]. Шу маънода ижтимоий лойиҳалар ташкиллаштириш, бошқарув тизимида муҳим субстанция сифатида намоён бўлади. Зотан ҳозирги кунда, замонавий бошқарув тизимида ижтимоий лойиҳалардан унумли фойдаланиш, фаолиятни сифатли амалга оширишга олиб келади. Ҳар қандай лойиҳа фикр, ғоя билан бошланиб, мукамал режа асосида амалга оширилади.

РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ УЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Раҳбар кадрни шакллантириш, унинг ижтимоий қиёфасини юксалтириш учун мамлакатда бу жабҳада жам этилган аҳамиятли тажрибаларга таянишнинг ўзи кифоя қилмайди, албатта. Айни пайтда яқин келажакда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифаларни аниқлаш, уларни амалиётга татбиқ этишга доир тадбирларни белгилаш ҳам зарур. Ушбу вазифаларни аниқламасдан, уларнинг тизимли равишда ҳал этилишини таъминламасдан туриб, мамлакат

тараққиёти ва Ватан манфаатларига хизмат қиладиган замонавий раҳбарни қарор топтириб бўлмайди.

Ҳар қандай раҳбар ўз функцияларини бажариш учун позициясини белгилайди. Унинг ижтимоий қиёфаси айнан ана шу танланган йўл, бошқарув услуби ва тамойилларга асосланади. Раҳбар маънавий қиёфаси деганда унинг ижтимоий аҳамиятга молик фазилат ва хислатлари, кадриятлари, эътиқоди, ўз фаолиятида амал қиладиган тамойиллари, ҳаётга ва жамиятга муносабати назарда тутилади.

Раҳбарлар ўз функцияларини турли тарзда бажарганлари боис уларнинг ижтимоий қиёфаси ҳам турлича бўлади. Бироқ раҳбар қандай ташкилотни бошқармасин, фаолиятини қай тарзда амалга оширмасин, белгиланган мақсадларга эришиши ва зиммасига юклатилган функцияларни тўлақонли бажариши учун унинг ижтимоий қиёфасида профессионал фазилатлар мужассам бўлмоғи даркор.

Раҳбар ижтимоий қиёфаси турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жараён ҳамда воқеалар таъсирида ўзгара боради. Унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи энг асосий омил ижтимоий муносабатлар характери билан боғлиқ [3, 87-96]. Раҳбар хислат ва фазилатлари, ўз функционал вазифаларига муносабати жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий алоқаларга мос ҳолда ўзгаради. Бу алоқаларда трансформацион жараёнлар юз бергани заҳоти раҳбар хислатлари, меҳнат фаолияти билан боғлиқ кадриятлари тизими, ўз хизмат вазифаларига ва ходимларга муносабати, бошқарув фаолияти ўзгача тус олади. Ҳозирги кунда раҳбар кадрлар халқ дарди билан яшаши, инсон қадри тушунчасини теран англаб олиши муҳим стратегик масаладир. Зотан «Айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда. Қолаверса, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда. Ва ниҳоят, асосий камчилик – аксар раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойларидаги ишлар қандай аҳволда эканлигини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқ» [1, 240]. Халқ билан ҳамнафас бўлиш, замонавий раҳбар кадрнинг профессионал сифати ва функционал вазифасидир.

Раҳбар ижтимоий қиёфасининг шаклланишига миллий кадриятлар ҳам беқиёс таъсир кўрсатади. Миллий кадриятлар корхонадаги меҳнат жараёни, жамоадаги шахслараро муносабатларнинг характерига ҳам таъсир ўтказади. Раҳбар бошқа ходимлар каби меҳнат жараёни ва шахслараро муносабатларда миллий кадриятлардан келиб чиққан ҳолда иштирок этади, уларга айнан миллий кадриятларга таяниб баҳо беради.

Раҳбар маданий қиёфаси жамиятдаги раҳбарлик фаолиятининг демократик асослари таъсирида шаклланади. Раҳбар ижтимоий хислат ва фазилатлари, эътиқоди, фаолиятининг асосий принциплари, ҳаётгий позицияси жамиятда яратилган раҳбарлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари таъсирида шаклланади [4]. Бу асослардаги кемтикликлар, уларнинг емирилиши, обрўсизланиши ёхуд замон талабларидан ортда қолиши автоматик равишда раҳбар ижтимоий қиёфасига салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий жараёнлар таъсирида раҳбар фаолиятининг мураккаблашиши унинг ижтимоий қиёфасини ҳам ўзгартирди, албатта. Бунинг натижасида унинг ижтимоий қиёфасидаги хислат ва фазилатлар ўзгариб бормоқда. Ижтимоий омиллар таъсирида раҳбар фаолиятининг мураккаб тус олиши унинг эътиқодини ўзгартирмоқда. Янги шарт-шароитлардаги бошқарув фаолияти раҳбарнинг ўз меҳнатига муносабати, хизмат вазифаларига ёндашувига ўзгача тус ато этмоқда. Мазкур йўналишлардаги ўзгаришлар оқибати ўлароқ бугунги кун раҳбар кадрларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар табиати янгиланди. Уларнинг кадриятлари тизимида эврилишлар содир бўлди, ижтимоий тараққиёт ва ислохотларнинг асл мақсади ҳақидаги тасаввурлари кенгайди [5, 299-392]. Бугунги раҳбарларда масъулият ҳиссининг юксалганлиги, хизмат вазифасига муносабатнинг ўзгарганлиги, гуманистик кайфиятнинг ривожланганлиги ҳам кузатилмоқда.

Янги Ўзбекистонда раҳбар кадрлар ёшлар сиёсати ва ёшларнинг баркамол ўсиши ва билимли, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб вояга етиши учун жонқуяр бўлиши муҳим стратегик масаладир.

Бугунги ёш авлод истиқлол берган имкониятлардан аниқ мақсадларда фойдаланиши, ўз орзу-интилишларини шу азиз Ватан озодлиги ва ободлиги, халқ фаровонлиги каби олижаноб туйғулари билан ҳамоҳанг тасаввур қилиши, ўз тақдирини шу Ватан тақдири билан боғлиқ кўришларига эришиш лозим. Албатта раҳбар кадр баркамол авлодда шундай ҳис-туйғуларни

шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари тўғрисида янада чуқурроқ ўйлаб кўриши лозим. Бунда ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшларнинг индивидуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш мамлакатимизда олиб борилаётган том маънодаги янгиланиш ва тараққиётга бўлган ижобий муносабатини шакллантириш, уларни бу жараённинг тўла иштирокчисига айлантириш борасидаги асосий вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳадalarda қатор ўзгаришлар рўй берди. Жамият ижтимоий соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири таълим-тарбия соҳаси бўлиб, унинг ривожини сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳаларга бевосита таъсир этади ҳамда ижтимоий соҳалар меъёрий моҳияти ва камолот даражасини белгилаб беради.

Ўзбекистонда янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Бу жараёнларнинг асосий мақсади «изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир» [6, 345-347]. Кўзланган мақсадга эришиш учун, бир томондан, турли ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ва мунтазам ҳал этиб бориш имконини берадиган механизмни вужудга келтириш, иккинчи томондан эса, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун» ва «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғояларни рўёбга чиқариш зарур бўлади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мулоҳазалар замонавий раҳбар кадрларни шакллантириш, уларнинг ижтимоий қиёфасини юксалтириш масаласига бориб тақалади. Чунки инсонпарварлик ғояларига содиқ, ижтимоий аҳамиятга молик фазилат ва ҳислатларга эга, жамият манфаатларини кенг тасаввур қила олган раҳбаргина ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш механизмини ҳаракатга келтира олади, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлайди, давлат идораларининг халққа хизмат қилишига замин яратади. Бинобарин, бугунги кунда раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтириш муаммолари ижтимоий фалсафанинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

ХУЛОСА

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар турли ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклига, мақсад ва ишлаб чиқариш кўламига, ишлаб чиқариш функциялари ва жойлашувига эгаллиги боис раҳбарлар таснифан турфалиги билан характерланади. Раҳбар – муайян ташкилот фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш, натижаларни назорат қилиш мақсадида белгиланган норма ва қоидаларга асосан жамоани бошқарувчи шахсдир. Булардан келиб чиқиб, куйидаги хулосаларга келдик.

1. Бўлажак раҳбар кадр ўзининг бошқарув фаолияти давомида инновацион, маъмурий, коммуникацион, ижтимоий функцияларни бажаради [7]. Мазкур функцияларни бажариши ва уларга бўлган муносабатига қараб, ижтимоий қиёфасида авторитарлик, демократлик ва либераллик элементлари ҳақида гапириш мумкин.

2. Бўлажак раҳбар кадр моделини шакллантириш учун, биринчи навбатда, мазкур мавзуга бағишланган илмий изланишларни йўлга қўйиши зарур бўлади.

3. Замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтиришда креатив ёндашув зарур. Айниқса ривожланган мамлакатлар, уларда фаолият олиб бораётган нуфузли корпорация ва компаниялар ютуқларини ҳам ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

4. Раҳбар ижтимоий қиёфаси унинг катта аҳамиятга молик фазилат ва ҳислатлари, эътиқоди, фаолиятида амал қиладиган тамойиллари ҳаёт ва жамиятга муносабатидан таркиб топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1.- Т.:Ўзбекистон, 2017. – Б. 239-240.

2. Мирзиёев Ш. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз // Миллий тарақ-қийёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Ж.1.-Т.:Ўзбекистон, 2017. – Б.134.
3. Ляхов И.И. Социальное конструирование: доклад на седьмом Международном социологическом конгрессе. – М.: Политиздат, 1970. – С. 87-96.
4. Дуброва Т.А. Статистические методы прогнозирования в экономике: учебное пособие, практикум, тесты, программа курса / Т.А. Дуброва, М.Ю. Архипова. – Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. – М., 2004. – 136 с.
5. Раппорт А.Г. Проектирование без прототипов // Разработка и внедрение автоматизированных систем в проектировании. – 1975. – С. 299-392.
6. Сазонов Б.В. Социотехнические системы как объект перманентного проектирования и управления // Управление развитием крупномасштабных систем (MLSD'2016) / Б. В. Сазонов. – М., 2016. – С. 345-347.
7. Афанасьев С.Л. Будущее общество. Ведущие социально-экономические тенденции современности. –М.: Изд-во МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2000. – 567 с.
8. Бестужев-Лада И.В. Прогнозное обоснование социальных нововведений / И. В. Бестужев-Лада. – М.: Наука, 1993. – 233 с.
9. Розин В. М. Социальное проектирование и социальные технологии / В. М. Розин // Тренды и управление. – 2019. – № 3. – С. 1-14. 28.

СПИЧРАЙТИНГ ВА УНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ АҲАМИЯТИ

Нурали Улугов

Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

Аннотация. В данной статье речь идет об истории формирования спичрайтинга (подготовки выступлений), его значении, а также роли в общественно-политической жизни. Приводятся взгляды и суждения представителей различных эпох об ораторском искусстве, культуре речи.

Ключевые слова: спичрайтинг, ораторское искусство, общение, культура речи, риторика.

Abstract. This article discusses the history of the formation of speechwriting (preparing speeches), its significance, as well as its role in socio-political life. The views and judgments of representatives of different eras about the art of oratory and the culture of speech are presented.

Key words: speechwriting, oratory, communication, speech culture, rhetoric.

КИРИШ

«Спичрайтинг ва унинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги аҳамияти» деб номланган ушбу мақолада сиёсатшунослик, филология, журналистика соҳасидаги мутахассислар учун фойдали ва қизиқ бўлган маълумотлар келтирилган. Унда нутқ тайёрлашда нималарга ва қандай хусусиятларга эътибор қаратиш хусусида давлат ва сиёсат арбобларининг, илм-маърифат фидойиларининг ранг-баранг фикр-мулоҳазалари келтирилган. Мавзу мамлакат аҳолисининг зиёли қатлами турли илмий анжуманлар, конференция ва шу каби аҳамиятга молик тадбирлар доирасида спичрайтингга эҳтиёж сезиши ва унинг нафи деярли барча соҳа вакилларига тааллуқли экани билан долзарб ва аҳамиятлидир.

Жамоатчилик билан муносабатда катта аҳамият касб этувчи сўз, мулоқот, суҳбат инсониятнинг цивилизация таракқиётида муҳим ўрин тутгани тарихдан яхши маълум. Инсоният яратилганидан буён ўзаро мулоқот ва муносабатга эҳтиёж сезиб, одамлар дастлаб турли ҳаракат ва имо-ишоралар, мимика ва товуш воситасида ўз фикри ва истакларини билдиришни ўзлаштиргани, кейинчалик бу жараённинг такомиллашиши натижасида сўз ва нутқнинг вужудга келгани ҳақида фанда кўплаб илмий назариялар, турли қараш ва фаразлар мавжуд.

Қадимдан одамлар ўз фикр ва ўйларини тўғри баён этишга, сўзнинг қудрати ва хусусиятини англашга, ундан унумли фойдаланиш маҳоратини эгаллашга интиланган. Вақт ўтиши билан нутқ ҳам эврилишлар натижасида мукаммаллашиб, дастлаб унинг оғзаки, сўнг эса ёзма ва яна бошқа шакллари вужудга келган ва такомиллашиб борган.

Шу тариқа ижтимоий ҳаётда нутқдан унумли ва самарали фойдаланадиган нотиклар, воизлар пайдо бўла бошлаган. Улар жамиятда алоҳида обрў-эътиборга эга бўлиб, ўз сўзи ва нутқи орқали жамоатчиликка таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган. Инсонларнинг жамиятга социаллашуви, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки айнан нотиклар, воизларга бевосита боғлиқ бўлган. Айнан шунинг учун ҳам нутқ инсонлар сиёсий онгининг ўсиши ва маданийлашуви жараёнида алоҳида роль ўйнаган.

СПИЧРАЙТИНГНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ СИЁСАТГА БОҒЛИҚЛИГИ

Тарихдан нотиклик, сўздан тўғри ҳамда самарали фойдаланиш орқали кўплаб сиёсий етакчилар ва давлат арбоблари халқни бошқарган ва ҳаракатга келтирган. Шу боисдан ҳам нотиклик фан ва санъат даражасига кўтарилган ва алоҳида ўрганилган.

Қадимдан шаклланиб келган риторика фани айнан нутқни чиройли ва мазмунли ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этган. Қадимги Юнонистонда софистлар томонидан ишлаб чиқилган риторика фани фикрни ёқимли ва ҳайратга соладиган тарзда ифодалаш маҳорати деб таърифланади [1, 23].

Риторика (ўзбек тилида нотиклик деб номланади) асосан тингловчини ишонтиришга қаратилган бўлса-да, ундан сиёсатда маълум бир фойдани кўзлаш, судда эса адолатни таъминлаш каби масалаларда кенг фойдаланилган. Шунинг учун ҳам тарихда риторика тилни таъсирчан ва диққатга сазовор тарзда қўллаш санъати сифатида ифодаланган.

Риториканинг илк намоёндаларидан бири бўлган қадимги юнон софисти, «Риторика отаси» мақомига сазовор бўлган буюк нотик Горгиас «Сўз илохий маҳсулотларга энг кам ҳаракат билан эришадиган буюк кучдир», деб таъкидлаган [2,167]. Унинг фикрича, риторика инсонга ўзи ва уни ўраб турган борлик ҳақида маълумот берувчи энг яхши ва самарали воситадир.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель ўзининг «Риторика» номли машҳур асарида уни диалектикага мос келадиган санъат, деб таърифлаган [3,33-42]. Маълумки, риторика антик даврда юзага келган қадимий фанлардан бири бўлиб, кўплаб ижтимоий-сиёсий фанларнинг асосини ташкил этади. Айниқса, сиёсат ва сиёсий мулоқотнинг илк манбаси сифатида тан олинган.

Илмий адабиётларда риторика бугунги спичрайтингнинг (инглизчада speech – сўз, нутқ, writing – ёзмоқ) дастлабки кўриниши, хусусан, қадимги логограф (грекча logos – фан, сўз, grapho – ёзмоқ) касбининг замонавий шакли экани қайд этилган [4, 25-39].

XX асрга келиб, сиёсатнинг профессионаллашуви [5, 96] билан сиёсий етакчиларнинг нутқлари, уларнинг халққа мурожаатлари ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатдан такомиллашиб борди. Бу эса спичрайтерлик касбининг янги йўналиши сифатида шаклланиши ва унга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлди.

Бугун жамият ҳаётида нутқ технологиялари ва сўзнинг конструктив аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Нутқ – бу жамият аъзоларининг ўзаро мулоқотида, жумладан, жамоатчилик алоқаларида муҳим элемент саналиб, давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиш тараққиётида алоҳида ўрин тутмоқда. «PR» (жамоатчилик алоқалари) технологияларининг ривожланиши оқибатида эса тил ва нутқнинг аҳамияти янада кучайиб бормоқда.

А.В.Кульназарова қайд этганидек, замонавий дунёнинг ўзгарувчан шароитларига қарамай, спичрайтинг амалий йўналиш сифатида риториканинг минг йиллик тамойилларига асосланган ҳолда, уни замонавий технологиялар билан тўлдириб ва бойитиб борувчи йўналишдир [6, 8]. Унинг фикрича, спичрайтинг ишонарли нутқни, яъни, тингловчилар онгига таъсир кўрсата оладиган, уларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳар қандай ҳодисага бўлган муносабатини ўзгартиришга қодир бўлган нутқни яратишга қаратилган бўлиб, омма олдида нутқ сўзлаш бўйича энг самарали «PR» технологияларидан бири ҳисобланади.

Британиянинг машҳур спичрайтерларидан бири Саймон Ланкастер таъкидлаганидек, спичрайтинг – бу қадимги санъат туридир. Ҳозирги вақтда профессионал спичрайтерлик хизматларидан фойдаланишга талабнинг ортиши бемаънилик ёки дангасалик белгиси эмас, балки бугунги кун раҳбарлари дуч келаётган босимларни тан олишдир. Оддий қилиб айтганда, сиёсий етакчилар ёки ўз мамлакатларини бошқариши ёки нутқ ёзиш билан шуғулланишлари зарур. Бир вақтда икки муҳим вазифани бажаришга уларнинг вақт ресурслари етмайди [7]. Айниқса, сиёсий нутқ яратиш янада мураккаб бўлиб, бу ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани ва замонавий сиёсий етакчиларга босимнинг кучайиши билан боғлиқ ҳолат.

Маълумки, нутқнинг ёзилиш санъатини англаувчи спичрайтинг узоқ ривожланиш тарихига эга. Нутқ ва ёзув тарихига эътибор қаратсак, бу икки феномен бир-биридан фарқли ўлароқ ўз шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичларига эга бўлиб, бунда нутқ мантиқан ёзувдан анча илгари пайдо бўлгани маълум бўлади. Тарихий манбаларда нутқнинг қачон пайдо бўлгани ҳақидаги маълумотлар жуда оз бўлиб, улар асосан тахминий қараш ва фаразларга асосланган. Бироқ, ёзувнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи ҳақида мутахассис олимларнинг кўплаб илмий асосланган хулосалари мавжуд. Ёзувнинг ривожланиши билан унинг нутқ ривожига, бир-бирини тўлдирган ҳолда унинг такомиллашувига кўрсатган таъсири ҳақида кўплаб илмий назарияларга асос солинган. Шубҳасиз, бу риторика билан боғлиқдир.

Олти минг йиллик тарихга эга бўлган ёзув илм-фан, маданият ва санъат ривожда, умуман, инсоният тараққиёти ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги энг буюк ихтиролардан бири ҳисобланади.

Тарихчиларнинг фикрича, ёзувнинг ихтиро қилиниши инсоният тарихининг бошланиши саналади. Ҳордаги расмлар билан бошланган ёзув саргузаштлари аста-секин шумерларнинг миҳхат ёзуви, мисрликларнинг иероглиф ёзуви ва финикияликларнинг фонетик алифбоси билан ривожланиб, иброний, араб ва лотин тилларига ўтди. Бошқа томондан, қадимги туркий халқларнинг Ўрхун-Энасой битиклари, хитой иероглифлари, ҳинд санскритлари илм-фан, санъат ва нутқ маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига улкан таъсир кўрсатди.

Ёзиш – бу ҳиссиёт ва фикрларни шакллар, белгилар, ишора ва ҳарфлар орқали ифодаланадиган, ахборот ва маълумотлар билан изоҳланган, турли муҳит ва ҳолатларда ёзиб олинадиган алоқа воситасидир. Сир эмаски, нутқнинг ёзма шаклида товуш, қўл ҳаракати, мимика ва имо-ишорадан фойдаланишнинг иложи йўқ. Шу боис бу шаклдаги нутқ билан ишлаш бир мунча мураккабликларни келтириб чиқаради.

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Маълумки, барча соҳа ва тармоқларда бўлгани каби муайян мавзуга ёндашув кишиларнинг, замон ва макон, шароит ва талабга, жумладан, мутахассисларнинг дунёқараши, билими ва сиёсий тузум таъсирига қараб турлича бўлади. Шу боис ҳам турли давр, турли мамлакат ва турли замонларда яшаган тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалирида баъзан тафовутлар, баъзида эса инкор қилиш каби ҳолатлар ҳам кузатилиб туради.

Тадқиқотчи Лиотар фикрича, бугунги жаҳонда устувор бўлган постмодернизмнинг модернизмдан фарқи шундаки, унда матн ва асар олдиндан белгиланган анъанавий қоидалар билан бошқарилмайди, ўхшаш матн ва асарлар орқали ҳукм чиқарилмайди. Мазкур вазиятда матн ёки асар ёзувчи (шу жумладан спичрайтер) қоидаларни шакллантириш учун қоидаларсиз ишлашига тўғри келади.

Тадқиқотчи В.Г. Костомаров таърифлаганидек, нотиклик – бу нутқ инъомидир. Нотиклик остида мантиқий, аниқ, тушунарли, ҳиссиётли, ўринли, шубҳасиз тўғри бўлган нутқ, асарлар давомида поэтика, стилистика, ораторлик, шунингдек, «лингвистик дид эпоҳаси»да тўпланган бой тажрибалар мажмуаси тушунилади [8, 3].

Юнон олими Кораксининг фикрига кўра, риторика бу «ишонтирувчи хизматкордир». Нотикликнинг асосий фазилати бу исбот қилиш ва ҳақиқатни қарор топтиришдадир, деб таъкидлаган.

Маълумки, риторик таълимотлар цивилизациялар гуллаган даврларда Миср, Ҳиндистон, Хитой, Қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган ҳамда ривожланган. Ушбу барча риторик таълимотлар асосида фалсафий (масалан, риторик идеални тушуниш, ҳақиқатни излаш), эстетик (пафос, бадийлик, тасвирий воситалар), филологик (тил, мантик, фигура услубларини эгаллаш, метафора ва бошқалар) ва прагматик (таълим, оммавий нутқ, бизнес олами, сиёсат) қарашлар ва тушунчалар шаклланган.

Европа риторик анъанаси милоддан аввалги V-I асрлардаги қадимий маданиятга бориб тақалади. Масалан, М.Ф. Квинтилиан (эрамизнинг 1-асри) «Нотикни тарбиялаш тўғрисида»ги асарида нутқ маданияти бўйича алоҳида таълим моделини, нотик салоҳияти ва қобилиятларини ривожлантириш, риторик дастур бўлимлари ва риторик маҳорат эгасига қўйиладиган муҳим ахлоқий талабларни тақдим этади [8, 4].

Афлотун риторика тушунчасини тарихда биринчи марта ўзининг «Горгиас» асаридаги диалогларда қўллаган. Унинг фикрича, риторика мулоқот санъати бўлиб, бу жараёнда нотик мавзудан беҳабар бўлган шахсларнигина ўз ғояларига ишонтира олишини алоҳида таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, сўзлаш орқали одамларни алдаш усули бўлган риторикадан фақат сиёсий мақсадларда оммага таъсир ўтказиш ва уни тўғри йўлга йўналтириш учун фойдаланиш мумкин [9, 92-115].

Нутқнинг чиройли ва жозибали чиқиши унинг вақти ва жойи билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Нотўғри нутқ, ҳатто кучли аргументларга (логослар) асосланган бўлса ҳам, тингловчилар томонидан жиддий қабул қилинмаслиги мумкин. Нутқ мувофиқлигининг асосий белгиси бу

мулоқот (коммуникация) иштирокчилари (нутқ, тортишув ва бошқалар) ўртасида нутқнинг мавзуси, жойи, вақти ва шароитини олдиндан келишилганидир.

Тадқиқотчи С.Ф. Иванова Аристотелдан иқтибос келтирар экан, у: «Этос – ўз нутқи орқали одамларни муайян ҳаракатларга ундашга, уларнинг баён мавзусига бўлган муносабати ва фикр-мулоҳазаларини ўзгартиришга ҳаракат қилаётган шахснинг этик ва ахлоқий позицияси бўлиб, бу унинг фуқаролик масъулият ҳисси билан бевосита боғлиқ. Логос – одамлар учун муҳим фикр ва ғоялар йиғиндиси, диалектик даражада фаол акс эттириш ва ўзлаштириш предметидир. Пафос эса сўзнинг вазияти ва мақсадига мос келадиган нутқий ифода шакли бўлиб, у нутқнинг маъносини тушуниш ва ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади» [10, 6], деб ёзади.

Ю.В. Рождественскийнинг [11, 40] фикрича, риторикада элокуция «ornamenta» муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, элокуция нутқ услуби, нутқ жанри ва лингвистик воситаларни танлашни ўз ичига олади. Бунда сўзловчининг коммуникатив ниятлари, нутқнинг мазмуни ва нутқ вазиятини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Тил воситаларини танлашда элокуция бўлими – «орнамента» (нутқни безаш) зиммасига юкланади [12, 68-79].

Нотикнинг нутқи натижага йўналтирилгани боис, у вақти-вақти билан қарашларини ўзгартириши, қарама-қарши фикрларни ҳимоя қилиши ва таъсирларни излаши мумкин. Шунинг учун логос ва пафосдан сўнг дарҳол нотикнинг асосий хусусиятларидан бири бўлган «этос»га эҳтиёж туғилади. Яхши нотикликка эга бўлиш учун сўзловчида этос, яъни яхши хулқ ва ахлоқ каби инсоний фазилатлар намоён бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Спичрайтерликда муҳим ўрин тутган яна бир жиҳат бу ораторлик (нотиклик) санъатидир. Аслида нотиклик санъати бу – риторика, актёрлик техникаси (етказиб бериш) ва манипуляция усулларининг уйғун комбинациясидир. Спичрайтер нутқни тайёрлашда шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратган ҳолда, нотикқа қаерда интонация, қаерда мимика, қаерда метафора қўллаши лозимлигини кўрсатиб бериши керак бўлади.

Қадимдан Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда сўзнинг аҳамияти, унинг маъноси ва ундан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида кўплаб фалсафий қарашлар мавжуд бўлган. Бадиий ва илмий ижоднинг тараққиёти, ваъзхонлик, Қуръони каримни оммага тарғиб қилиш ва тўғри етказиш каби жараёнлар айнан ушбу фалсафий қарашлар билан бевосита уйғун тарзда ривожланган. Кейинчалик ваъзхонлик, нотиклик (чечанлик) санъатининг ривожини билан нутқ олдига қўйилган талаблар ҳам мукаммаллашиб борган.

Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Яъқуб Саккокий каби буюк алломалар ва мутафаккирлар тил, луғат, грамматика ва мантиқшуносликка бағишланган асарларида ушбу мавзуга алоқадор фикрлар ва қарашларини қайд этиб ўтканлар [13].

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиё маданияти тарихида нутқ маданияти ва унинг услубият муаммолари мамлакат ҳудудида қадимдан тадқиқ этиб келинган. Масалан, биргина машҳур туркийшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида кўтарилган баъзи мулоҳазалар, келтирилган лисоний далиллар, нутқ маданияти ва нутқ одобига оид фикрлар бундан яққол далолат беради.

Нутқ одоби масаласи XI асрда яшаб ижод қилган хоразмлик улуғ аллома Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг «Навобиф ул-калим» («Нозик иборалар») номли асарида келтирилган [14, 19-24]. Ушбу асарда кишининг чиройли, моҳият жиҳатидан қисқа, мазмундор ва бадиий савияда нутқ сўзлаши унинг нутқ одобидан далолат экани алоҳида қайд этиб ўтилган. Буюк олим Абу Райҳон Беруний эса: «Тил – сўзловчи истагини тингловчига етказувчи таржимондир», дея таъкидлаган.

Маълумки, қадимда Шарқда нотиклик санъати – воизлик деб аталган. «Ваъз» сўзи арабчадан тарғиб қилиш, панд-насихат деб таржима қилинади. «Воиз» сўзи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъноларини англатади.

IX асргача Шарқда воизлик вазифасини асосан халифалар ва шохлар бажарганлар. IX асрдан бошлаб эса давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидаги махсус сўз усталарига юклаб, уларнинг исм-шарифларига «воиз» сўзини қўшиб чақирган.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этишга бағишланган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисоалар яратилган. Булар қаторига Муҳаммад Рафиқ Воизнинг «Авбоб ул-инон», Воиз Қазвинийнинг «Зилолу мақол», Воиз Ширвонийнинг «Аҳсан ул-аҳодис», Муҳаммад Воизнинг «Ҳидоят ул-таквим», Қурайш Саидийнинг «Анис ул-

воизин», Воиз Самарқандийнинг «Равзат ул-воизин», Қози Ўшийнинг «Мифтоҳ ул-нажжих», Воиз Кошифийнинг «Даҳ мажлис», «Маҳзан ул-иншо» каби асарларини киритиш мумкин [15, 243-264]. Шунингдек, тарихчи, шоир, муҳаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён этилган.

Нутқ маданияти, нотиклик санъати масаласи билан сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳам жиддий шуғулланган. Алишер Навоий даврига келиб ўзбек тилининг мавқеи, нотиклик санъати анча юксак даражага кўтарилди. Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» [16] асарининг 24-фасли (боби)ни айнан воизлик санъатига бағишлаган. Ушбу асарда Хўжа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Иршод, Ҳотам Асом, Ҳусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз каби ўнлаб воизларнинг нутқ маҳоратлари ҳақида сўз юритилган.

Ушбу асарда Навоий «воизлик ҳушёр кишиларнинг ишидир, уларнинг насихатини қабул этган кишидир. Ваъзхон шундай бўлиши керакки, унинг мажлисига бўш кирган одам тўлиб чиқсин, тўла кирган одам эса енгил тортиб, холи қайтсин. Воиз олим ва ҳалол иш кўрувчи бўлса, унинг насихатидан четга чиққанлар гуноҳкор бўлур» [16, 32], деган фикрни илгари сурган.

Сўз мулкининг султони нутқ ва унинг қудратига: «Тил – бу нутқнинг кулоли. Агар нутқ номаъқул бўлса – у тилнинг офатидир. Тил орқали одам бошқалардан афзаллигини намоён этади», деб таъриф берган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ўғли Ҳумоюн Мирзо томонидан отасига йўллаган мактубини ўқиб, унга хат ёзишда ниҳоятда эътиборли бўлишни, баландпарвоз жумлалардан тийилишни, нутқни бетакаллуф ёзиш кераклигини уқтирган. Хат ёзишдан мақсаднинг нима бўлса, ўшани қисқа ва аниқ баён қил, дея насихат қилган. Бобур: «Бу хатнинг маъносини чақиш учун анча бош қотирдим. Мужмаллик туфайли хатнинг маъноси аниқ эмас, бунинг асл сабаби – мусажжаъ (қофиядош) сўзлар. Бундан кейин сўзларни қўллаганда сохталик ва мулозаматдан парҳез қилишни одат қил. Неки демоқни истасанг, очиқ-ойдин ёз», деб уқтирган [17, 109-110].

ХУЛОСА

Юқоридаги тарихий фактлардан кўриниб турибдики, нутқ тайёрлаш тарихи икки ярим минг йил давомида шаклланиб, ривожланиб борди ва ўзининг илк кўринишини ўзгартирди. Мазкур жараёнда қадимги Юнон файласуфларининг риторика борасидаги ижодлари, Шарқнинг буюк аллома ва мутафаккирларининг сўз қудрати ва нутқ маҳорати ҳақидаги қараш ва ёндашувлари муҳим ўрин тутди.

Спичрайтинг қадимдан шаклланиб келган риторика фанининг бир қисми сифатида, замонавий даврнинг муҳим йўналишларидан бирига айланиб, бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Бутун дунёда сиёсий лидерларнинг кучли ва самарали кулоли сифатида сиёсий нутқнинг майдонга чиқиши кўпчиликка сир эмас, албатта. Глобаллашув даврида сиёсат саҳнасида лидерларнинг тафаккури, илгари сураётган ғоялари уларнинг қай даражада нутқ сўзлаши билан белгиланмоқда.

Спичрайтинг нутқни чиройли ва мазмунли тайёрлаш, ундаги ғоя ва фикрларга жамоатчиликни (аудиторияни) ишонтириш ва уни ҳаракатга келтириш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, билим ва тафаккурини ошириш, ахборот майдонида тўғри ва ишонарли маълумотларни бериш орқали турли ноҳолис фикр ва қарашларни бартараф этишга қаратилган фаолият мажмуаси ҳисобланади.

Сиёсий нутқ қанчалик теран, тушунарли ва мазмунли бўлса, жамоатчилик уни шунчалик тез ва осон қабул қилади, нутқ самарадорлиги таъминланади. Шунинг учун ҳам оммавий нутқ тайёрлаш мураккаб илмий изланиш ва тадқиқот жараёни бўлиб, ўзига хос усул, ёндашув, технология ва механизмларни қўллашни талаб этади.

Спичрайтинг сиёсатчиларнинг жамоатчиликка етказиши керак бўлган фикрлари, мақсад ва вазибаларини аниқ ва ишончли тарзда баён қилиш маҳоратининг асосий бўғинидир. Замонавий шароитда спичрайтинг сиёсий етакчининг халқни ўйлантираётган ҳаётий муҳим муаммолар бўйича шахсий қарашлари, масала ечими юзасидан ёндашуви, стратегияси ва тактик ҳаракатларини кўрсатиб бериш ҳамда жамият аъзоларини ушбу ғояларга ишонтиришнинг самарали технологияси ҳисобланади.

Унинг асосий вазифаси сўз кудратини очиб бериш; нутқни олдиндан режалаштириш орқали кўзланган мақсадларга эришиш; сўзловчи, тингловчи ва айтилаётган мавзу ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш; ҳақиқат ва тил ўртасидаги муносабатни кучайтириш, нотикнинг ахлоқий мажбуриятларини очиб бериш, энг муҳими, нутқни мазмунли мавзуга айлантиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Platon, Phaedrus. (R. Waterfield, transl.). Oxford: Oxford University Press. 2002. – P. 23.
2. Lyne J. and Miller C.R. Rhetoric, Disciplinarity, and Fields of Knowledge. In *The SAGE Handbook of Rhetorical Studies*, 2008. – P. 167.
3. Schiappa E. The development of Greek rhetoric. M. J. Macdonald (Ed.), *The Oxford handbook of rhetorical studies*. Oxford: Oxford University Press, 2017. – P. 33-42.
4. Казанцева М.С. Спичрайтинг как технология подготовки политических текстов. *Высшая школа экономики: Научно-учебная лаборатория исследований в области бизнес-коммуникаций*, № 5. 2010. – С. 25–39.
5. Сиёсатни профессионаллашгани ҳақида дастлаб немис олими Вебер ёзади. Батафсилроқ қаранг: Мах Weber, *Politik als Beruf*. Anaconda Verlag, 2014. – P. 96.
6. Кульназарова А.В. Технологии спичрайтинга: учебное пособие / А. В. Кульназарова; СПбГУТ. – СПб., 2016. – С. 8.
7. Lancaster S. «Gordon Brown's speech: cheap at £4.3K». *The Guardian*, 5 Nov. 2009. URL:<http://www.theguardian.com/commentisfree/2009/nov/05/gordon-brown-congress-speechwriting>
8. Львов М.Р. Риторика. Культура речи. Учебное пособие, 2-е изд., испр. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – С. 3-4.
9. Kennedy G. A. Classical rhetoric, Thomas O. Sloane (Ed.), *Encyclopedia of rhetoric*. New York: Oxford University Press, 2001. – P. 92-115.
10. Иванова С.Ф. Говори!.. Уроки развивающей риторики. М., 1997. – С. 6.
11. Рождественский Ю.В. Теория риторики. М., 2004. – С. 40.
12. Аракчаа Альбина Б-О. К вопросу становления и развития современной теории элокуции. Часть 1. *Вестник Тувинского государственного университета. Социальные и гуманитарные науки*, No. 3 (96), 2022, – P. 68-79. URL:[URL:10.24412/2072-8980-10.24411/2221-0458-2022-96-68-79](https://doi.org/10.24412/2072-8980-10.24411/2221-0458-2022-96-68-79)
13. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент : «Ўқитувчи», 1993.
14. Турсунов А. Замахшарийнинг «Навобиғ ал-калим» асари ва унинг тузулиш принциплари. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, 1 (2), 2022. – Б. 19-24. URL:[URL:10.5281/zenodo.7216450](https://doi.org/10.5281/zenodo.7216450)
15. Арипова А.Х. Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. *Scientific progress*, 1 (6), 2021. – Б. 243-264.
16. Маҳбуб ул-қулуб: (Қалблар севгилиси). Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи С.Ғаниева. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 112 б.
17. Тузуки Бобурий. 109-110-бетлар. (ушбу жумлалар Бобур Мирзонинг 935 ҳижрий йил (1529 йил) «Нилуфар» боғида ёзилган «Махфий васиятнома»сида келган). – Б. 109-110.
18. Ҳасанова А.А. Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. «SCIENTIFIC PROGRESS» *Scientific Journal* ISSN: 2181-1601 Volume: 1, ISSUE: 6.